БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ
МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ
4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1989 ЙИЛ

1 ДЕКАБРЬ
№ 48 (3048)
ЖУМА

9 ДЕКАБРЬ — ОРОЛГА ЁРДАМ ШАНБАЛИГИ

ЮРТДОШЛАРГА МУРОЖААТ

Азиз ҳамюртлар!

Сизга аёнки, ёлғиз баҳри уммонимиз, онажон Оролимиз жон талвасасида. Ўрта Осиё табиатининг бу ноёб дуру-гавҳари ҳаёт деб аталмиш буюк неъматнинг жон ришталарини бир бирига боғлаб турибди. Юз бераётган экологик ҳалокат боис нозиклашиб қолган ана шу ришталар бугун узилай-узилай деб турибди.

Мувозанат ҳалқалари сочилиб кетмасдан [illegible]руноқ денгиз бўйида яшовчи уч миллионга яқин ҳамюртларимиз кулфат ичида қолдилар. Улар ичишга яроқсиз заққум сувлар, заҳар сочаётган қум тўзонлари ичида чексиз азоб-уқубат ютмоқдалар. Ҳукуматнинг Оролга доир қарори биринчи навбатда мана шу одамларнинг дардига малҳам бўлиш, уларнинг яшаш шароитларини ўнглашга қаратилгандир. Аммо узоқ йилларга мўлжалланган бу тадбирлар ҳали ўз самарасини бергани йўқ. Ҳали Орол бўйидан эшитилаётган мурғак чақалоқлар чинқириғи тингани йўқ! Фарзанд доғида куяётган оналар кўз ёши қуригани йўқ! Авлод-аждодлари билан боғлаб турувчи ёлғиз ёдгор — киндик қони томган туғилган юрт тақдири, ташвиши оталар қалбини тарк этган эмас. Тобора ваҳшат гирдобига тортаётган экологик қиёмат қойим билан юзма-юз олишаётган бу одамларга ёрдам қўлини чўзиш сиз билан биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Орол фондига йиғилган маблағлар ҳисобига Чимбой районида улкан даволаш-соғломлаштириш муассасаси бунёд этишга киришилди. Лекин бу Оролбўйидаги қийин шарт-шароитларда истиқомат қилаётган аҳоли эҳтиёжини қондириш йўлида денгиздан томчи холос. Экологик фалокат жабрини тортаётганларга чинакам ёрдам бериш, болалар ва аёллар ўлимини камайтириш, хатарли тус олиб бораётган касалликлар пойгасини тўхтатиш учун ҳали яна ўнлаб шундай даволаш, тиббий назорат муассасалари қуриш, уларни энг замонавий тиббий жиҳозлар билан, малакали мутахассислар билан таъминлаш, чет эллардан қимматбаҳо дори-дармонлар, бир марта ишлатиладиган нина ва шприцлар, сувни чучутиб берувчи қурилмалар сотиб олиш керак. Сув билан ҳаводек зарур бўлган бу нарсалар қанча кўп бўлса, Орол бўйидаги фалокатни енгиб ўтиш шунчалик ишончли бўлиши мумкин. Бунинг учун эса жуда катта маблағлар керак. Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги Оролни асраш қўмитаси шу йилнинг 9 декабрь шанба куни Оролга ёрдам учун хайрия шанбалигини ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Жумҳуриятимиз партия ва совет ташкилотлари бу ташаббуснинг ғоят муҳим аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, 9 декабрь куни умумхалқ шанбалигини ўтказишни маъқулладилар.

Азиз юртдошлар! Сизларга мурожаат қилаётирмиз. Кулфатга учраганларга ёрдам қўлини чўзиш, эл бошига тушган ҳар қандай оғир ишларни қўлни қўлга бериб биргаликда бартараф этиш халқимизнинг ота-боболардан мерос азалий анъанасидир. Биз бу гал ҳам асрлар оша қон-қонимизга сингган ана шу удумларга содиқ қолиб, буюк инсонпарварлик намунасини кўрсатайлик. Ўзимизнинг фидойи меҳнатимиз билан шу куни ишлаб топилган маблағларни Орол фондига, бинобарин, Орол фожиаси туфайли экологик қиёматга учраган юртдошларга ёрдам учун ажратайлик. Бу билан биз денгизнинг даҳшатли қум тўзонлари ичра оғир шароитларда истиқомат қилаётган кишиларнинг мушкулларини бир қадар енгиллатган бўламиз.

Албатта, бу маблағлар билан денгизнинг ўзини асрай олмаймиз. Буни ҳам рўй-рост айтиш керак. Аммо биз денгизнинг аввалги ҳолига қайтишини кутиб, ёруғ кунлар умидида яшаётган юртдошларимизга заррача бўлса-да мадад бўлишни ўзимизнинг виждон ишимиз деб биламиз. Денгизни асраб қолиш ҳам сиз билан бизга, айни пайтда Орол насибасини қирқиб, ҳамон унинг ҳисобидан улкан майдонларни суғориш режасини авж олдириб турган жуда кўп зиммадор идораларга боғлиқ. Сўнгги йилларда мамлакатимизда юз бераётган ижобий олға силжишлар боис, сизга маълумки, келаси йилдан пахта майдонлари қисқаряпти, унинг харид нархи ошаяпти, деҳқонларнинг томорқа майдонлари кенгайяпти. Бундай халққа мадад бўлувчи ўзгаришларга куч ва ирода топган жумҳуриятимиз раҳбарияти, умид қиламизки, шояд Орол дардига ҳам даво топа олсалар. Ҳозир эса сиз билан биз бир тан, бир жон бўлиб шу умид йўлида яшаб турган биродарларимизга ёрдам қўлини чўзайлик. Бу умид чироғи ёниши йўлида эзгу қадам бўлади.

Умумхалқ ҳашарига марҳамат!

Одил ЁҚУБОВ, Абдулла ОРИПОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Эркин ЮСУПОВ, Мирзаали МУҲАММАДЖОНОВ, Муҳаммадюсуф МУҲАММАДСОДИҚ, Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ

УНВОНЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми бир группа ижодкорларни турли унвонлар билан тақдирлади. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги Сатира театрининг бош режиссёри Бахтиёр Ихтиёровга «Ўзбекистон ССР халқ артисти», «Шарқ юлдузи» журналининг масъул котиби Носир Фозиловга ва Ҳамза номидаги санъатшунослик институтининг катта илмий ходими Фрунзе Жўраевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби», «Радуга» нашриёти Тошкент бўлимининг директори Азиз Бобохоновга, Ўзбекистон ССР Китобхон жамияти правлениеси раисининг биринчи ўринбосари Ғуломжон Пўлатовга, В. И. Ленин номидаги республика пионерлар ва мактаб ўқувчилари саройи «Солнишко» болалар опера студиясининг бадиий раҳбари Маргарита Страховага, «Йилдиз» журналининг масъул котиби Ризо Фозиловга ва ёзувчи Тоҳиб Йўлдошга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими», Чиноз район «Ленин байроғи» газетасининг редактори Зокир Қуртнезировга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони берилди. Биз кўпминг сонли муштарийларимиз номидан уларни юксак унвон билан табриклаймиз.



ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

«МУШКУЛ САВДО»

Муқимий номидаги республика музикали театрининг репертуари янги музикали драма билан бойиди. «Мушкул савдо» деб аталган мазкур асар драматург Машраб Бобоев қаламига мансуб, унга композитор Ҳабибулла Раҳимов музика ёзган. Музикали драмани театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Отабоев ва режиссёр Оловиддин Муҳиддинов саҳнага қўйди. Безакларни рассом Собир Бегматов ишлади. Оркестрга республикада хизмат кўрсатган артист Эргаш Тошматов дирижёрлик қилмоқда.

Спектаклда атиги икки киши иштирок этади. Булар — мактаб директори Остон ва унинг хотини — район партия комитетининг котиби Ойхон. Ролларни артистлар Турғун Бекназаров ва Норпошша Ҳасанова ижро этмоқдалар.

Шу куннинг долзарб масалалари ҳақида фикр юритувчи бу спектаклни томошабинлар олқишлар билан кутиб олмоқдалар.

СУРАТДА: шу спектаклдан кўриниш.

С. МАҲКАМОВ
суратга олган

ОРОЛ ФОНДИГА 100 МИНГ СЎМ

Жон талвасасидаги Орол денгизини қутқариш бугунги кунда умумхалқ ишига айланди. Бу бежиз эмас. Чунки Оролни асраш, бу — Ўрта Осиё табиатини, она юртнинг меъморий мўъжизаларини, миллионлаб кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолиш демакдир. Шунинг учун ҳам минг-минглаб кишилар Орол фондига ёрдам қўлларини чўзмоқдалар.

Яқинда Қизил Ўрда областининг Орол билан боғлиқ экологик талафот жабрини тортаётган Орол (Аралск) шаҳрида истиқомат қилувчи Абдураҳмон Сиддиқов катта фидойилик кўрсатди. У ўзининг шахсий жамғармасидан 100 минг сўм маблағни Орол ва Балхашни асраш фондига топширди. Эҳтимол, газетхонларимиз қандай қилиб бир одамда шунча пул бўлиши мумкин? Ёки у бирор кооператив раисимикан, деган хаёлларга бориши мумкин. А. Сиддиқов ҳеч қандай кооператив аъзоси эмас. У фақат ноёб касби, мутахассислиги даражасига кўра узоқ йиллар мобайнида Ватандан олисда хизмат қилди. Маоши-ю, мукофот пулларини ўз ҳузур-ҳаловати йўлида бўлар-бўлмасга совуриб юрмади. Хориждан келиб кўрсаки, у туғилиб ўсган шаҳар фалокат ичида қолибди, мозорлар кўпайибди. Одамлар уни ташлаб кета бошлабди. А. Сиддиқов эса жон ришталари боғланган шаҳардан умид узолмади. Кенг жамоатчиликнинг Оролни асраймиз дея бошлаган умумхалқ ҳаракатига қалб амри билан қўшилди.

●

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги Оролни асраш қўмитаси ташкил этган 001700403 ҳисобга (СССР уй-жой социал банкининг Тошкент шаҳар Киров район бўлими) ҳам муттасил ёрдам пуллари келиб турибди. Яқинда Тошкент шаҳар Октябрь район озиқ-овқат савдо идорасига қарашли 68-магазин ишчи-хизматчилари ҳам Орол фондига ёрдам беришга қарор қилдилар. Коллектив партия ва касаба союз ходимларининг бўлиб ўтган умумий йиғилишида магазин директори Абдусаттор Исмоилов район озиқ-овқат савдо идораси томонидан 68-магазин коллективига мусобақа натижаларига кўра берилган мукофот пулидан 800 сўмни Орол фондига ўтказишни таклиф қилди. Бу таклиф бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Ҳозир Орол қўмитасига ҳар куни бундай хат-хабарлар келиб турибди. Қўмитанинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида Орол фонди учун шанбалик ўтказишга қарор қилинди. Бу таклифни биринчи бўлиб Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси қўллаб-қувватлади. Бошқарма ҳайъати раиси, СССР халқ депутати, муфти Муҳаммадюсуф Муҳаммадсодиқ шу муносабат билан Орол қўмитасига йўллаган хатида шанбалик куни регион ҳудудидаги барча диний муассасаларда Орол фонди учун уюшқоқлик билан хайрия тадбирларини ўтказиш маълум қилинган.

ҚОНУН АМАЛГА ОШАДИ

Маълумки, Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақидаги қонуни қабул қилингандан кейин бу қонунни амалга ошириш комиссияси ҳам тузилди. Бу комиссия Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақидаги қонунини амалга ошириш юзасидан жумҳурият давлат программасининг лойиҳасини яратиши зарур. Шу муносабат билан жойларда қонунни ҳаётга тадбиқ этишда ташкилотлар амалга ошириши зарур бўлган тадбирларни белгилаб олишга бағишланган учрашувлар, йиғилишлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда. Яқинда ана шундай давра суҳбати Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмасида ҳам ўтказилди. Унда ўзбек тили ҳақидаги давлат қонунини ҳаётга тадбиқ этишда зиёлиларнинг вазифалари муҳокама қилинди. Давра суҳбатида бу борадаги вазифалар ҳақида қонунни амалга ошириш комиссияси аъзоларидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби Тоҳир Малик, жумҳурият адлия министрининг ўринбосари Мирзаулуғ Абдусаломов, адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов ахборот бердилар. Шунингдек, адиблар, олимлар ва журналистлардан Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Машраб Бобоев, Очил Тоғаев, Турсун Бобохўжаев, Йигитали Усмонов, Бахтиёр Каримов, Аҳмаджон Лутфуллаев, Маҳмуда Мирзаева, Зуҳриддин Исомиддинов, Фатхулла Зикриллаев, Соҳиба Абдуллаева, Жумабой Раҳимов, Шариф Холмуродов ва бошқалар тилимизни янада ривожлантириш истиқболлари тўғрисида гапирдилар. Улар ўзбек тили жумҳурият миқёсида катта нуфузга эга бўлиши учун ижодкорлар, олимлар бир қанча ишларни амалга оширишларини, жумладан, Атамалар давлат қўмитасини тузиш, тилшунослик ишларини кучайтириш, бу соҳадаги илмий ишларни кўпайтириш, матбуот органларининг, радио ва телевидение эшиттиришларининг тилини яхшилаш, бадиий асарлар тили тадқиқотига кенг ўрин ажратиш зарурлигини таъкидладилар. Шунингдек, мактабларда ўзбек тилини ўқитишни яхшилаш борасида ҳам таклифлар айтилди. Келгусида қилинадиган ишлар режалари белгилаб олинди.

МУЗЕЙГА СОВҒА

Яқинда И. В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Давлат санъат музейининг залларидан бирида таниқли ҳайкалтарош Жолдосбек Қуттимуродов ишларининг доимий экспозицияси очилди. Ж. Қуттимуродов музейга қорақалпоқ аёлларига бағишланган туркум асарларининг бир нечтасини ҳадя этди.

— Мен нимагаки эришган бўлсам, ҳаммаси учун Игорь Витальевич Савицкийдан бир умр миннатдорман, — дейди Ж. Қуттимуродов. — У билан тасодифан танишиб қолганман. Шунда Игорь Витальевич қорақалпоқ халқ амалий санъати йўқолиб кетаётганидан ташвишланиб гапиргanди. Мени ҳайкалтарош бўлишга ундаганди.

Ҳозир Ж. Қуттимуродовни Қорақалпоғистондан ташқарида ҳам яхши билишади. Мамлакатимиз ва чет эллардаги бир неча шаҳарларда унинг асарлари кўргазмаси бўлиб ўтган. Ж. Қуттимуродов асарлари мутахассислар ва санъат мухлислари томонидан доимо яхши баҳоланиб келинган.

Ж. Қуттимуродов жамоат ишларида ҳам фаол. Унинг ташаббуси билан Нукусдаги мактаблардан бирида эстетика дарси ташкил этилди. Машғулотларни Ж. Қуттимуродовнинг ўзи олиб бораяпти.

СУРАТЛАРДА: Ж. Қуттимуродов; «Дарёнинг шивирлаши».

О. ЖУРАВЛЁВА,
Б. ЮСУПОВ (ЎзТАГ)
суратга олган

Миллатлараро муносабатлар:

тарих ва ҳозирги замон

БИР-БИРИМИЗНИ ТИНГЛАМОҚ ВА АНГЛАМОҚҚА ЎРГАНАЙЛИК

Миллатлараро муносабатлар... Бошқа халқларга меҳр, ўзаро ёрдам, ҳамфикрлик, ҳамдардлик ва шафқат. Улар билан дўстлик, ҳамкорлик. Кўпчиликка бу юксак инсоний тушунчалар бугун пайдо бўлгандай туюлади. Ахир, бу ҳақда қадим аждодларимиз ҳам ўйлаганлар. Буюк Абу Райҳон Беруний ўзининг ўлмас «Ҳиндистон» асарида ҳинд халқи ҳақида чуқур муҳаббат ва ҳамдардлик билан ёзади, унинг босқинчиларига қарши чиқади. Айтгандай, уларни эзаётганлар ҳам Берунийнинг элатдошлари эди.

БОШҚА қомусий билим соҳибларини олайлик: Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий ижодининг бош ғояси халқлар бирлиги, муштараклигидир. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ахир, улар кўпмиллатли муҳитда яшаб ижод қилганлар, билимларини Бухоро, Дамашқ, Деҳли, Ҳирот кутубхоналарида қироат қилганлар... Шарқ адабиётининг Ҳамза, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек ва бошқа буюк салафлари ижоди ҳам шу сифатлари билан кўзга яққол намоён бўлади.

Ахир, Ўзбекистоннинг биринчи совет ва партия раҳбарлари бўлган Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбобоев хулқ-атворига зеб берган шамойиллар шул буюк адибларнинг дунёқарашлари эмасмиди? Бу буюк арбоблар нафақат икки-уч тилни билган, ўзбек деҳқони, рус ишчиси ёки тожик косиби билан уларнинг ўз тилида сўзлашганлар. Улар юксак маънавий маданиятли, зиёли, демакки, байналмилал зотлар эдилар. Ленин Ўрта Осиёга йўллаган сиёсий арбоблар — Я. Рудзутак, М. Фрунзе, В. Иванов ва бошқалар ўз фаолиятларини ерлик халқнинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари ва хулқ-атворини ўрганишдан бошлаганлар ва бу билан Ўрта Осиё халқлари ҳурмат-эътиборига сазовор бўлганлар.

Ўтган асрда ўлкамиз халқларининг маърифати, маънавий тараққиёти ва ўзлигини англаши учун қанча ишларни амалга оширган рус олимлари-чи? Жилла қурса, Вяткинни эслайлик. Ахир, у — камтар, ўзидан кечиб бўлса-да илм қилган рус археологи — халқ афсоналари ва ривоятлари изидан бориб 1908 йилда қадимий Самарқанд теварагидан Улуғбек расадхонасини топди. Халқимиз XV асрнинг бу улкан иншоотини кўрганда, Улуғбекнинг дунё илми салафлари билан ёнма-ён турганини билганда, руҳи уйғонди, ўз миллий қадр-қимматини чуқурроқ англади. Вяткин ҳам биз учун Улуғбекнинг ўзи каби мавлонога айланди. Россиянинг яхши одамлари бизни миллий қобиқдан олиб чиқдилар, улар орқали биз Пушкин ва Толстойнинг, Мирзо Фатали Охундов ва Абайнинг, Тўқай ва Шевченконинг овозини эшитдик.

Эсимда, 20 йиллар олдин ўзимнинг биринчи тарихий романим устида ишлаётиб, қадим қўлёзмалар ва китоблар орасидан мўъжазгина қора муқовасида сарғиш чизиғи бор чўнтакбоп китобчага дуч келдим. Бу Санкт-Петербургда ўтган аср охирида нашр этилган, Ўрта Осиёда хизмат қилувчи чор армияси офицерларига мўлжалланган русча -форсча сўзлашгич эди. Унда маҳаллий аҳоли билан мулоқотда зарур бўлган сўзлар, иборалар жамланган, равонлиги, ҳаммабоплиги билан ажралиб турарди. Ҳозир биз бир-биримизнинг тилларимизни билишимиз зарурлиги ҳақида кўп гапирамиз. Шундай пайтларда мен ўша мўъжазгина, титилиб кетгунча ўқилган китобчани эслайман. Ҳозир шундай сўзлашгичлар қардош республикаларда яшаётган халқларга қанчалик керак! Шундай сўзлашгич бизнинг рус тилини билмасликдан кўп нарса йўқотаётган қишлоқ болаларига ҳам асқотарди, ахир биз ҳали-ҳануз рус тилини ўрганишни яхши йўлга қўя олганимиз йўқ. Рус тилида ёзувчи адабиётчилар учун ҳам бу мадад бўларди. Агар биз бугун миллатлараро муносабатлар ва байналмилал тарбия соҳасида йиллар бўйи олиб борган ишларимизга разм солсак, яшириб нима қилдик, кўпинча намойишкорона, айниқса турғунлик даврида авж олган, кўз-кўз қилишга мўлжалланган интернационализмни кўрамиз. Миллатлараро муносабатларнинг фаровонлиги ҳақида ҳисобот бераётиб, биз одатда миллатлараро никоҳнинг кўпайиб бораётганини, у ёки бу коллектив ёхуд маҳаллада қанча кўп турли миллат вакили яшаётганини фахр билан тилга олардик, холос. Айни пайтда биз ҳаммамиз — ёзувчилар, жамиятшунослар, муаллимлар — замондошимизнинг мураккаб маънавий ҳаётини сезмас, у ёки бу миллат вакили онгида кечаётган жараёнларни ўрганмас, тадқиқотнинг энг муҳим асбобига эга эмас эдик. Масалан, ўз маданиятимизга муносабатни олайлик. Биз, ўзбеклар учун ўз маданиятига муносабатда ҳам, буюк рус маданиятига нисбатан ҳурматда ҳам ҳаммаси жойида, деб келдик. Биз, шунингдек, рус халқи вакилларининг улар яшаётган ердаги миллатнинг тил маданиятига нисбатан мураккаб муносабатини ҳам билмасдик. Бизнинг асарларимизда рус кишиси образининг бир хилда, андозавий, тирикликдан йироқ бўлгани бежиз эмас. Ўзбекистонда ёки Молдавияда яшовчи рус тилида ижод қиладиган адиблар асаридаги ўзбек ёки молдаван образи ҳам шунақа эди.

Охирги пайтлар бизнинг ноўрин баҳсларимиз мени, юмшоқ қилиб айтганда, жуда хафа қилади. Биз муаммоларимизни муҳокама қилишда бир-биримизни тушуниш ўрнига муносабат аниқлаштираяпмиз: ким-кимнинг ҳисобига яшаётибди, ким кимни боқиб, кийинтирмоқда? Ахир, бу йўл билан умумий уйимиз ташвишларидан халос бўлиш мумкинми? Биз баъзан ошкораликда ўз «мен-мен»сираши, бачкана сиёсатбозлиги йўлида фойдаланаётган бақироқлар олдида нафасимизни ичга ютиб ўтирамиз. Менингча, Ўзбекистоннинг қувонч ва ташвишлари нафақат ўзбекларнинг, балким ўлкамизда яшаётган барча кишиларнинг қувонч-ташвиши бўлмоғи керак. Афсуски, бу ҳақиқатни ҳамма ҳам тушуниб етгани йўқ. Шундай воқеа ҳали эсимда турибди.

Ўзбекларда киноя билан айтиладиган, ғийбат аралаш «миш-миш» деган тушунча бор. Олимларимиз «Тошкентнинг ўпкаси» деб атаган тоғли сўлим Бўстонлиқнинг устида шундай «миш-миш» узоқ кезиб юрди. Бўстонлиқни ифлос қилган заҳоти республикамиз пойтахти бўғила бошлайди. Маълум бўлдики, шу жойда экологик вазиятни беқарорлаштирувчи, кўпмиллион аҳолиси бор бўлган шаҳар ҳаётига таҳдид солувчи улкан асбобсозлик заводи қурилиши белгиланаётган экан. Бундай вазиятда бизнинг қаламдош ёзувчиларимиз, биринчи навбатда, журналистларимиз бонг уриши керак, шундай эмасми? Шундай бўлмадида! Айрим нашрлар Бўстонлиқ тозалиги учун ҳаракатни «миллатчилик»да айбладилар, қатнашчиларни — «инсон қалбининг сантехниклари» деб атадилар. Ахир, сўлим Бўстонлиқ фақат ўзбекларга эмас, бутун кўпмиллатли Тошкентга керак-ку!

Ёки бошқа мисол. Республикадаги салбий иллатларни фош этиш бошланган яқин йилларда бизга мадад бериш учун марказдан раҳбар ходимлар келдилар, юқори партия ва совет лавозимларини эгалладилар. Улар қишлоқ меҳнаткашлари қандай оғир аҳволда ишлаётганини, аёлларимиз ва болаларимиз пахтазорлардаги оғир заҳматли меҳнатга маҳкум эканини кўрган эдилар, албатта. Ахир, улар бонг уришлари, ҳеч бўлмаганда, бу муаммолар ҳақида бор овози билан гапиришга журъат этган ёзувчи ва олимларни қўллаб-қувватлаши керак эмасмиди? Чунки улар республикани оёққа турғизишда ёрдам беришга келгандилар! Афсуски, уларнинг ҳаммаси ҳам долзарб муаммоларни ечишда бизни қўллаб-қувватладилар, деб айтолмаймиз. Афсус...

Фарғона воқеалари ҳақида бир неча оғиз сўзламоқчиман. Барча одамларимиз, зиёлиларимиз бу воқеаларни ўз фожиаларидай қабул қилдилар. Икки ой давомида жуда кўп ўзбек ёзувчилари Фарғона водийсида бўлдилар, биродаркушликни тўхтатишга даъват қилдилар, ижодкорларнинг хунрезликни лаънатловчи сўзлари ҳар куни ойнаи жаҳондан эшитилиб турди. Фарғона воқеалари келгусида кескин бўлса-да, ҳалол баҳоланишини кутмоқда. Ҳозирданоқ шу нарса аёнки, халқимиз месхети туркларининг қайғусини ўз қалбига яқин олди. Оддий кишилар, ўзбеклар хавф-хатардан чўчимай, туркларни ўз уйларига яшириб, ўлимдан асраган ўнлаб ҳодисалар аён бўлди. Бу ҳақда месхети туркларининг ўзлари маҳаллий матбуот, телевидение орқали айтиб бердилар. Одамлар умидвор эдиларки, матбуот, биринчи навбатда марказий матбуот юз берган фожианинг илдизларини очиб беради. Бир юқори лавозимдаги ўртоқ минбардан таъкидлаганидек, гап «бир челак қулупнай»да эмаслиги ҳаммага аён эди.

Социал муаммолар бизда йиллар бўйи тўпланиб қолганди. Эслаб кўрайлик, сталинча зўравонлик пайтида қисқа вақт ичида бизнинг унча катта бўлмаган республикамиз халқлар ва миллатларнинг сургун қилинадиган жойига айланди. Ўзбек ерига ўз ерларидан 300 мингдан ортиқ корейслар, ярим миллионга яқин қрим-татарлари, 100 минг месхети турклари қувғин қилиндилар. Ўн минглаб чеченлар, уйғурлар, ингушлар, қабардинлар бизда қўним топдилар. Уруш даврида эвакуация қилинган юз минглаб қариялар, аёллар ва болаларни айтмаса ҳам бўлади. Халқимиз 250 минг етим-есирга бағридан жой берди.

Барча миллат ва элатларни ўзбеклар ўз ерларида оғаларидай қабул қилдилар, қарийб ярим аср елкама-елка, тинчлик ва муросада яшадилар. Уфадаги каби қандай кучли газ Фарғона воҳасида тўпланган эдики, майдагина тўқнашув чақинидан жиноятkорона ёвуз фалокат алангаси гуркираб кетди! Бунинг устига бир-бирига қондош, тарихий анъаналари ва дунёқараши ҳамоҳанг халқлар тўқнашдилар. Мана, рўй-рост, ҳалол таҳлил ўрнига бизнинг бошимизга «ислом жумҳурияти яратилиши» ва «босмачилик» тикланиши ҳақида эртакбоп маломатлар ёғилди.

Журналистларимиз миллатлараро муаммоларни ёритишда ўзаро ҳурмат ва одоб-икром кераклигини, енгил-елпи, ўйламай айтилган бир ибора қанчалик кўпорувчиликка сабаб бўлишини тушуниб етадиган вақт келмадимикан? Ўзбек халқи учун ҳақоратли бўлган, газета-журналлар саҳифасида кўчиб юрган «ўзбеклар иши» иборасини ўйлаб топган журналист шаънига яхши сўз айтиб бўладими? Ўзбек ёзувчилари ва олимларига бир пайтлар ҳақоратомуз тамғалар ёпиштирган республика матбуоти фаолияти соғлом кучлар бирлашувига хизмат қилдими? Ахир, сталинча зўравонлик йиллари турли ёрлиқлар ёпиштириш нақадар хавфли эканини кўрсатган эди-ку.

Мен миллатлараро муносабатлар маданияти ҳақида ўйлаганимда, ёдимга академикларнинг ишлари эмас, сиёсий ходимларнинг ўткинчи кундалик эҳтиёжлар учун ёзилган қўлланмалари эмас, оддий чаласавод аёлнинг гаплари тушади. У менга интернационализмни халқона тушуниш рамзидай туюлади. Бу — менинг бувим, ўз ўғиллари ва набираларига турмуш тажрибаларидан сабоқ берган оқсоч туркистонлик аёлдир. Эсимда, у шундай деганди: «Эҳ дунёда нималарни бошдан кечирмадик!. Бир қишлоқни иккинчи қишлоққа, акани укага, отани ўғилга, қондошларни бир-бирига қайраган

Давоми иккинчи бетда

Боши биринчи бетда

БИР-БИРИМИЗНИ ТИНГЛАМОҚ ВА АНГЛАМОҚҚА ЎРГАНАЙЛИК

бекларни кўрдик. Тушундимки, бойлик, қаллоблик, лаънатнинг миллати бўлмайди. Агар биз томонда руслар пайдо бўлмаганда, шундай яшайверардик. Улар келиб айтдилар: эсингизни йиғинг, нима қилаяпсиз? Улар келгач, тинчлик ҳукмрон бўлди: эшитишимча, ҳатто Хива, Бухоро ва Қўқон хонликлари ҳам ўзаро қирғинни тўхтатишди».

Ўзин зиёли деб атайдиган биздек «билимдонлар» оддий халқдан доноликни, одобни, турли миллатларни бирлаштирувчи соғлом туйғуни ўргансак бўларди.

Ҳа, тўғриси Ўрта Осиёда яшовчи халқлар ўртасида ҳам жуда кўп муаммолар тўпланиб қолган. Айтайлик, Қозоғистон, Тожикистоннинг ўзбеклар яшайдиган районларида уларнинг маданияти ривожига кам эътибор берилади, худди шундай бизда, Ўзбекистонда яшайдиган тожик, қозоқ ва бошқа халқларга нисбатан етарли эътибор йўқ.

Яқинда Самарқандда менга шундай воқеани айтиб беришди. У ердаги тожик мактабининг пештоқида Лениннинг машҳур: «Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш!» — сўзлари тожик тилида ёзиб қўйилган эди. Мактабни тузатиш ишлари пайтида шу лавҳани олиб қўйиш кимнингдир хаёлига келади. Эҳтимол, ўша қурувчи мактаб пештоқини Лениннинг сўзларидан «озод қилаётиб», нафақат ўз ишининг ғайриахлоқий эканини тушунмаган, балким у бундай «тузатиш» тожик аҳолисининг миллий ғурурини оғриқли таҳқирлашини ҳам англаб етмагандир. Шундай бўлди ҳам. Бир кимсанинг фаросатсиз иши тожикларнинг жиддий норозилигини уйғотди.

Бу эса бошқа мисол. Бундан 30 йиллар аввал, турмушимизда телевидение энди пайдо бўлган пайтлар Қозоғистон жанубида яшовчи аҳоли Тошкентдан ўзбек тилида бериладиган кўрсатувларни кўрар эди. Бу ҳеч кимга халақит берган эмас. Ким хоҳласа — Москвани кўрар, биров — Олмаотани, яна биров — Тошкентни. Бундай танлаш эрки юқори лавозимдаги қайсидир амалдорга ёқмай қолибди:

— Бу нима деган гап? Чимкент области Қозоғистонга қарайдими? Қарайди! Шундай экан, ҳамма Олмаотадан бериладиган кўрсатувларни кўриши керак.

Ўзига берилган ҳокимият туфайли у Тошкентдан бериладиган кўрсатувларни ман қилишни буюрди. Ва ман қилди. Эҳ-ҳе, ўшанда юқори ташкилотларга қанча арзнома ва хатлар ёғилди! Фақат энди, Қозоғистоннинг янги раҳбариятига, раҳмат, бу кўпмиллатли давлатга ярашмайдиган таъқиқ олиб ташланди. Ўтган йилдан бошлаб Чимкент области аҳолиси Тошкент кўрсатувларини эркин қабул қила бошлади. Нима бўлди, денг? Ҳаётимиздаги бу табиий ҳодиса эзгу ишини қилди: қозоқлар ва ўзбеклар орасидаги дўстлик янада мустаҳкамланди.

Ҳозир қўлимизда КПСС Марказий Комитетининг Марказий Комитет Пленумида 20 сентябрда қабул қилинган «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати дастуруламали» турибди. Шахсан мен мутолаа қилгач, чуқур қониқиш ҳиссини туйдим. Партия раҳбариятининг миллий сиёсатдаги долзарб муаммоларни ҳал қилишга, сталинизм асоратларини тузатишга интилиши СССР халқларининг туб манфаатларига мос келади.

Ўйлайманки, бутун Ўрта Осиё учун шунингдек, бошқа регионлар учун ҳам миллатлараро муносабатлар бўйича комплекс программалар тузиш эҳтиёжи етилди. Бу ишга қардош республикалардан, Москва ва Ленинграддан энг малакали олимлар, социологлар, ёзувчилар жалб этилиши керак.

Бугун, ошкоралик даврида яшириб нима қилдик, шахсга сиғиниш даврида ҳам, турғунлик даврида ҳам, ҳатто яқин-яқинда ҳам миллий маданият, тил, урф-одат, анъаналар каби нозик соҳада қанча қўпол хатоларга йўл қўйдик. Байналмилалчиликнинг ҳаққоний ленинча тушунишдан йироқ бўлган айрим ғояшунослар ўз тарихи ва маданиятини чуқур ўрганишда ҳам миллатчилик белгиларини изладилар.

Эҳтимол, ленинча миллий сиёсатнинг мана шу бузилишлари туфайли жамоатчиликнинг бир қисми миллий республикаларда ўз тилини Давлат тили деб эълон қилишдай, менинг назаримда, оддий, табиий интилишни тушуниб етмадилар. Биз тил ҳақида Қонун қабул қилдик, ўзбек тили — Давлат тили, рус тили миллатлараро мулоқот тили бўлди. Аммо шу ғоянинг ўзиёқ муҳокама жараёнида айрим кишилар томонидан таҳдидга, юзаки танқидга учради. Бу одамлар ўзбек тили, ўзбек маданияти ривожи уларнинг манфаатларига зарар етказмаслигини тушунмаганлар. Биз бир-биримизни тингламоқ ва англамоқни ўрганишимиз лозим.

Биз тушуниб етмоғимиз керакки, бошқача вақт келди, энди миллий муносабатларда тўпланиб қолган муаммоларни ҳушёрлик билан, реалистик тарзда баҳоламоқ даркор. Мамлакатни инқилобий қайта қуриш ва демократлаштириш руҳига мос келадиган турли миллат ва элатларнинг самарали ҳамфикрлиги ва ҳамкорлиги пайти келди.

Одил ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси, СССР халқ депутати

(«Сельская жизнь», 1989 йил 22 ноябрь).

ЁЗУВЧИ ВА ЗАМОН

ДАДАХОН НУРИЙ

БИЗДАН КЕЙИН НИМА ҚОЛАДИ

1. НИҚОБЛАНГАН ҲИМОЯЧИЛАР

САКСОНИНЧИ йил ўрталарида Ҳиндистон ярим ороли халқларининг маликушшуароси бўлмиш Файз Аҳмад Файзни аэропортга чиқиб кутиб олдик. У киши анча кексайиб қолган бўлишига қарамай, одатдагидек бардам, хушчақчақ эди. Гап орасида:

— Хайрият, кўришар эканмиз. Яқинда Сиз тўғрингизда ғалатироқ хабарлар ўқигандик, — дедим.

— Биласиз-ку, биздаги газетчиларни: хаёлларига нимаики келса — шуни ёзишади. «Ҳўкиз туғиб қўйди» деб кўпчиликни ишонтиришдан ҳам тойишмайди!

Ҳозиржавоб аллома ярим ҳазил, ярим жиддий қилиб айтган бу сўзларни эслаётганимнинг боиси шуки, ўша пайтлардаги бизнинг ахборот воситалари ҳам лоф уришда ўзгалардан қолишмасди. Машҳур механизаторни бир кун аввал Москвада очиладиган қандайдир анжуманга кузатиб қўйиларди-да, индинига унинг «пўлат этаклар»дан тўккан «оқ олтин»и мунча минг тоннадан ошиб кетди, деб жар солинарди...

Ҳамма соҳада фақат «зафар» қучардик... Ҳўкизлар эмас, қўйлар болалашда ҳам рекорд қўйишар, биз уларни илғор чорвадорларга қўшиб мақтардик.

«Миришкорлигу ишбилармон»ликда, «тижорату сиёсат»да бизга етадигани йўқ эди. Бунга ўзимизни ўзимиз ишонтирардик ҳам.

Афсус, шунга ўхшаш пуч ҳақиқатлар жамиятимиз учун жуда қимматга тушди. Иқтисодий, маънавий қашшоқликни ор билмайдиган, субутсизликдан жирканмайдиган бўлиб, дийдамиз қотиб кетди. Гуллаб яшнаётган боғ-роғлар ҳақида сафсата сотардиг-у аслида кулини кўкка совурардик. «Қуёш, сув, ҳаво — танга даво» дея болалар муассасасидан тортиб, корхона деворларигача шиор илардигу, аслида кун юзини заъфарон тутунлар билан чулғардик, сув, ҳавони оғуга тўлдирардик.

Билмадик, жафокаш табиат хиёнаткорона бу жабр-ситамларга яна қанча вақт бардош бера олиши мумкин эди... Ҳар қалай авторитар (яккаҳокимлик) бошқарувининг ўргимчак уяси каби чалкаш домига тушиб қолган тушунчаларимиз қайта қуриш шарофати билан карахтликдан уйғона бошлади. Ҳақиқат деган нарса ўзининг бор бутунлиги билан кўз олдимизда намоён бўлди. Билдикки, табиий мувозанатга узвий боғлиқ — яшаб қолиш ёки қолмаслик деган муаммолар бизнинг хаёлимизга ҳам келмабди. Экологик парокандаликда ҳаммадан ўтиб кетибмиз.

Бахтли болалик ҳақида энг кўп қўшиқ куйлаган ўзимиз бўлсак керак. Афсус, қўшиқ куйлаш билан иш битмас экан: айтишларича, Африкадаги қолоқ мамлакатни ҳам доғда қолдирувчи мажруҳ юртга айланиб қолибмиз. 1987 йилнинг ўзидагина 284 минг боласи юқумли ҳамда рак ҳасталигига йўлиққан; қулоқ эшитиб, кўз кўрмаган «мўъжиза» — мурғак чақалоқлари ошқозонида тош пайдо бўлаётган; мавжуд саксон икки минг сонли ақли ожиз нотавонлар сони ҳар йили беш ярим мингтадан саккиз ярим мингтагача янги туғилганлар ҳисобига ўсиб бораётган, жаъми 19 миллионли Ўзбекистоннинг байналмилал аҳолиси бошига тушган бу кўргиликлар ҳозир ҳаммага аён бўлиб қолди.

Яқинда Жумҳуриятимиз соғлиқни сақлаш нозири С. Баҳромов ўзбек ери Иттифоқдаги касаллик энг кўп тарқаладиган зонага айланиб қолди дея бежиз ёзгани йўқ. Аҳволни ўнглаш учун ҳаракатни бугундан бошламас эканмиз, эртага кечикишимиз аниқ! Шуни ҳисобга олганда, силласи қуриган, мувозанат шайини азалий нуқтадан чиқиб кетиш арафасида турган табиатимиз аҳволига бефарқ томошабинга айланиш гуноҳи азимдир.

1989 қишлоқ хўжалик йили учун инсон соғлиғига зарарли кимёвий дориларни ўтган йилдагига қараганда ўн минг тонна ортиқ қилиб режалаштирганлар ҳам ўзимиздан чиққан югурдаклар! Улар бу заҳар-заққумнинг деярли ҳаммаси ўз маҳкамалари томига эмас, деҳқон ва унинг далалари устига сепилишини яхши биладилар. Буни республика соғлиқни сақлаш нозирлари ҳам яхши билишади...

Лекин ҳозир давр ўзгарди: бундан икки йилча муқаддам оғзини тўлдириб фақат «ишлаш гашти-ю» «фаровон ҳаёт» ҳақида гапирадиган деҳқон бугун ўз меҳнатига яраша ҳақ талаб қилиб, мухбирларни доғда қолдирмоқда. Уларнинг тили бурро бўлиб қолди. Ҳатто чет элда бир кило пахтанинг нархи қанчалигини ҳам билади.

Бу одамларни коллектив «фикрлаш»дан чалғитиб қўйган шаккокликми ёки маънавий уйғониш! Албатта, айримлар бичиб-тўқиётгани каби шаккоклик эмас, балки ҳар қандай маданиятли мамлакатда қонуний бурч деб қараладиган ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиш, келажак тақдири учун масъулият ҳиссини англаш!

Мана шу англаш туфайли биз анчагина хайрли ишлар қилинганидан кўз юмолмаймиз. Кўплаб ножўя режалар йўлига ғов қўйилгани ҳозир ҳаммага аён! Бўстонлиқдай табиатнинг ноёб мўъжизасини топтаб юборишга қодир баҳайбат завод-шаҳар қурилиши тўхтатилди. Янгиқўқон химия заводи ёпилиб, янги йўналишга ихтисослаштирилмоқда. Ёки, Тошкентнинг Сергели мавзеидаги катта сув манбаи устига қурилиши бошлаб юборилган, қарийб 270 гектар энг унумдор дала-боғларни «ютиб» юбориши муқаррар қилиб қўйилган баҳайбат корхона тўхтатилганлиги ҳақида куни-кеча қарор чиқарилиши ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Ошкоралик берган ошкора танқид, фикр-мулоҳазаларнинг маҳсули бу!

Лекин республикамизнинг табиати фойдасига эришилаётган шу сингари «ютуқ»ларнинг биронтаси ҳам осонликча амалга ошмаяпти.

Собиқ Навоий вилоятидаги экологик аҳвол ҳалокат ёқасига келтириб қўйилганлиги ҳақида кетма-кет матбуот саҳифаларида бонг урилди, радиода гапирилди, телеэкран орқали кўрсатилди! Айниқса музофотнинг Навоий туманидаги ҳолат тоқат қилиб бўлмас даражада. Яқин-атрофдаги кимё корхоналарининг «чиқитлари» таъсирида атроф-муҳит емирилиб бормоқда: заҳарли сув, ҳаво таъсирида донғи кетган Карманининг боғлари қовжираб, йўқ бўлиб кетиш олдида. Аҳоли ўртасида юқумли касалликлар кенг тарқалган. Оммавий хасталикка чалиниш ҳоллари бўлиб турибди. Хусусан, бу кўнгилсизликларнинг асосий ўчоғи ҳаммаёқни яшнатиб юборишига кафолат бериб қурилган «Электрохиммаш» заводи бўлиб чиқди. У ишга туширилганига 3—4 йил бўлмаёқ, ҳаммаёқни: ҳавони, ариқларда оқиб турган ва ерости сувларини оғуга айлантириб улгурди. Бу хусусда матбуот саҳифаларида ёзгандик. Аммо маҳаллий ҳукумат раҳбарлари пинак бузишгани йўқ... Куюнчак гражданлардан эса (улар бор бўлишсин!) кўплаб хатлар келди. Мазкур навоийлик маориф ходимининг мактубидаги қуйидаги жумлаларга эътибор беринг: **«Тожикистонда қурилган алюмин заводи таъсирида Сурхондарёнинг айрим районларида ақл бовар қилмас шакл-шамойилли бузоқчалар туғилаётганмиш.. Агар раҳбарларимиз бепарволикни шу кундагидек давом эттираверсалар, арзимас 5—10 йиллардан сўнг бизларда унданам антиқароқ «генетик ғаройибот»лар юз бериши муқаррар».**

Биз хатда айтилган фикрга салгина аниқлик киритмоқчимиз: навоийлик раҳбарлар ҳозир бепарволикни «фаоллик»ка алмаштирган кўринадилар. Улар «Электрохимпром» ўз таъсир доирасини янада кенгайтириши учун янги «объект»лар қурилишига имкониятлар яратиб, мурувват кўрсатмоқдалар.

Айни пайтда марказий министрликлардан бири худди шу ўртоқларнинг «талаб ва илтимосларига биноан» яна бир гигант қурилиш — Асбобсозлик заводи бунёд этмоқ учун бел боғлади... Афсус, бу ташвиқотни «оммалаштириш»да республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг айрим масъул ходимлари ҳам жон куйдиргандилар...

Тошкентдаги машҳур самолётсозлик бирлашмаси узоқ йиллар давомида шаҳар ерости сувларини заҳарлаб келганлиги «ТАСОДИФАН» ошкор бўлиб қолди. (Метрополитеннинг айрим бекатларидан кўтарилиб кетган «оғули» сувлар ҳақида матбуотда бир неча бор ёзилди. Ҳатто бирлашма бошлиғи ўртоқ Журавлёвга партиявий жазо берилганлиги ҳам маълум қилинди)... Шу ерда ҳайрон қоларли бир нарсани эслатиб ўтишга тўғри келади: Қорасув, Сергели, Қибрай сув ҳавзалари орқали Тошкент аҳолисига истеъмол учун тарқатиладиган оби-ҳаётнинг қарийб эллик фоизи ерости сувига тўғри келади. Яқин-яқингача (Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети тузилгунга қадар) фақат оқава сувлар ҳолати назорат органлари томонидан текшириб келинган, холос. «Ерости»да нималар рўй беряпти ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Демак, шаҳар водопровод сувидан «Гепатит А» касаллигини қўзғовчи «таёқчалар» топилганлигига ажабланмаса бўлади.

Шундай экан, нима учун кўпмиллионли байналмилал пойтахтимиз аҳолисининг сиҳат-саломатлигига дахлдор бу зараркунандалик айбдорлари билан «кураш»да шаҳар табиати муҳофазачилари ёлғизлатиб қўйилмоқда? Соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот маҳкамаларининг вакиллари қаёққа қарашяпти?..

БИР ПАЙТЛАР сиёсатдонликда авантюристларга хос «қанча ёмон бўлса— шунча яхши» деган лаҳжа кенг тарқалган эди. Ҳозир халқаро «истеъмол»дан чиқиб қолган бу сўзни бизнинг «ишбоши»лар ўз шиорларига айлантириб олганлар чоғи, ПИНАК БУЗМАСДАН баттаринлик билан иш юритавериш «тажрибаси»ни давом эттирмоқдалар. Яъни, ҳар доим сўзи-сўз бўлиб келган самолётсозлик бирлашмаси раҳбарияти (партиявий жазо заррача таъсир қилмаганга ўхшайди) ўз хатоларини тўғрилаш —сувни «лойқалатиш»га чек қўйиш ўрнига, бутунлай тескари йўл тутмоқда. Бир-бирини чалғитиб, инкор этувчи кўпдан-кўп «текшириш» комиссиялари (жумладан заводни ўзидан ойлик, яхшироқ ишлашса мукофот пули ҳам олиб хизмат қилувчи бир даста шахсий «Табиат ҳимоячилари») фикрининг «қўнимсиз»лиги уларга қўл келди — сувни заҳарлаётган «айбдор» оломон ичига қочирилган киссавурдай кўздан ғойиб бўлди. Ҳалигача уни «қидир-қидир» қилинаётганлиги ҳақида ЎзТАГ чалакам-чатти хабарлар тарқатиб турибди. Албатта, ишбилармонлар учун бундай ола-ғовур қўл келади: Бирлашма шаҳар остига оғу қуйишни тўхтатиш ўрнига, Тошкент устига ҳам хавф солувчи янги режасини айрим раҳбарларимиз олдига кўндаланг қилиб қўймоқда. Корхона ўз қувватини қарийб қирқ миллион сўмлик (!) янги лак бўёқлаш «цехи» (?) билан кенгайтирмоқчи. Тўғрироғи, шаҳар атроф-муҳитига оғир юк бўлиб тушадиган улкан экологик нобоп иншоот барпо этилмоқчи!

«Иттифоқда ягона» ҳамда «Биринчи тажриба» сифатида қурилажак бу иншоотнинг Б. М. Пшеничний бошлиқ новосибирсклик бир гуруҳ лойиҳачилари шаҳардаги турли муҳофаза органлари эшигини қоқиб «цехнинг ишлаш жараёни безарар, атроф-муҳитга «рухсат этилган» меъёрда таъсир қилади, холос, бизлар бу орқали валюта ишлаб олишимиз мумкин», деган гапларни тарқатиб юрибдилар, айрим кўнгли бўш мансабдор кишилар ишончини қозонмоқчи бўлмоқдалар.

Бундай, табиий муҳит муаммоларини бир четга йиғиштириб қўйиб, «валютачилар»га хос бўладиган «олди-сотди»нинг Бўстонлиққа мўлжалланган асбобсозлик заводи, Тошкентдаги Мотор ҳамда Алгоритм корхоналари мисолида гувоҳимиз... Табиат улардан жафо чекса чекяпти-ю бирон рўшнолик кўраётгани йўқ.

Аксар саноатчилар «рухсат этилган меъёр» деган илмий далилларни рўкач қилиб, ўз корхоналарини истаган жойга тиқиштирмоқчи бўладилар. Бу оёқ остидан нарини кўра билмасликдай калтабинликдир. Тасаввур қилинг: оғир юкни кўтариб турган одам елкасига яна ҳар ким ўз «меъёри»даги «тош»ни ортаверса — оқибат нима бўлади!? Табиат ҳам «тирик жон» ахир! Имконияти чексиз деб уни қай аҳволга солиб қўйдик? Тошкентни-чи, ҳаддимиздан ошиб унинг елкасига миниб олмадикми!

ҲОЗИР ШАҲРИМИЗДА яна бир неча кишидан иборат харьковлик «саноатчи»-лойиҳачилар пайдо бўлишди. Улар сув-ҳавони энг зарарли «чиқитлари» билан узоқ йиллардан бери ифлослантириб келаётган «Электроаппарат» бирлашмасини янги — кўп миллион сўмли «филиал» қуриш орқали кенгайтирмоқчи. Бу режани амалга оширмоқ учун шаҳарнинг қоқ ўртасидан қурилиш майдони ажратиб олишга ҳам улгуришибди.

Тўғри, ҳозирча улар ўз «иншоот»ларининг «беозор»лиги ҳақида оғиз очишмаяпти. «Сизлардаги ишсизликни тугатишга ҳисса қўшмоқчимиз», дейишмоқда.

«Нима сабабдан бу йирик «филиал»ни айнан Тошкент шаҳар марказига қуриш билан ишсизлик муаммоси ҳал этилмоқчи?» — деймиз биз.

«Республика ҳукумати рози бўлган», дейишади улар.

«Бундай «розилик» билан қурилган, битмай туриб «эскирган» мотор заводига ҳали-вери сон кирадиганга ўхшамайди. Эссиз миллион-миллион сўмлар... «Алгоритм» эса четдан ишчи кучларини оқиб келишига сабаб бўлди, холос. Шаҳар муаммоларини баттар чалкаштириб юборди» деймиз.

«Республика ҳукумати рози бўлган!» дейишади улар яна пинак бузмасдан.

Лекин шуниси ҳам борки, бундан бир неча йил муқаддам Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Тошкентда янги йирик саноат корхоналари қурмаслик ҳамда кенгайтирмаслик, шаҳар ичкарисидаги мавжуд қуюв цехларини «ташқари»га олиб чиқиш ҳақида қарори борлигини ҳамма яхши билади.

Айниқса, ҳозирги экологик аҳвол мураккаблашиб бораётган бир пайтда нима учун бу қарор сурункасига бузиб келинмоқда! Ёки беқарорлик айб эмасми!?

Бу масала уч-тўрт йил муқаддам Тошкент шаҳар ижроқўми раиси Ш. Мирсаидов томонидан қатъий қилиб кўтарилган эди. Аммо ўша пайтда пойтахт ҳаётининг барча соҳаларини бошқаришда ҳокими мутлоқ бўлган айрим ўртоқлар бу муаммони назар-писанд қилмаган эдилар. Шу маънода мен ҳурматли ёзувчимиз Иброҳим Раҳимнинг ушбу газетанинг 20 октябрь сонида босилган «Маънавий қаҳатчилик» мақоласидаги Ш. Мирсаидовга нисбат бериб айтилган мулоҳазаларига асло қўшила олмайман.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленумида ҳам Тошкентда «аҳоли сонини механик равишда кўпайтиришга чек қўйиш, аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган саноат корхоналарини қуришни тўхтатиш зарур»лиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Аммо бу ўринда ҳам «ўзинг учун ўл етим», деганларидай жон куйдириб юрганлар буюртмачи ёки пудратчилар эмас, лойиҳачиларнинг ўзлари! Чунки улар шубҳасиз «Энг қимматбаҳо буюртмадан манфаатдор. Қанчалик йирик иш бажарилса, уларга шунча йирик пул ёғилиб келади. Нима, кетса давлат ҳазинасидан кетибди-да! Шунга ҳам ота гўри-қозихонами!» (С. Залигин).

Илгари бундай овораю-саргардон бўлиб юришлар, маҳаллий раҳбарият вакилларига ялиниб-ёлворишлар бўлмасди. Кўпроқ телефон орқали буюртмачининг хоҳиш-истагига қараб иш силлиққина бажарилар, ҳар қандай улкан корхона қурилиши ҳам шов-шувсиз ўз-ўзидан бошланиб кетаверарди... Ҳозир давр ўзгарди. Одамлар худбинлик балосидан қутулиб, эртаги кун нима кечади, яшаб қоламизми-йўқми деб ҳушёр тортадиган бўлиб қолдилар.

Олимларимизда ҳам «саноат монокультураси»га қизиқиш сусайган. Улар хусусан Тошкентдаги рутубатли аҳволни кўриб-билиб турибдилар. Бу шаҳарда қуриш мўлжалланган ҳар қандай «технократик мўъжиза» «озон туйнуги» билан баробардир демоқдалар. Умрида кўрмаган, билмаган, маҳаллий шароити бутунлай фарқ қилувчи ўлкалар учун буюртма бўйича «андоза» бичувчи лойиҳачилар фаолиятига ўта талабчанлик билан ёндашишни уқдирмоқдалар.

ҲУРМАТЛИ ЎҚУВЧИ, ўлим талвасасида ётган Оролимиз тақдири ҳам «беозор» лойиҳалар асосида ҳал этилганлигини, уни ўзимизда байрамона тантаналар билан амалга оширганлар бўлганлигини яна бир бор эслатиб қўймоқчимиз. Ўшанда денгизни қуритиш «тажрибаси» биринчи марта бизларда синаб кўрилмадимикан! Балки очофат «валютачи»ларнинг қўли бордир», бунда!

Шу кеча-кундузда ҳам расмий давраларда «Орол қуригани билан табиатнинг бирон ери камайиб қолармиди», дея сурбетларча айтилаётган гаплар қулоққа чалиниб турибди. Шубҳасиз, бу маддоҳлик уммонга кафан пичиб, келажакка тупурганлардан тортиб, субҳидам ўлкасидай гўзал Фарғона водийсини кимё, гидролиз корхоналари билан бурқситиш режасини тузганлар, Капролактамни Тошкент ёнбошига келтириб қуришни талаб қилганларга хос машъум нидодир.

Худди шу кимсалар ўзларидан кейин қандай «зурриёт» қолдиришни ҳам пухти ўйлаганлар. Ахир «ҳамфикр»лар яккаш бўлгандан кейин қорани оқ деб оёқ тираб туриб олиш, ҳатто «ҳўкиз болалади» деб жар солиш ҳам мумкин-да!

«Самолётсозлик бирлашмаси цех қургани билан Тошкент ҳавоси ўзгариб қолармиди!» Янгича оҳангдаги бу гапни айниқса «табиат муҳофазачиси» қайтариб тургандан кейин арзингизни кимга айтасиз!

Мана, Ўзбекистон Табиатини муҳофаза қилиш давлат комитетидай обрўли идоранинг обрўли раҳбари — республикага қандай саноат объекти келтириб қуриш-қурмасликни ҳал қиладиган асосий «эксперт» В. Г. Конюхов «Бирлашма территорияси авиасозларнинг ўзига қарашлидир, шунинг учун нимани хоҳлашса, қуришга ҳақлари бор», дея кўпларнинг қулоғига қуйиб юрибди-ку!

Эртага Владимир Григорьевич «шу территориядан ташқарига чиқиб кетган ҳар қандай заҳри-заққум тутунларга, ер остига сингган «чиқинди» сувларга корхона жавобгар эмас», дея эълон қилиб юборса нима қила олардик! Дарҳақиқат, бу киши ҳозирги лавозимига кўтарилгунга қадар узоқ йиллар гидрометеорология ва табиий муҳитни муҳофаза қилиш республика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаган. Ўшанда ҳам табиат (асосан оғир саноат!) ҳимоячиси сифатида идоравий манфаатдор кишиларнинг диққат-эътиборида турган.. Ҳозир тавқи-лаънат тамғаси босилган кўплаб экологик носоз корхоналар қурилишига саховатпешалик билан имзо чеккан шу одам бўлади... Бўстонлиқдаги «улкан режа»лар амалга ошмай қолганидан ҳамон аламзада! У яқинда, корхона қурилиши тўхтатилганлиги ҳақидаги хабарни деярли бутун республика аҳли мамнуният билан кутиб олган бир пайтда маҳаллий телеграф агентлиги мухбирига навбатдаги интервьюни бериб, афсус изҳор қилди—корхонани «беозор эди» деб мақтаган бўлди... Бу нимаси, расмий лавозимли раҳбарнинг Муҳофаза қўмитаси номидан жамоатчилик фикрига қарши берган «баёнотими» ёки заводни Ўзбекистоннинг бошқа жойига олиб бориб қурса бўлаверади, деган тушунчага замин ҳозирлашми!

Пайти келиб қолган экан танти «танобчилар»дай «қўли очиқ» Конюховдан кейинги Муҳофаза қўмитасида ҳал қилувчи мавқега эга бўлган раҳбар ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз. У билан илк танишувимиз шундай кечган: обрўли кишилар жам бўлган даврада Сергели заводи (кейинчалик қурилиши тўхтатилган!) масаласи қизғин муҳокама қилинарди. Деярли ҳамма завод қуриш учун танланган жой ноўрин деган ягона фикрга келди. Шу пайт залда ҳозир бўлганлар ичидан бир одам сапчиб ўрнидан турди ва йиғилишни бошқариб бораётган таниқли олимимизни огоҳлантирди:

— Завод ҳақидаги гап-сўзлар тўхтатилишини талаб қиламан. Йўқса, юқори идоралар олдида жавоб берасизлар! — сўнг қўлини бигиз қилиб мажлис аҳлига ўқталди, — Сергелидаги завод қурилишига қарши газетада чиқиш қилганлар («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси «чиқиш» қилган!) билиб қўйсин, жазосиз қолмайди. Завод қурилаверади!

Томдан тараша тушгандай дағдаға қилиб, ҳамманинг ўтакасини «ёрган» бу одам комитетнинг экспертиза бўлими бошлиғи Г. П. Капитонов экан.. У кунлар-ку, ўтиб кетди.

Бироқ, Капитоновнинг пўписаси шу кеча-кундузда ҳам пасайгани йўқ: Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш шўъбасининг жонкуяр ходимларига «барибир самолётсозлик бирлашмаси янги «цех»ни қуради, кимки қарши чиқса — бекорларни айтибди», деб зуғум ўтказиб юрибди.

Госстройнинг собиқ ходими (!) бўлган бу одамни экспертиза постидек масъулиятли жойга бошлиқ қилиб қўйилиши қўйни бўрига топшириш билан баробар эмасми? Бу фақат бизнинг эмас, республика экологик шўъбаси аъзоларининг ҳам фикридир!

Яна ўйланиб қоласан киши: ҳимояга муҳтож табиатимизнинг ягона посбонхонаси — муҳофаза даргоҳининг асосий бошқарув йўналишини марказий маҳкамалар фойдасига «МУТЛОҚ ҲОКИМЛИККА ИНТИЛУВЧИ, БЕШАФҚАТ, ҲАМЛАКОР КИМСАЛАР ЭГАЛЛАБ ОЛГАН» (В. Распутин) эмасмикан!?

Бу борада комитет раиси Т. Алимовнинг қатъияти зарурга ўхшайди. Чунки табиатга мушт ўқталиш билан зуғум ўтказувчиларнинг хатти-ҳаракатига яраша «муомала» даркор. Аччиқни аччиқ кесади дейди халқимиз.

ДАРВОҚЕ, ҲАММАМИЗ ҳозирги даврнинг энг нозик муаммоси бўлиб қолган «Миллатлараро муносабатларнинг кескин тус олиб кетишига асосий сабаб—табиатни пайҳон қилувчи «саноат машинаси»нинг кирдикорлари» («Литературная газета») эканлигини тушуниб етмоғимиз керак! Бу борада асло «муросасозлик»ка йўл қўйиб бўлмайди.

Чунончи, 3—4 йил мобайнида жумҳуриятимизда экология фойдасига инқилоб рўй берди, деб фараз қилсак, «тараққиёт тақозоси» ниқоби билан унга қарши ички «контрреволюция» ҳам давом эттирилмоқда. Бунинг исботи учун таниқли ёзувчимиз Т. Қайипбергановнинг СССР халқ депутатлари съезди минбаридан туриб айтган қуйидаги сўзларини келтириш кифоя: «Сайловчилар билан ҳар бор учрашганимда улар мендан: жаҳонда ўз фуқаросини заҳарланишига йўл қўяётган яна шундай бирон мамлакат борми, деб сўрашади. Биз ўз ихтиёримиз билан эмас, балки марказий планлаштирувчи органларнинг «марҳамати» билан шундай аҳволга тушиб қолдик. Бу, аслида ўта жиноятқорона иқтисодий сиёсатнинг оқибатидир!»

Кўриниб турибдики, аҳволимиз чопонни елкага ташлаб, бемалол юраверса бўладиган даражада эмас...

Америкада табиатни ҳимоя қилиш маҳкамаси ходимининг ҳуқуқи министрникидан юқорироқ, деб эшитамиз. Биздачи, кичик идоранинг энг кичик амалдориникидан ҳам паст! Аввал шундай бўлган, қайта қуришнинг бешинчи йилида ҳам шундайлигича қолмоқда. Бунинг асосий сабаби иш ҳамон эскича услубда олиб борилаётганидадир. Чунки «ишбоши»ларнинг аксарияти турғунлик йиллари сабоғи билан «тобланган» андак эҳтиёткор, андак фаромуш, пайти келганда табиат «китоби»га ҳам кўз ташлаб қўядиган, бироқ «ўз қиёфасини ўзгартириб олган» бюрократиянинг буйруқ ва кўрсатмаларини хонумонидан кечиб бўлса-да, сидқидилдан адо этишга тайёр кимсалардир. Фамилиялари маош варақаларида «I» рақамидан пастроқ ёзилса ҳам мавқе жиҳатидан баланд турадилар...

Лекин яна қайтарамиз, барибир давр, тафаккур ўзгаряпти. Эскича ақида билан яшай олмаслигимизни ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Муаммоларни барибир ҳал этмоқ керак. Идоравий қоғозбозликлар гирдобида айқаш-уйқаш қилиб ташланган Орол қисматига ўхшаш жумбоқлар кам эмасдир! Кўп йиллардан бери ҳокиму мутлақ бўлиб келган планлаштириш мубоширларининг яна қанақа режалари бор? Собиқ казо-казо раҳбарият тасдиғидан ўтиб қолган «оламшумул» иншоотларни бугун-эрта «пардоздан чиқариб» дала-боғларимиз устига бульдозерлар солмайдиларми?! Турли баҳоналар билан омма назаридан пинҳон тутиб келинган «кўринмас корхоналар»да ҳақиқий аҳвол қалай?

Шу хилдаги саволларга маълум идораларнинг «қолип»га солиб қўйилган ахбороти орқали эмас, тўғридан-тўғри жавоб олиш пайти келди...

ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ

Республикамиз пойтахтида шу йилнинг баҳорида СССР ва АҚШ биродарлашган шаҳарлари мэрларининг учрашувида юзта шаҳар вакиллари қатнашиб, мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасида олиб бориладиган тадбирларни ишлаб чиққан эдилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти секретариати Тошкент шаҳрини жаҳонда биродарлик алоқаларини фаол олиб бораётганлиги учун «Тинчлик элчиси» дипломи билан тақдирлади. Куни кеча В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида ана шу мукофотни топшириш маросими бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретари Перес де-Куэляр имзолаган дипломни шу ташкилотнинг Москвадаги ахборот маркази директори Г. А. Днепровский топширди.

Маросимда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов, медицина фанлари доктори, профессор Ш. Хўжаев, Мўғилистон Халқ Республикасининг Тошкентдаги консули Ц. Буянтогтоҳ, СССР халқ депутати, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмасининг раиси Одил Ёқубов сўзга чиқиб, Тошкент шаҳри меҳнаткашлари ва жамоатчилиги бу юксак мукофотни муқаддас сақлаяжаклари ҳақида гапирдилар.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. Азимов иштирок этди.

А. ПУЛАТОВ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 95 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

СУДДАГИ НУТҚ

Абдулла Қодирий «Муштум» журналининг 1926 йилги 27-сонида Овсар имзоси билан «Йиғинди гаплар» мақоласини эълон қиладилар. Бу мақола ўша пайтда ақллар орасида кўп гап-сўз ва турли мулоҳазаларга сабаб бўлади. Адиб Ўзбекистон Жиноят Қонунлари мажмуасининг «Раҳбар ходимларни обрўсизлантириш...» деган моддаси билан қораланади. Қарийб уч ойлик сўроқ-терговдан сўнг ёзувчи судда ўзининг ҳақлигини исботловчи ёзма нутқини ўқиб берадилар. Адиб таваллудининг 95 йиллиги арафасида ана шу нутқни газетхонлар эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик. Ундаги «Кулги ҳақида» ва «Таржимаи ҳол» бўлимлари марҳум отамиз — Ҳабибулло Қодирий тайёрлаган Абдулла Қодирий китобларида, мақолаларида қисман фойдаланилганлиги сабабли уларни ушбу матндан тушириб қолдирдик.

Шеркон ҚОДИРИЙ

МЕН 1926 ЙИЛНИНГ 10 нчи январидан 10 нчи февралигача отпускага кетиб дам олуб юрганимда бу «Йиғинди гаплар» ном мақолани ёзғонман. Отпускадан қайтқандан сўнгра 14-, 15- числода навбатдаги чиқатурғон «Муштум» журналининг сони учун материаллар тайёрлағонимда уларнинг ичида бу мақолани ҳам қўшуб масъул муҳаррир Комил Алимовга олуб борғонман. Масъул муҳаррир Комил Алимов ҳалиги «Йиғинди гаплар» ном мақолани меним қўлумдан олуб ўзининг кабинетида баланд овоз билан ўқуб берди. Ул мақолани ўқуб берган вақтида унинг кабинетида ўртоқ Ғози Юнус, Санжар Мирмаҳмудов ва қонтўршик (канторачи — Ш. Қ.) Халучев бор эди. Масъул муҳаррир Алимов мақолани ўқуган вақтида баъзи жойларини хато ўқуғони учун мен тузатуб турдим. Кейин ўқув тамом қилғондан сўнг «хўб бостирайлик» деди ҳам «яхши кетди» деб қўшимча қилди ва мен бостирғонман, чунки Алимов ижозат бермаган ҳолда табиий мақоланинг материали йиртқиланиб ташланса керак эди.

Мақолани, масъул муҳаррир Алимовга кўрсатмасдан илгари Зиё Саидийга ҳам ўқуб берган, худди бошлағонимда ҳодисанинг тепасига Хуршид ҳам кириб қолди. Мен ўқуб бергандан сўнг, «кўб яхши кетди» деб мақтаб юборди. Бу англашилмовчиликдан илгари расмият яъни идорага келган мақолани бостириш ёки бостирмаслик тўғрисида муҳаррир резолюция солмас эди. Ўшанинг учун бу мақола резолюциясиз бостирилғон. Расмият фақат журналнинг 28-сонидан бошланди.

Бу мақола фақат кулгу тариқасида ёзилғон, ҳеч бир ҳукуматга ёки сиёсатга тегадиган жойи йўқ. Мақола босилуб журнал тарқалғондан сўнгра беш-ўн кунча ўткандан сўнгра Алимов Самарқанддан қайтуб келди ва мени ўзининг олдига чақиртириб, «нимага бостирдинг, мен ижозат берман эдим» деди. Мен «сен ижозат бердинг, мен бостирдим» деб жанжаллашдик.

Мақолани Алимовнинг кабинетида ўқуғонда Зиё Саидий йўқ эди ҳам кирган эмас, шахсий адоватга кетуб, «бор эдим» деб гапирадур.

Бу гувоҳларнинг мундоқ гапириши фақат шахсий адоватдан иборат, чунки бирон вақт жонларига теккан бўлсам керак, аммо қай тариқада уларға гап тегдирганимни айта олмайман. Гувоҳ Зиё Саидийни оғзаки танқид қилар эдим. Матбуотда танқид қилғоним йўқ. Қисқаси умуман Зиё Саидий ва бошқалар манга қарши бўлғонлари учун ёлғондан гувоҳлик берадурлар.

«Йиғинди гаплар» мақоласини маъниси, келган-кетган [illegible]лар, деган сўздир ҳам фақат кулги тариқасида ёзилғондир...

Маним 27 нчи сон «Муштум» журналидаги «Йиғинди гаплар» сарлавҳалик кулги мақолам ҳам шу асосларга солиниб ёзилғон сажиявий чин кулги эди. Мазкур мақоладаги мақсадим кулги мезони билан ҳарфат-жадидга олинғонда қуйидаги мазмунлар ҳар кимга, ҳар бир гўдакка ошкора бўладур: мақоланинг биринчи устун тўртинчи йўлидаги «Ўзбекнинг ишчиси, деҳқони, маорифи, шалтай-балтайи алх[1] ухлайди» жумласи фақат муболаға мақомида қўлланғон бир гапдир. Мундан бошқа маънолар чиқариш хаёлот ёки васвасадир. Зеро, бошида бир оз муҳокамаси бўлғон ҳар бир киши Ўзбекистоннинг Улуғ Ўктабрь инқилобиғача бўлғон ҳоли билан Ўктабрдан кейинги тўққиз йил ичидаги интибоҳини[2] (ижтимоиятда, илм ва маданиятда, хулоса ҳар бир жабҳада) чиқишдириб кўрса ўзини тамоман бошқа бир оламда ҳис этадир. Бас, мундаги жумла муболаға орқалиқ ишчи-деҳқонни қитиқлаш, яъни уни яна ҳам юқори томонға қараб судраш мақсадида келтирилган; бу жумла зоҳирий тузулишдан муболаға-кулги, ички маънодан қитиқлаш. Турмушдан мисол келтирилганда, масалан: Тошпўлат аканинг бир ўғли бор. Тошпўлат ака ўғлининг ишга ихлосини, ўз ишида муваффақиятини яхши биладир. Лекин, шундоғ бўлса ҳам ўғлини «сен ялқовсан, одам бўлмайсан!» деб камситадир. Бу камситиш яъни пўписа камситилғувчининг чиндан ҳам ялқов ва ғафлатда эканини кўрсатмайдир, балки унинг яна ҳам излатишга ва ўз нуқсонини қидириб тағин ҳам юқориланишға хизмат этадир.

Мазкур жумладан кейинги: «Аммо ўчоқ бошини холи топқон олақарғалар бўлса хўбам билган номаъқулчилигини қиляпти?» жумласидирки, мазмуни ҳаммага ҳам яширин эмас: Чор ва сармоя ҳукуматининг Ўзбекистонда қолғон ва қўй терисига бурканиб эски хўжалиқни димоғидан чиқаролмоғон жониворлари ҳамон шўро идораларида ҳукм сурардирлар. Албатта улар қўлларидан келганича ишчи-деҳқон иқтисодига ва шу восита орқалиқ унинг маориф ва маданиятиға зарба беришга тиришадирлар. Ҳам зарарликда шулар қаторидан қолишмайдирғон, фақат ўз шахсий роҳати йўлида элни эмиб, қайғусиз, ғоясиз, эчкининг оти Абдукарим бўлиб, етмаса иғвогарлик билан кун кечирувчи ўзимизнинг баъзи столпараст, танпараст шахсларимиздан киноядир. Мундан кейинги «Қилаверсин, эгасига товоқ-қошиқ керак бўлса, ахир бир кун қатрон-патрон қилуб оларов оғайни! Ишқилуб ўлмасдан баҳорга чиқиб олсамиз бўлипти...» Бу ердаги эга ишчи, деҳқондир ва чиқиладирғон баҳор уларнинг юксалиб чин социализмга етишмакларидур. Яъни ишчи-деҳқонларимиз иқтисодан юксалиб, маърифатан юқорилашсалар, ўшандай зарарлик мустамлакачи ва бошқа унсурлардан қутилурлар, қатрон қилиб уларни йўқотурлар, юварлар, деган маънода.

«Ерлилашдириш, ўзбеклашдириш... алх». — Бизда бир хил кишилар бор, яъни зиёлинамолар. Ўзлари амалда бир пуллик иш қилмайдирлар, аммо оғизда кўча саситиб, ҳасратланиб юрибдурлар. Мазкур жумлалар ўшандай ишсиз фақат ҳасратигагина таянғон унсурлардан киноядир. Масалан: «ерлилашдиришдан ҳеч бир натижа чиқмади, фалон иш билан мундай ҳолатга тушдим, ҳасратингни кимга айтасан» деб юрғучи олифталарга ҳамма вақт учрашиладир. Овсар бўлса уларга «бибингни олдида ҳасрат қил, хезлар!» деб заҳарханда қиладир. Юқорида зикр қилинғонидек, мақсадлари фақат мансабдан, кайфу-сафодан иборат бўлғон унсурлар бизда ҳали қуритилғон эмаслар ва бунга газета бетларидаги хабар ва шикоятлар жонли шоҳиддир ва шулар қаторида ҳалигидек қуруқ ҳасратчилар ҳам йўқ эмаслар. Аммо буларнинг қаршисида жони билан, тани билан ишчи-деҳқон саодатига қурбон бўлиб бош тикканлар ҳам кўб жумладан ўртоқ Охунбобоев бунинг тимсоли мужассамидир. Ул ҳар қачон ҳар ерда камчилик ва нуқсонларимиздан сўзлаб, бунинг учун чоралар, тадбирлар излашга, ҳам ишчи-деҳқон саодати йўлидаги тўсиқ ғовларни олиб ташламоқ учун барчани кўмакка чақирадир.



Биринчи устуннинг 25 нчи йўлидан бошлаб иккинчи устуннинг 4 нчи йўлиғача бўлғон ўртоқ Охунбобоев тўғрисидаги гаплар ёлғиз унинг шу сифатидан киноядир. Масалан, фақат кўча саситиб оғзаки ғишғиш қилиб юрган анави ҳасратчилар қаршисида ўртоқ Охунбобоев активний равишда мажлис ва газеталарда камчиликларни чертиб отадир. «Ҳали-ку бу оғзаки ғишғиша, аммо кечаги кун газетада... алх» (5 нчи йўл, биринчи устун) муқаддимаси шуни ифодалайдир.

Иккинчи устун 5—6 нчи йўллардаги: — «Шукур қорнинг тўқ, қайғинг йўқ, бас тинчкина оқсоқоллиғингни қилаверсанг бўлмайдими?» жумласи шахсий ҳазил бўлиши баробарида юқорида зикр қилинғон қорни тўқ, бошқа қайғиси йўқ унсурлардан замзамадир. Яъни айтилмакчиким: Эй Охунбобоев! Нега сен анавиларға ўхшамайсан? Қайғирасан, ўртаға соласан; изланасан, сен ҳам ўшалардек қорнингни силаб ётсанг бўлмайдими? Аммо бу жумладан анави танпарастларга онглатилмоқчи бўлинғон, айтилмак исталинган маъно бундайдур: Эй Абдулҳақлар ва эй тан бандалари, ўртоқ Охунбобоевдан нега намуна олмайсизлар, ул сизларга ўхшаш қорним тўқ, қайғим йўқ деб тинчкина ётибдирми? (Мана шу ўринда айтилган маънони қуйидаги жумлалар, яъни кулгунинг кетиши ҳам таъкидлайдур).

Иккинчи устун 7 нчи йўлдан бошлаб 13 нчи йўлнинг охириғача бўлғон «Тузук, чақирим-пақиримингга маним ҳам қаршилиғим йўқ...» жумласи эса ўртоқ оқсоқолнинг мазкур маърузасини дарҳақиқат илтифот этишга лойиқ бир цифр эканини, бизнинг тўкис маориф маданиятга эришмагимиз учун яна катта фидокорликлар кераклигини кўрсатиб англатиш учун келтирилган.

Иккинчи устун 17 нчи йўлдан бошлаб «Шу замондаги баъзи одамларга ажаб ҳайрон қоламан, бир минг болаға битта мактаб бўлса нимаю, ўн минг болаға битта тўғри келса нима қайғи?» жумласи билан яна юқорида айтганимча ўртоқ оқсоқолнинг чиндан ишчи-деҳқон маорифи ва бошқаси учун ғамхўр ва бош оғритганини кўрсатмакчи ва шу гуноҳи, яъни мазлум халқ маориф-маданияти йўлида ўз-ўзини машаққатлагани учун овсарона уни шилталамакчидирман. Бундоғ кинолик мадҳ аксар халқ орасида истеъмол қилинадур. Масалан, тиришқоқ ва жонкуяр бўлғон иккинчи биров ўзини овсарликка солиб, «қўй, нима керак сенга шунча ташвишни! Шукр бир кунинг бўлса ўтиб турирдур: беш кунлик дунёда сен ҳам тинчкина юрсанг-чи?» дейдирлар.

Иккинчи устун 20 нчи йўлдан бошлаб 3 нчи устуннинг бешинчи йўлиғача бўлғон «муддао мирзабошиларни кўпайтириб идораларни ерлилаштириш бўлса.... алх» кулгулари ёлғиз ўртоқ Охунбобоевнигина эмас, балки бошқа ўртоқлар диққатини ҳам ерлилаштириш ва маданий маориф ишларига жалб қилиш учун қўлланилғондир.

МАЪЛУМКИ, бизда икки хил зиёлийлар бор: 1) эски, яъни Ўктабргача бўлғон зиёлийлар, 2) Янги Шўро зиёлийлари, такрорга ҳожат йўқ: инқилобғача бўлғон ва Ўктабрдан кейинги зиёлийларни етиштирган омиллар ва шароит ҳаммага маълум. Шунинг учун мен уларни таҳлилига киришмай мазкур «Муштум» сонидаги зиёлийлар ҳақида бўлғон кулгулигим устида гапираман:

Учинчи устун 15 нчи йўлдан бошлаб то 35 нчи йўлғача бўлғон гаплар мазкур икки хил зиёлийларни текширув мақсадида ёзилғондир. Масалан, «Ўртоқ Акмал Чўлпонбойнинг... шеъри билан зиёлийларнинг афтига туфургани ҳолда яна нима учундир, хезлар тавба қилса уларга фирқанинг қучоғи очиқ! — деб қўядир. Дарҳақиқат, хезлар тавба қилса ўртоқ Акмал бу тавбага ишонадими, йўқми аммо унга айтадирган гапим бор...» Бу жумлалар зиёлийларни фирқа кўзида тавба қилғон бўлуб кўринуб риёкорлик қилмасинлар, тавбалари қуруқ сўз беришдан иборат бўлмасин мақсадида айтилган. Мундаги харфан кузатилган муддао эрса мундоғ: Эй, зиёлийлар! Сизлардан баъзи бирларингизнинг яқин мозийдаги камбағаллар ҳукуматига берган зарарларингиз майдонда, бунинг учун меҳнаткашлар афтларингизга туфласалар ҳақлидирлар, Меҳнаткашларнинг қучоғи бизга очиқ экан деб риё билан меҳнаткашлар ишига аралаша кўрмангиз, чунки меҳнаткашнинг ақли-ҳуши бошида, яқин ўткан кунларингиз унинг кўз ўнгида. Эй, ўртоқ, Акмал, агар улардан биртаси мазкур риёкор мунофиқлик ҳолатида ишга аралашадирғон бўлса, сен бунга ҳозир бўл, эҳтиёт тур! Аммо тавба тўғрисида сенга айтадурғон сўзим бор: «Мен ҳар куни худоға тўққуз мартаба осий бўлиб ўн саккиз мартаба тавба ва истиғфор айтаман». Яъни бу гапдан мурод уларнинг тавбалари биздаги оддий маънода юрган тавбадан бўлмасин. Бу кунги фирқа олдида қилинадурғон тавба тамоман янги, чин маънодаги тавба бўлсин, ҳар куни тўққуз мартаба истиғфор айтиб ўн саккиз мартаба қайтадирғон тавбадан меҳнаткашларга фойда йўқ.

«Тавбага бўйин буккан банда бандаларнинг энг ярамасидур, қуллиқ бунёд қилғон расво, расволарнинг яна ашаддий расвосидур». Бу жумла билан ўша оддий маънода бўлғон тавбани инкор қилинадир, яъни тавба қулликдир, бўйин эгиш бандаликдир, банда эса ҳақиқатга тушуниб эмас, кучланиб, ожизланиб бўйин букадир. Бас, бу ҳолдаги тавба-тавба эмас, балки шахсий ихтиёрни, муҳокамани қўлдан бериб одамгарчиликдан чиқишдир. Бу дунёда тавба, қуллиқ қилиш бўлмасин, чунки бу расволик, аммо ҳақиқат олдида бўйин эгиш бўлсин. Ўзинг бир ҳақиқатга қонмай туруб ва ўзингинг хатойингга тушунмай туруб фақат ожиздан қилинғон тавба-тавба эмас, ҳам ўзгани алдашдир, расволикдир.

«Ўз бутунилиғини сақлай олмаған бошқаға енг бўлолмайдир». Бу жумла юқорида айтилган ихтиёрий шахсни такрорлайдир. Яъни, шахсий бутунлик, мустақил шахсият қуллиқ билан зиддир. Шахсий бутунлиғи бўлмаған, яъни ўзида ҳақиқатни ихтиёр қила билиш кучи тополмоғон ожиз, ихтиёрсиз одамлар жамият учун фойдалик ва чин ағзо бўлолмаслар. Чунки, аксар мунофиқлик ва майдалик ихтиёрсиз ҳам ўзига ишончсиз ва имонсиз кишилардагина гавдаланиши илмий равишда исбот қилинғондир.

Мени маъюблар курсисига ўткизғон «Йиғинди гаплар» мақоласининг асли кузаткани ва ёзғувчисининг мақсади юқорида мазкур шарҳлардан иборатдир. Бундан бошқа маънолар чиқариб турлик эхтимолларга бориб қайтиш ўринсиздир. Агар баъзи ўртоқлар шундай мулоҳазаларга кеткан эканлар, бу эса кулгуликнинг, айниқса адабий кулгуликнинг бизда ҳали ёшлиғидан ва ўзлашиб етмаганлигидан келадир. Шуни ҳам айтиб ўтишни, ёдларингизга солишни лозим топаманки, кулгу мақоладаги мустаор имзо мақоланинг ҳаракатини аксар вақт ўз тарафига буруб юритадир, яъни музика ёзғувчининг мустаор шахсига лойиқ гаплар, жумла ва таъбирлар орқасидан эргашадур. Мақоланинг имзоси Овсар қўйилган, демак ундаги кўб таъбир ифодалар овсарона, далиёнадир. Тентакни тентак тинглайдир деганларидек, кулгуликдагина эмас, умуман сажиявий адабиётга яқин турғон кишилар бу мақолани шу нуқтадан қараб текширсалар яна ҳам ҳақиқат очиладур. Масалан, маним кулгулукда ишлатадурган неча турлик мустаор имзо яъни қаҳрамонларим бор: Калвак махзум, Тошпўлат, Овсар, Думбул, Шилғай ва бошқалар. Агар сиз шу имзолар билан ёзилган кулгуликларни текшириб чиқсангиз мунда асли ёзғувчининг шахсини тамоман кўролмайсиз, фақат сўзни имзо эгасининг ўз оғзиданғина эшитасиз: Калвак махзумни ўқинг: кўбдан ҳақиқий ҳаёт билан алоқаси узилган, мадраса хурофоти илан мияси ғовлағон холис бир маҳалла имомини кўрасиз. Тошпўлатни ўқинг: ишсиз, бири бит, бити сирка бўлмоғон ва шу фақирлик орқасида ўғрилиқ ва фахшият денгизида сузиб тажангланган холис бир чапанини кўрасиз. Овсар ва Думбулларни ўқинг ва текширинг, ҳоказо.

Одил судлардан сўрайманким мен айбланган мақолани, маним устимда турлик шубҳалар туғдирғон кулгулукни шу юқорида саналғон мезонларга солиб текширилса ва ҳукум берилса экан. Кулгулукда улар айткандек ёмон ният билан яширилғон ҳеч бир маъно йўқ. Ҳарна ёзилғони бир «Овсар» тилидан фақат ишчи-деҳқон манфаати кузатилиб айтилган, ҳукумат кишиларига бўлғон гаплар ўртоқлик ҳазили, шахсий мазохор, мундан бошқа гаплар, маънолар бўлса юқорида бир даража теъдод (санамоқ — Ш. Қ.) қилуб ўтдим. Шоҳидлардан олий Судга мен қоралангувчи — қора курсида ўлтирғувчининг фақат шахсий адоват орқасида бу ҳолга тушганим яхши англашилди деб биламан. Мундоғ бўлса ҳам яна бир даража шоҳидларнинг ўз сўзларидан хулоса ясаб адолатлик судларнинг хотирларига тушириб ўтаман:

1. Гувоҳлардан ўртоқ Левченконинг сўзига қарағонда Ўрта Осиёда сиёсий жиҳатдан юқори ўринни ушлаган «ГПУ» 27-нчи соннинг дунёга чиқарилишига рухсат берган. Яъни «ГПУ»нинг рухсат беришидан шу маъно англашиладирким маним мазкур сондаги «Йиғинди гаплар» мақолам судларга илмий ва адабий йўлда шарҳлаб берганимдек зарарсиз, нафсониятлар айтган маънода эмасдир. Ҳам шундоқ бўлиши табиий. Йўқса, ҳар бир нуқтани эринмай текшириш билан машҳур бўлган сиёсий идора 27 нчи сон «Муштум»нинг дунёга чиқарилишига йўл қўймас ва рухсат бермас эди. Аммо бир неча шахслар бу мақолани ўзларининг билмадим, қандоғдур тарозуларига солиб, зарарлик топишлари эрса ғаразгўйлик, тирноқ остидан кир излашдан бошқа нарса эмасдир.

2. Хуршид Шараф маълумки олғон таълимоти бўйича мени қораламоқчи бўлади. Лекин, ўрисларнинг «бигизни қопда... алх». деган мақолларидек, унинг меним устимда бўлғон тухматлари, бўҳтонлари ўзининг берган жавоблари орасида «манаман» деб қопнинг қорнини ёруб чиқиб туради. Хуршиди тобон деганимиз ўзини жинниликка—тентакликка солиб қаради. Аммо адолатлик судларнинг тўғри текширишлари ҳақиқатни оча боруб ёлғон шоҳидни обдон довдиратди, алвон рангга киргизди. Мен унинг довдир шаҳодатининг ҳамма нуқталари устида тўхтамайман. Чунки улар уфассал равишда суднинг забтномасига киритилгандир. Аммо шунигина айтиб қўяманки, Хуршид дейдир: «Мирмуҳсин — мен «Бон-бон» деган манзумасини «босилмас...» деган эдим», деб айтди». Бу гап билан Хуршид, ўртоқ Мирмуҳсиннинг бир вақолатини содиқона адо этмоқчи эди. Бироқ таассуфки муваффақиятлик чиқмади. Хуршид ўзининг бошқа шаҳодатлари каби «Мирмуҳсин босилмасин деб резолюция қўйғонди мен қараб турғон эдим», — деса ихтимолки маним устимга оғир юкни қўюб эгасига содиқ қолғон бўлар эди.

3. Зиё Саиднинг ҳақиқатқа тескари шаҳодати тўғрисини унинг Коммунистлик виждонига ҳавола қиламан. Аммо бир неча нуқталари устида тўхтаб олишга мажбурман: «Муҳаррирнинг хонасига кируб Комил билан Жулқунбойнинг жанжаллари устидан чиқдим», дейдир. «Орада Санжар билан Ғози Юнус ҳам бор эди», дейдир. «Ундан сўнг матбаага тушуб архивни ахтариб юрсам «Бон-бон» манзумаси чиқди, қарасам «Босилмасин. М.» деб имзо қўйилғон экан, лекин ўзим Хуршиднинг «Бахри қадам» мақоласини олиш учун борган эдим», дейдир. «Шундан кейин «Бон-бон»ни папкамга солуб идорага олиб бордим, ундан сўнг терговга топширдик», дейдур. Зиё Саиднинг бу сўзи нимани англатадир? Унинг бу сўзидан аниқ шу келиб чиқадиким, ул «Бахри қадам» мақоласини олиш учун бормағон, балки менга 114-статьяни бердириш нияти билан борғон. Чунки, қонунан лозим эдики архивни қарағанда ёниға холис кишиларни чақируб текшириш ва акт қилиш. Мана бу томондан ҳам маним устимга ишланган сохтагарлик ўз оғзи билан айтуб турадур. Янада Зиё Саиднинг кеча берган жавоби ичидаги — «Муштум»да босилиши мувофиқ кўрилганлиги резолюци[illegible] қўйилмағон мақолалар ҳам бўлар эди, — деган сўзи ҳа[illegible] одил судлар учун шоёни диққатдир.

4. Энди облитнинг саркотиби ўртоқ Мильков устида тўхт[illegible]ман. Мен тўғрилик орқасида бош кетса «их» дейдирган й[illegible] эмасман. Муқаддимадаги сўзимда айтдим: Мен ўша кун[illegible]баага тушганимда ёлғиз «Йиғинди гаплар»дагина эмас б[illegible] бошқа материалларда ҳам облитнинг штампаси йўқ [illegible] Энди бугун ҳайрон қоламан бундаги штамплар қаёқ[illegible] келди, ёки бунда ҳам маним устимга бир юк ортмоқчи э[illegible]лармий? Ўртоқнинг дабба жавобидан маълум бўладиркім, бу орада ҳам бир найранг қурмоқчи бўлғонга, ишни чалкаштируб меним бошимни қотириб, довдиратмоқчига ўхшайдирлар. Дарҳақиқат, гап шундай бўлмаса облит деган масъул бир ўринда ўлтирувчи ўғил боланинг жавобига қаранг: эмиш фирқа ўргани бўлғони учун «Муштум»нинг материаллари текширилмасдан устига штамп босилиб берилар экан. Бу ҳолда журналнинг облитнинг рухсатисиз чиқара бериши лозим бўлмасмиди? Ҳар бир саҳифа материалга штампа босишнинг нима ҳожати ва карточка ёзишнинг қандай зарурати бор эди? Бу масала жуда муаммо. Тузук, облитнинг рухсати яъни штампаси бўлиши маним учун зарарлик эмас, лекин ўзим матбаада материални кўрган чоғимда штампа йўқ эди...

Қисқача таржимаи ҳолимни баён этиб сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиман: мақолани зарарсиз ва журналга мувофиқ топиб босишға рухсат бергувчи Комилнинг[3] ўзи эди. Бу кун ўз лавзидан қайтиб виждони олдида қип қизил ажива бўлғувчи, мени қоралағувчи ва устимга бошқа бўҳтонларни тақиғувчи ҳам унинг ўзи бўлди. Уч ойлардан бери матбуот саҳифаларида ўринсиз ва бошқа фақат менга қаратилиб бўлғон ҳақсиз ҳужумлар, англашмовчиликлар, бемаза иснодлар ва жимжималик замзамаларнинг бош омили ҳам шубҳасиз Комил ва шериклари эди. Хулоса, адоват мамлакат рангида бўялди.

Сўзимнинг охирида ўзимнинг асли ғоя ва маслагим билан ҳам ҳозиримни қисқача таништириб қўяйин: Мен Шарқ озодлиғини ва унинг мазлум пролетариат саодатини фақат — Ленинизм орқасида вужудга чиқишиға ишонган бир кишиман. Бу гапни сизнинг берадурган жазоингиздан қўрқиб эмас, балки виждоним, имоним тазйиқи остида сўзлайман. Лекин бу озодлиқдаги чин курашувчилар — лавзсиз қўрқоқлар, шахсий адоват орқасидан бахт қутқучи майда кишилар бўлолмаслар; аммо, ўртоқ Лениннинг соғлом, улуғ, ғазаматсиз, ғидирсиз йўлиға томон холис ниятда бел боғлағувчи қаҳрамонларгина бўлурлар. Маним ҳақимда ким нима деса десин, лекин мен Маркс ва Лениннинг ҳароратлик шогирдиман, чунки, мен Лениндан руҳ олиб Марксдан илҳомландим.

СЎЗИМ ОХИРИДА одил судлардан сўрайман: гарчи мен турлик бўҳтон, шахсият ва сохталар билан, ҳам англашилмовчиликлар орқасида иккинчи оқланмайдурғон бўлиб қоралaндим. Лоақал уларнинг, қораловчи қора кўзларнинг кўнгли учун бўлса ҳам менга энг олий бўлғон жазони бера кўрингиз. Кўнглида шамси ғубороти, тескаричилик мақсади бўлмоғон содда, гўл, виждонлик йигитга бу қадар хўрликдан ўлим тансиқроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир. Одил судлардан мен шуни кутаман ва шуни сўрайман.

1926 йил, 15 июнь. Самарқанд

СУРАТДА: Абдулла Қодирий. 1926 йил.

---

[1] Алх — ҳаммаси, барчаси.

[2] Интибоҳ — уйғониш.

[3] Комилжон Алимов — журнал муҳаррири.

ДАРСЛИК ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Эртанги адабиёт дарсликлари қандай бўлиши керак? Уни кимлар яратади, ёш авлодга қай тарзда тақдим этамиз? Бу масала ҳамиша долзарб бўлиб келмоқда. Ёзувчиларимиз, олимларимиз бу кунга қадар ўқитилиб келаётган адабиёт дарсликларини синчковлик билан ўрганиб матбуот саҳифаларида анча-мунча фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Болалардаги маънавий қашшоқлик сабабларини излаш ҳамон давом этмоқда.

Яшириб нима қиламиз. Адабий тарбия, адабиётга бўлган қизиқиш кун сайин сусайиб бормоқда. Бунга ҳар хил баҳоналарни рўкач қилаяпмиз. Гоҳ айбни ўқитувчиларга қўйсак, гоҳ бизда умуман адабиёт тарғиботи ёмон аҳволда, деймиз. Адабиёт ўқитиш дарслари қисқариб кетганлигини ҳам сабаб қилиб кўрсатаяпмиз. Албатта, бу гапларда жон бор. Хўш, дарсликларимиз қандай? Аввало, дарсликларимиздан ўрин олган қатор ёзувчи, шоирларимизнинг таржимаи ҳолини соатлаб ўқувчиларга тушунтирдик, улар яратган асарлар ҳақида оддий ахборот бердик. Айтайлик, Ғофир бундоқ, Кўкан ундоқ қабилида. Биз бир пайтлар кўз-кўз қилиб юрган асарларимизда ўша давр юзаки акс этганини бугунги ўқувчи ўз кўзи билан кўраяпти. Ўша курашчан Ғофир ёки Йўлчилар орзу қилган кунлар келдими? Ҳозирги ўқувчини алдаб бўлмайди. У ана шу саволга жавоб излайди. Дарсликларимиз учун танланган асарлар не-не ғоялари билан бизни алдамади. Бир қолипдаги гаплар, ташвиқотлар адабиётдан тамом ихлосимизни қайтарди. Улар бизга ҳаёт ҳақиқатини кўрсатмади, маънавий гўзалликка ўргатмади.

Адабиёт ўқитувчилари асарларда тасвирланган ҳаёт билан бугунги турмуш тарзини солиштирар экан, кўп гаплари ҳавойи эканлигини ўйламайди дейсизми. Ўқувчиси уни саволларга кўмиб ташлайди. Бечора ўқитувчи эса қолипга туширилган йўриқдан нарига ўтолмайди. Уни, аввало, қотиб қолган методика қанот ёзишга қўймайди.

Адабиёт дарсликларида тарихимиз, бутун бошли адабий меросимиз акс этмади. Халқимиз яратган буюк бетакрор достонларимиздан бебаҳра бўлиб мактабни битириб чиқавердик. Оддийгина бир мисол. Рус тили ўқитувчимиз дарсга кириб, бир гапни миямизга қуйган бўлса, янаги соатда ўзбек тили муаллимимиз худди шу гапларни ўз она тилимизда сингдирди. Бунақа такрорлар эса бетакрор бўлди.

Дарсликларимиз тили ҳақида анча-мунча гаплар айтилди. Яна бир мулоҳаза. Биз доим марказдан нусха кўчирамиз. Жаҳон мактаблари тажрибасини ўрганиш вақти келмадими?.. Адабиёт дарсликларини яратувчи олимларимиз йўқ эмас. Уларни тажриба алмашиш учун Америка, Япония ва бошқа тараққиётда илгарилаб кетган мамлакатларга юборайлик. Ўрганайлик. Гап ахир маънавий бойлигимизнинг сарзамини устида кетаяпти-ку.

Ҳозирги бош масала адабиёт дарсликлари учун боланинг ёшига қараб асар танлашда. Шундай асарлар танлаш керакки, бола улғайган сари ўқишга бўлган иштиёқи ўсиб борсин. Шу билан бирга, дарсликларга кўплаб ёзувчи, шоирларнинг таржимаи ҳолини, асарини киритиш шарт эмас. Бир ўқув йили давомида ўқувчи беш-ўн ёзувчи ижоди билан пухта танишса етади. Ана шунда у мактабни битиргунча озмунча ижодкор билан танишадими? Бундан ташқари, синфдан ташқари ўқиш учун «Адабиёт хрестоматия»ларини кўпайтириш, уларни алоҳида мавзулар бўйича тайёрлаш, тарихга, табиатга оид хрестоматиялар яратиш даври етди.

Бундан мақсад шуки, янги яратилаётган 5—11-синфлар учун тайёрланган адабиёт фани программаси лойиҳасини кенг халқ оммаси муҳокамасига қўйиш керак. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида адабиёт фани программаси лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинганлиги ҳам бежиз эмас. Бу масала бўйича сўзга чиққан шоир ва ёзувчилардан Т. Малик, Мирмуҳсин, Р. Бобожон, Х. Даврон, «Ўқитувчи» нашриёти директори О. Мирзаев, ТошПИ доценти А. Абдураззоқов, адабиётшунос олим О. Шарафиддинов, ёзувчи Ў. Хошимов, олим П. Шермуҳамедов ва бошқалар бу лойиҳани мукаммал яратиш бўйича фикрлашдилар. Шу сабабли Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмасида О. Ёқубов, С. Азимов, И. Раҳим, Мирмуҳсин, Шукрулло, О. Шарафиддинов, Т. Малик, П. Шермуҳамедов, О. Тоғаев, М. Кенжабоев, О. Мирзаев, С. Ҳасановдан иборат адабиёт фани программаси лойиҳаси устида ишлайдиган комиссия тузилди.

Уюшма ҳайъати барча қалам аҳлини ушбу лойиҳани муҳокама қилишда фаол қатнашишга чақирди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига, журналларга лойиҳани кенг муҳокама қилиш учун ёзувчилар, олимлар ва кенг жамоатчиликнинг чиқишларини уюштириш топширилди.

Сафар БАРНОЕВ

ГАВҲАР ҚАДРИ

куюнчак газетхонлардан хатлар

Ошкоралик шарофати туфайли одамлар ўзларини ҳаяжонлантирган, ўйлантирган муаммоларни ўртага ташламоқдалар.

Минг йиллардан бери сайқал топиб келган миллий-маънавий меросимизнинг кўзгуси бўлмиш бой классик адабиётимиз, эски ёзувимиз ҳақида олимлар, ёзувчиларимиз фойдали фикрларни билдирмоқдалар. Бундай жонкуяр инсонларнинг фикрларини қадрламоқ лозим.

Мен 31 йилдан бери она тили ва адабиётдан дарс бериб келаман. Кўп йиллик педагогик тажрибамдан шуни яхши биламанки, эски ёзувсиз классик адабиётимиз материалларини ўқувчиларга тўла-тўкис тушунтириб бўлмайди. Чунки ўтмиш шоирларимиз араб ёзувининг хусусиятларига мослаб чуқур маъноли муаммолар, мазкур ёзув ҳарфларининг шакллари ва унинг нуқталарига қиёсан беҳисоб гўзал ўхшатишлар яратишган. Мисоллар келтираман: Фурқат ёрни таъриф-тавсиф қиларкан, унинг гўзал қоматини тўғриликда «алиф»га ўхшатади:

Сарв қадлар суратин чекканда наққоши азал,
Бир алиф шаклида ёзмиш қадди зебо суратинг.

Шоир бошқа бир ғазалида: «Қонли кўз ёшларим сел каби шу қадар кулбамни буздики, «нун»нинг нуқтасидек, кўз ёшларим ичра ёлғизман», дейди:

Қонлиғ ашким он қадар бузмиш бузуғ кулбамниким,
Нуқтаи нундек ўзум танҳо хуноб ичра мен.

Маълумки, «нун»нинг нуқтаси битта бўлади. Шоир ишқ кўйида, изтиробларида яккаланиб қолганини, танҳоликдан қийналганини ўз хонасида ёлғиз турувчи «нун»нинг нуқтасига жуда моҳирлик билан муқояса этади.

Классик адабиётимизда муаммо поэтик ўйин тарзида битилган бир-икки байтли шеър бўлиб, унда бирор сўз ёки кишининг номи яширинган бўлган. Китобхон ўша яширинган сўзни топиб, шеърий жумбоқни ечиб завқланган. Руҳан озиқ олган. Шу тариқа адабиётга ихлоси ва ҳурмати ошган.

Буюк шоир Алишер Навоий Фарҳоднинг номини муаммо йўли билан изоҳларкан, унинг номи бешта сўздан олинганини кўрсатади:

Анга фарзона Фарҳод исм қўйди,
Ҳуруфи маъхазин беш қисм қўйди.
Фироқу, рашку, ҳажру оҳ ила дард
Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард.

Демак, «Фарҳод» сўзи, «фироқ», «рашк», «ҳажр», «оҳ» ва «дард» каби бешта сўз биринчи ҳарфларининг қўшилишидан таркиб топган. Бизнинг ҳозирги ёзувимизда «Фарҳод» сўзи олтита ҳарф орқали ифодаланади. Ш[illegible]дай экан, бу каби санъатларни биз араб ёзуви ва ун[illegible] зеру забарларисиз ўқувчиларимизга қандай тушунтирайлик?!

Бу каби беҳисоб санъатларнинг ҳаммаси, жумладан, абжад ҳисоби ҳам араб ёзувининг фазилатлари асосида яратилгандир.

Мен ҳам кўпчилик адабиёт ўқитувчилари каби ўқувчиларимнинг классик адабиётимиз обидаларидан баҳраманд бўлишини, уни тушунишини, завқ олишини истайман. Бунинг учун уларнинг эски ёзувни билишларини шарт деб ўйлайман. Чунки эски ёзув, менингча, классик адабиётни тушунишда калит вазифасини бажаради. Масалан: иқтидорли олим Нусратилла Жумаев Алишер Навоийнинг «Қаро кўзум...» ғазалини эҳтирос ва чуқур муҳаббат билан таҳлил қилар экан:

Юзинг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолиға жон гулшанин чаман қилғил, —

байтида ташбиҳи измор, яъни яширин ташбиҳ борлигини изоҳларкан, «жон» сўзининг араб ёзувидаги кўрини[illegible]ини кўз олдингизга келтиринг»,—дейди («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1987, 27 февраль). Лекин «жон» сўзининг араб ёзувидаги кўринишини ҳамма ҳам кўз олдиг[illegible] келтира олмайди-да. «Жон» сўзидаги қадди тик «али[illegible] ҳарфи ниҳолга ўхшаш. Байтда маъшуқа қомати ана [illegible] «жон» сўзидаги алифга қиёсланган. Демак, шоир а[illegible]моқчи, «алиф» «жон» гулшани бағрида жойлашгани с[illegible]гари, сенинг ҳам «алиф» ва ниҳол янглиғ қоматинг ҳам[illegible]ша менинг жоним, бағримда бўлса!

Араб ёзувини билмайдиган газетхоннинг кўпчилиг[illegible] олим шарҳлаган ана шундай етук санъат ва таҳлил[illegible] тушунмай қолади-ку!..

Ёшларни миллий-маънавий меросимизга, бой тилими[illegible]га эътиқодли қилиб тарбиялаш биз — она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг асосий вазифамиздир. Юксак даражадаги покиза эътиқод тарбия орқали пайдо бўла[illegible] мактабда шаклланади, камол топади. Шундай экан, [illegible] ёзувнинг бой имкониятлари ва классик адабиётимиз[illegible] беҳисоб гўзалликлари асосида ёшларимизни тарбиял[illegible] улар «Ушшоғ»у «Муножот», «Қора кўзум...»ни ту[illegible]ган, севган бўлар эдилар. Ўзимизнинг мислсиз гўз[illegible]шиқларимизни унутиб, аллақандай енгилтак, жа[illegible] «санъаткор»ларга маҳлиё бўлиб юришмас эди!

Ғани ФАЙЗИ[illegible]
она тили ва адабиёт ўқитувч[illegible]

Ургут

ХАЛҚ СОЗЛАРИ ТАҚДИРИ

Сўнгги пайтларда барча соҳада бўлгани каби миллий мусиқа, созлар тақдири, мусиқий таълим ва бошқа мавзулар бўйича мунозараларда жонланиш сезилмоқда. Мазкур газетада ҳам анчадан буён ўзбек чолғу асбоблари, ижрочилик, халқ чолғу оркестри бўйича баҳс боряпти.

Эълон қилинган мақолаларда созларни такомиллаштириш, репертуар, ўқитиш методикаси, созларнинг келажакдаги тақдири билан боғлиқ жиддий масалалар ўртага ташланди. Бироқ бу мақолаларнинг кўпчилиги муаммога бир томонлама ёндашилгани билан характерланади. Айни пайтда баъзи муаллифларнинг оркестр ижрочилиги борасида мутахассис эмаслиги, тарихий ҳақиқатдан чекиниш, Шарқ ва Ғарб музика маданиятларини бир-бирига қарши қўйиш ҳоллари кўриниб турибди. Шунингдек, ўзбек санъатини «европалаштириш» айби қўйилмоқда.

Ўйлаймизки, бу муаммоларни бир-бирига қилич қайраш ёки фақат ижрочи мутахассисларни қоралаш билан ҳал этиб бўлмайди. Чунки бу ҳол вазиятни янада кескинлаштириб, ишларимиз ривожига салбий таъсир кўрсатади. 1955—56-йилларда ўзбек музика маданияти тарихида шундай уринишлар бўлган. Ўша пайтларда ўзбек халқ чолғу ижрочилигида анча «ўзгаришлар» рўй берган эди; консерваториянинг халқ чолғу асбоблари факультетидан анча-мунча ўқитувчилар озод қилинганди. [illegible]к давлат филармо[illegible] [illegible]лқ чолғу оркестри[illegible] [illegible] дирижёри А. Пет[illegible] ҳам раҳбарликдан [illegible]лган эди. Афсуски, [illegible]гаришлар» музика [illegible]имизнинг ўсишига [illegible]ергани йўқ. Фикри[illegible] ҳозирги даврдаги асо[illegible]зифалардан бири: санъатимизни инсонпарварлик руҳида ривожлантириш, ҳар бир инсоннинг маънавий савиясини ўстиришдир. Чунки ҳар бир кишининг дилидаги энг яхши ҳис-туйғуларини уйғотмоқ, халқимизни умуминсоний бойликлардан баҳраманд этмоқ лозим.

Халқимизнинг қадимий анъанавий мусиқа маданияти бебаҳо бойлигимиз, замонавий санъат пойдеворини қуриш учун асос бўлган хазинадир. Халқ чолғу асбоблари оркестри ва ундаги кўповозли ижрочилик Шарқ ва Ғарб мусиқа маданиятларининг уйғунлашувидан туғилган, таъбир жоиз бўлса, совет даврининг фарзандидир.

Агар халқимизнинг санъат соҳасидаги бойликларига яна бир ютуқ (кўповозли халқ чолғу оркестри) қўшилса ва бу ютуқ маънавий ўсишимизга хизмат қилса, буни мутлақо «бегона»га чиқариш тўғри эмас. Бинобарин, кўп қиррали ўзбек совет мусиқа санъатимизда қадимий анъанавий шакл ва жанрлар билан бир қаторда, бизнинг замонда юзага келган янги кўринишлар ҳам равнақ топмоғи лозим. Булар бир-бирини йўқотиш ҳисобига эмас, балки фақат дўстона муносабатда ва ўзаро ижодий боғланган ҳолда яшамоқлари даркор.

Янгилик ҳамиша ғайриодатий нарсадек қабул қилинади. Мисол тариқасида Европа мамлакатларида фортепиано, скрипка, Россияда рус халқ чолғу асбобларининг ривожланиш тарихини келтиришимиз мумкин. Бизнинг маданиятимизда ҳам худди шу ҳол такрорланяпти. Лекин шу билан бирга, янги яратилган кўповозли халқ чолғу оркестрларига анъанавий ансамблларга хос ижодий талаблар қўйилмоқда. Яъни, бир-биридан тубдан фарқ қилувчи икки жанрга бир мезон билан қаралапти.

Ўзбекистон мусиқа маданиятида янги бўлган халқ чолғу оркестрларининг фаолияти мураккабликлардан холи эмаслиги табиий. Ана шу мураккаблик ва қийинчиликлар бартараф этилса, оркестрнинг ўсиши таъминланади. Бу янги, мустақил тармоқ бўлиб, унинг қонуний ривожланиши бизлардан оқилона ва эҳтиёткор муносабатни талаб қилади.

Хўш, шу соҳада ишлаб турган мутахассислар олдида бугунги кунда қандай муаммолар турибди? Аввало шуни айтиш керакки, ҳақиқатан ҳам, мусиқа асбоблари ҳозирги вақтда ижрочиларнинг ўсиб бораётган талабларига жавоб бермаётир. Фабрикамиз ишлаб чиқараётган чолғуларнинг сифати жуда паст. Шу боис, фабрика ва консерватория ўртасидаги илгариги ижодий алоқани тиклаш, асбобларнинг сифатини муҳокама қилишга мутахассисларни жалб қилиш керак.

Композиторларимиз ижодига келсак, шуни таъкидлаш лозимки, ҳозир халқ чолғулари учун ёзилаётган асарлар сони анча кўпайган. Бу қувонарли, албатта. Шу билан бирга, баъзи муаллифлар турли асбобларнинг ижрочилик (штрих усуллари, тембрлари) имкониятларини билмасликлари сезилиб турибди. Шунинг учун ҳам янги асарларнинг садоси кўп ҳолларда нафақат ижрочи ва эшитувчи, балки бастакорнинг ўзи хоҳлагандай чиқавермайди. Консерваториянинг композиторлик кафедрасида Европа асбоблари билан бир қаторда ўзбек халқ чолғуларининг ижро имкониятларини жиддий ўрганиш пайти аллақачон келган. Бундан ташқари, композиторларимиз ўзбек халқ мусиқаси табиатини, унинг лад ва оҳанг тузилишини чуқур ўрганиб, ўз ижодларида унумли фойдалансалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Яна жиддий муаммолардан бири ўзбек халқ чолғулари ва оркестрлар учун музика адабиётини нашр этиш масаласидир. Айниқса, областларда бу соҳада жиддий етишмовчиликлар мавжуд. Шу масалалар бўйича «Халқ чолғу асбоблари бўйича мутахассислар тайёрлаш жараёнининг методик таъминоти» мавзуида олий ва ўрта махсус музика билим юртлари халқ чолғу асбоблари ўқитувчиларининг иккинчи республика конференциясида ошкора фикр алмашуви бўлиб ўтди.

Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтида бўлиб ўтган «Беляевга бағишланган ўқишлар» конференциясида санъатшунослик доктори Н. Янов-Яновский халқимиз орасида ижро этиладиган мусиқани ўрганиш зарур эканлиги тўғрисида сўз юритди. У яна шундай маълумотларни ҳам келтирди: бугунги кунда умумиттифоқ миқёсида халқ музикаси ва композиторлар ижоди кенг омма умумий тинглайдиган мусиқанинг фақат 20 фоизини ташкил этар экан, қолган 80 фоизини рок ва поп-музика эгалларкан. Эътибор беринг-а, маданиятнинг «учинчи тури» деб аталмиш мусиқа халқ орасида энг кўп ўринни эгаллаяпти. Рок ва поп-музикаларининг ижобий томонларини камситмаган ҳолда, шуни айтиб ўтишимиз керакки, халқ бастакорлари ва композиторлар ижоди эстетик тарбияда асосий йўналиш бўлиши керак. Айнан шу соҳада назариётчиларимиз ва амалиётчиларимиз биргаликда бутун кучларини сарфлашлари лозим.

Ф. АБДУРАҲИМОВА,

М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси доценти

ҲУНАРНИ АСРАБОН...

Абдураҳмон Умаров республика Бадиий фонди қошидаги «Усто» бирлашмасининг директори. Мен икки йил муқаддам бир неча усталар қатори у билан ҳам бирлашмадаги жиддий муаммолар тўғрисида фикрлашгандим ва ушбу газетада «Саргардонлик» сирлавҳали мақола эълон қилинган эди. Хўш, шу ўтган вақт мобайнида муаммолар қандай ҳал этилди? Ишда силжишлар бўлдими? Шу мақсадда бу масалага яна қайтишни лозим кўрдик.

— Ўшанда жой масаласига энг жиддий муаммолардан бири сифатида кенг тўхталинган эди. Қанча югур-югурлардан сўнг бир ярим йил аввал «Усто» янги жойга — Хадрадаги Тошкент трамвай депосининг бир қисмига кўчирилди.

— Мен бирлашмага директор бўлганимга бор-йўғи тўрт йил бўляпти-ю, шу орада уч ерга кўчишга тўғри келди, — деди А. Умаров афсус билан. — Ахир «Дарахт бир жойда кўкаради» деб бежиз айтмаган-ку халқимиз. Бирлашмамиз йилдан-йилга кенгаймоқда. Бироқ бизни бири-биридан кичик, тор жойларга кўчиришяпти. Эскисидан кўчиш, янгисига жойлашиш каби оворагарчиликлар ишимизга салбий таъсир қиляпти. Қачон ўзимизга маъқул жойга қўним топар эканмиз, деб жонимиз ҳалак. Бу ерни эпақага келтиргунча юз минг сўм атрофида маблағ, қанчадан қанча куч ва вақт сарфладик. Лекин бизга эркин ишлашимиз учун камида бундан уч баравар кенг ўрин даркор. Шунча овораю чиқимдор бўлганимизга арзиса майли эди. Масалан, эллик беш минг атрофида турадиган миниатюрачилар ускуналарига кўч-кўчлар оқибатида етган зарарни қайта тиклаш учун икки минг икки юз сўм сарфлашга мажбур бўлдик. Уларнинг ҳаммасини ҳам ўрнатиб фойдаланишнинг эса имкони бўлмаяпти. Чунки жой тор...

Шу пайт хонага милиционер кириб келди. Ўзини таништиргач, шу атрофда яшовчилардан ариза тушганини айтди: «Йўл четига ҳар хил чиқиндилар ташланибди». Директор: «Ёнган бино трамвай депосига қарашли. Менингча, шунинг чиқиндилари вақтинча ташланган бўлса керак. Юринг, аниқлаймиз», дегач, иккиси чиқиб кетди.

Хонада ёлғиз қолгач, директорнинг жон куйдириб сўзлашини ўйлар эканман, кўз олдимдан боя кўрган манзараларим бир-бир ўта бошлади. Бино ҳовлиси гўё эндигина уруш тугаган жанггоҳни эслатарди: атрофда ҳар хил нарсалар сочилиб ётибди, ёнбошдаги бино куйиб тамом тугаган. Фақат деворларигина қаққайиб турибди, холос. Икки киши ёнғин оқибатида қорайиб, бужмайиб кетган тунукаларни бир четга йиғишмоқда... Берироқда уч-тўрт киши кичикроқ айвонча устини ёпмоқдалар. Бино ичи эса таъмирдан кейин анча очилган. Лекин хоналарда керагидан ортиқ буюмлар қўйилгани учун (баъзилари шундоқ яшикларда турибди) биқиқ ҳолат вужудга келган. Худди омборхонага ўхшайди. Кўриниб турибдики, бу ҳолатда ишлаш қийин.

Анча фурсат ўтиб директор «уф» тортганча кириб келди. Суҳбатимиз яна давом этди.

— Ишдан кўра ғалва кўп. Бунақада қўл ишга борадими? Баъзан бирлашмани ёпишгани маъқулмикан, деб ўйлаб қоламан... Ахир неча асрлардан бери авлоддан авлодга ўтиб келаётган ота-боболаримизнинг ноёб ҳунарларини йўққа чиқариш гуноҳ-ку. Аксинча, биз айрим сабабларга кўра вақтинча барҳам топган усталаримиз санъатини қайта тиклаяпмиз. Ҳозирча бирлашмамизда халқ усталари санъатининг йигирма тўрт хил тури мавжуд. Баъзи усталаримиз уйларида, айримлари эса бирлашмага қарашли устахоналарда ишлашмоқда. Агар имкон бўлганда, уларни бир ерга тўплаб, ишларини аниқ мақсадлар асосида йўналтириб борардик. Усталарнинг махсус саройи ташкил этилса-ю, ундан ҳар бир ҳунар тури алоҳида-алоҳида ўрин эгалласа. Шу ернинг ўзида магазин ташкил этилса.. Қандай олижаноб иш бўларди-я!

Усталаримизнинг гўзал ишларини кўриш учун чет эллардан меҳмонлар атайлаб келишмоқда. Юзлаб сайёҳлар ўз юртларига намуналар, эсдалик совғалари олиб кетишмоқда. Ўзимиз ҳам мамлакатимиз бўйлаб ва айрим хорижий юртларда кўргазмалар ташкил этмоқдамиз. Қолаверса, усталаримизнинг ўзлари бориб ишламоқдалар. Афсуски, меҳмонларни на бирлашмада, на устахоналаримизда эркин қабул қила оламиз. Иш шароитимизнинг кўнгилдагидек эмаслиги сабабли кўрсатишдан хижолат чекамиз. Бўлмаса, анчагина фойда оляпмиз. Шунинг ҳисобидан шароитимизни яхшилашимиз мумкин. Фақат жой берилса бас. Ҳамма ишни усталаримизнинг ўзлари бажарарди. Чунки неки даркор бўлса, қўлларидан келади. Натижада қизиқиб ҳунар ўрганиш учун келаётган ёшларни ноумид қилмай қабул қилиш имконимиз ҳам туғиларди. Демак, олаётган фойдамиз янада кўпаярди. Биз усталаримизнинг оғир меҳнатини енгиллатишни эмас, балки биргина муносиб жой беришларини сўраяпмиз, холос.

Ҳунарнинг яхши ёмони йўқ. Ёшлигимда эшитган бир ибратли ривоят ҳеч ёдимдан чиқмайди. Унинг қисқача мазмуни шундай: «Бир шоҳнинг хотини ҳунарманд бўлади. Эрига ҳам гилам тўқишни маслаҳат беради ва ўргатади. Иттифоқо, бир куни шоҳнинг душманлари уни ов қилиб юрганидан фойдаланиб қўлга олишади. Зиндонбанд қилишади. У рухсат сўраб, гилам тўқийди. Гиламни юқори баҳода сотишларини тайинлайди. Гиламни эса сотиб олган киши катта мукофот олиш учун шоҳнинг хотинига совға сифатида олиб бориб беради. Аёл гилам четидаги гул шаклида туширилган ёзувни ўқиб воқеадан огоҳ бўлгач, шоҳни зиндондан қутқаради. У ўлимдан озод бўлади»... Ҳунар киши ҳаётининг гарови дир! Шундай экан, нега энди ҳунар ўрганиш учун кенг имконият яратилмаслиги керак? Нима учун қизиқувчи ёшларнинг юрагида ниш урган умидни пучга чиқаришимиз даркор. Аслида аксинча бўлиши лозим эмасми? Фарзандларимизнинг қўли гул ҳунарманд бўлишини кўпчилигимиз жуда-жуда истаймиз-ку!

— Абдураҳмон ака, усталар меҳнатининг қадри нимада, деб биласиз?

— Масалан, сиз пичоқчилар иш жараёнини ҳеч кузатганмисиз. Бир парча темирни қайта-қайта ўтда тоблашади. Сандонга қўйиб шакл беришади. Даста солишади. Сайқаллашади. Қисқача айтганда шу. Лекин уста ҳар бир пичоқни алоҳида меҳр билан тайёрлайди. Унга неча бор қўл уради. Шунчаки қараганда пичоқлар бир-бирига жуда ўхшаш туюлади. Аслида ҳаммасининг фарқланувчи томони бўлади. Бу буюмнинг хусусияти устанинг ҳароратли қўли тегкани ва фарқланувчи томонидадир. Шу сабабли Чустнинг пичоғи ундай, Ургутнинг пичоғи бундай, деб сифатию афзал томонларини мақтаб гапирамиз. Уста ясаган буюм, таъбир жоиз бўлса, худди тирик мавжудотга ўхшайди. Меҳр кўзи билан қаралмаса, йитади.

Мен истардимки, усталаримиз қўли теккан ҳар бир буюм санъат асари сифатида қадрланса. Ҳар бир хонадонда бирор устанинг ишидан намуна бўлса. Устанинг умрбоқийлиги унинг иши билан ўлчанади ва абадий бўлиб қолади. Ҳунарнинг қадри ҳам шунда-да! Ахир мана бу бинони фалон йили фалончи уста қурган, деб эъзозлаб, эслаб юришлари бежиз эмас. Келажак авлодга қадимги ҳунарларни бирортасини ҳам йўқотмай, ёнига янгиларидан қўшиб етказишимиз фарздир. Йиллар оша давом этиб келаётган устоз, шогирд анъаналари, улар орасидаги меҳр-оқибат, фотиҳа олиш асло йўқолмасин.

Мақола ёзилишидан сал олдин мен Самарқандда бўлдим. Регистонни айландим. Бибихониму Шердорнинг нилий гумбазларига узоқ термилдим. Кўпқаватли бир-бирига ўхшаш бетон уйларга кўзим тушавериб, бефарқ бўлиб қолган эканман. Ранго-ранг жилоларни кўриб, кўзларим ёшланиб кетди. Ҳар галгидек бу сафар ҳам эътиборимни тушуниксиз сўзлар ўзига тортди. Сайёҳлар. Узоқ юртлардан Самарқандни кўришга келишган. Қалдирғочлардек чуғурлашиб бинолар атрофини айланишмоқда. Бошларида фабриканинг оддийгина ўзбекона дўпписи. Қани энди улар биринчи ёмғирдаёқ ранги ўчадиган эмас, моҳир чеварлар тикадиган ўнлаб хил дўппиларимиз борлигини билишса. Айниқса, Андижоннинг давра чойнакни чойи билан кўтара оладиган дўпписини кўришса, бугунги санъатимизга ҳам қойил қолишарди, албатта.

Демоқчиманки, нилий гумбазли бинолару дандон сопли пичоқлар, қалампирнусха дўппилару нақшинкор эшиклар... Ҳамма-ҳаммаси усталар ҳунарининг меваси. Қани энди Бибихонимдан кўрқиб қанот боғлаб [illegible]чиб кетган устанинг чала [illegible]ган ишини бугунги, бироқ моҳир уста ундан зиёда қилиб охирига етказолса. Моҳир уста етишиб чиқиши учун эса керакли шароит яратилиши лозим. Бибихоним минораси яна неча йил шу ҳолатда чала турар экан, билолмадим. Шуларни ўйлар эканман, хаёлимдан Абдураҳмон аканинг қуйидаги сўзлари ўтди:

— Бизнинг қадимдан бери шаклланиб келаётган тарихимизнинг асосий қисми усталар ҳунари билан боғлиқ. Қазишмалар ва изланишлар натижасида топилган буюмлар орқали аждодларимиз ҳаёт тарзини ўрганяпмиз. Уларнинг маданияти қай даражада равнақ топганидан огоҳ бўляпмиз. Мен истардимки, бугунги ҳунарманду усталаримизнинг гўзал санъати ҳам келгуси авлодлар учун ўлмас бир тари[illegible] [illegible]ўлиб қолсин. Шундагина [illegible]зимиз ёруғ бўлади.

Муталлиб СОДИҚОВ,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг махсус мухбири

КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Фарғона вилоятининг асосий маданият саройида Ўзбекистон ССР Рассомлар уюшмаси, республика комсомоли Марказий Комитети ҳамда Фарғона вилояти ёш рассомлар уюшмаси ташаббуси билан ёш рассом Жўра Асронов асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмага ижодкорнинг 180дан зиёд ранг-баранг асарлари қўйилган. Улар орасида кўплаб портретларни, пейзажларни ҳамда қардош халқлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг асарларни кўриш мумкин.

Ҳ. САТТОРОВ

Ойтожи ШОБДОНОВА:

САҲНА—МЕНИНГ ҲАЁТИМ

Бир гуруҳ қирғизистонлик санъаткорлар қатори Ойтожи Шобдонова ҳам Қирғизистон ССР халқ артисти деган унвонга сазовор бўлди. Шу муносабат билан актриса ҳузурида бўлиб, бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Ойтожи опа, бу хабарни эшитганингизда кўнглингиздан қандай ўй-фикрлар ўтди!

— Тўғриси, бу мен учун кутилмаган воқеа бўлди. Дастлаб ғоят ҳаяжонландим, Сўнгра саҳнага қандай чиқишимни ўйладим. Чунки халқ артисти [illegible]ган ном актёрга катта масъ[illegible]ят юклайди. Саҳнага чиқ[illegible], ана шу юкни кўтара олиш, [illegible]нинг сенга бўлган ишон[illegible]ни ҳар қадамда оқлай билиш лозим.

— Очиғини айтганда, область театрларида ижод қилаётган кўпчилик актёрлар учун халқ артисти, деган ном ўзига хос чўққи ҳисобланиб қолган. Уларнинг айримлари [illegible] шу номга сазовор бўлади[illegible], ижодий изланишни тўхтатиб [illegible]ди...

— Сиз ҳам шундай қилмайсизми, демоқчисиз-да? Йўқ. Мен унвонлару юксак номларни кўзловчи актёрларни чинакам санъаткорлар деб ҳисобламайман. Актёр ҳамма вақт ижодий изланишда бўлиши, келажакка ишонч билан яшамоғи лозим. Инсон қадр-қимматга фақат ўз меҳнати, касбига бўлган фидойилиги билан эришади.

— Санъат бўстонига кириб [illegible]лишингиз ҳақида гапириб [illegible]рсангиз.

— Мен Ўш областининг Аравон районида, колхозчи [illegible]иласида туғилганман. Беш [illegible]шимдан бошлаб қўлимга кетмон тутиб, далага чиқдим. Болалигимда бирор марта ҳам театрга тушмаган эканман. [illegible]роқ дала шийпонига қўйилган радиоприёмникдан тараладиган қўшиқларни [illegible]-дилим билан тинглардим. [illegible] даврда айтиладиган қўшиқларнинг деярли барчаси [illegible]а ёд бўлиб қолган. 1962 [illegible] бадиий ҳаваскорлик коллективларининг республика конкурсида қатнашдим. [illegible]илнинг куз ойида қишлоғимизга Ўш шаҳридаги ўзбек [illegible]али драма театри коллективи гастролга келиб қолди. Улар намойиш этган ҳар бир спектаклни бор вужудим билан томоша қилдим. Шундан сўнг менда актёр бўлиш истаги туғилди. Бахтга қарши, ўша пайтда қишлоғимизда эски урф-одатлар ўз кучини сақлаб қолган бўлиб, хотин-қизларнинг саҳнага чиқиши айб ҳисобланарди. Онамнинг бозорга кетганидан фойдаланиб, Ўшга — театрга қочиб кетдим. Театр коллективи мени ўз сафига қўшиб олди. Бироз ишлаганимдан сўнг театрнинг бош режиссёри Ж. Раҳмонов ҳамда таниқли актриса Т. Солиева Аравонга бориб, онамнинг розилигини олиб келишди. Менинг катта санъатга қўйган қадамим шундай бошланган.

— Янглишмасам, драматург А. Бобожоновнинг «Қўшиқ азоби» асаридаги Султоной театр саҳнасида яратган дастлабки йирик образингиз бўлса керак...

— Тўғри, Султонойни саҳнадаги дебютим десам бўлади. Бу образнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида ўз вақтида газеталарда ҳам ёзилган. Шу образни яратиш жараёнида ўзим учун керакли хулоса чиқардим. Қирғизистон ССР халқ артисти Турсунхон Солиева, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фаина Литвинская менга катта ёрдам беришди. Уларнинг кўмагида Раъно («Меҳробдан чаён»), Ҳаётхон («Фарғона тонг отгунча»), Тўлғаной («Сомон йўли»), Катерина («Момақалдироқ») сингари турли образларни саҳнага олиб чиқишга муваффақ бўлдим.

— Актёрнинг ҳақиқий санъаткор бўлишида режиссёрнинг роли катта. Сиз шу ҳақда нима дейсиз!

— Албатта, санъаткорлар қаторидан ўрин олишимда Ф. Литвинская, Ж. Маҳмудов сингари режиссёрларнинг катта ҳиссалари бор, деб ўйлайман. Фаина Анатольевнанинг менга ёққан хислати шундаки, у режиссёргина эмас, балки педагог ҳамдир. У ҳеч вақт актёрни бўш қолдирмаган. Роль тегмай қолган пайтда ҳам сиз билан шуғулланишга ҳамиша вақт топа билади. Ж. Маҳмудов саҳналаштирган спектаклларда ҳам кўплаб роллар ўйнаганман. Ж. Маҳмудов актёрга тўлиқ мустақиллик бериб, қаҳрамонларнинг ички дунёсини тўлақонли очиб беришига имконият яратарди. Афсуски, бундай режиссёрлар ҳозир бармоқ билан санарли.

— Ролга қандай тайёрланасиз!

— Бу кўп жиҳатдан спектакль руҳиятига боғлиқ. Агар классик асар бўлса, тайёргарлик жараёни баъзан ғоятда чўзилиб кетади. Масалан, Эврипиднинг «Медея» асари бош қаҳрамони образини яратиш учун тўлиқ бир йил ҳаракат қилдим. Саҳнага замондошларимиз образини олиб чиқиш ҳам осон иш эмас. Бундай пайтларда ўзим яшаб турган ҳаётни кўз олдимга келтираман.

— Театр саҳнасига бир қатор она образларини олиб чиқдингиз, ўзингиз ҳам онасиз...

— Икки фарзандим бор. Ўғлим Миродилжон Ўш шаҳридаги 1-маданият уйи қошида ташкил этилган пантомима студиясига қатнайди. Қизим Ҳаётхон эса музика билим юртини тамомлади. Қўшиқчи бўлмоқчи.

— Сизнингча, бугунги кунда театрларимиздаги қайта қуриш жараёни қандай кечмоқда!

—Афсуски, театрларимизда қайта қуриш, янгиланиш жараёни жуда секинлик билан амалга ошмоқда. Турғунлик даврида юзага келиб, чуқур илдиз отган айрим муаммолардан батамом қутула олмаяпмиз. Томошабинни жалб қила оладиган асарлар кам ёзиляпти. Партия, комсомол ташкилотлари театрга ғамхўрликни сусайтириб юборишди.

Кейинги пайтда театримизда бир амаллаб кун ўтказиш учунгина ишлаётган актёрлар кўпайиб кетди. Уларнинг юки театр учун чинакамига жон куйдираётган санъаткорларимиз зиммасига тушмоқда. Менимча, коллективимизда штатни қисқартириш масаласини ҳал этиш керак. Театрда фақат санъатга фидойи кишиларгина қолиши керак.

— Ойтожи опа, илгари шогирд эдингиз, энди ўзингиз устозсиз. Ёшлар ҳақидаги фикрингиз қандай! Улардаги қайси хислатлар сизга ёқади!

— Юқорида айтиб ўтганимдек, коллективимиз аъзоларининг кўпчилиги ёшлар. Р. Тожибоев, Ғ. Холматов, М. Мавлонова, Н. Мамажонов сингари ёшларимиз доимо ижодий изланишда бўлиб, томошабинларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлмоқдалар. Қани энди бошқа ёшларимиз ҳам уларга тенглаша олишса!.. Биз театрга қадам қўйиш учун қанчалик қийинчилик тортгандик. Ҳозирги ёшларимизга ҳамма имкониятлар яратиб берилган. Уларни, ўғлим ё қизим актёр бўлсин, деб, ота-оналарининг ўзлари театрга етаклаб келишаяпти.

Ёшларимизда қунт етишмайди. Эрталаб ишга келишади-ю, қандай қилиб бўлмасин, уйга эртароқ кетишни ўйлашади.

— Ижодий режаларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Яқинда театримиз коллективи Ҳ. Муҳаммаднинг «Тошкентнинг нозанин маликаси» музикали драмасини саҳналаштирди. Унда Хайри образини талқин этдим. Келгусида психологик пландаги йирик ролларни ижро этиш ниятидаман, Бундан ташқари, янги бир қўшиқ устида иш олиб боряпман.

— Газетхонларга қандай тилакларингиз бор!

— Аввало осмонимиз мусаффо, замонамиз тинч бўлсин. Бундан ташқари, уларнинг театрларимизга тез-тез келиб туришларини истардим...

Суҳбатни театршунос
Абдураҳмон ИСҲОҚОВ
ёзиб олди

«ШАРҚ» САЛОНИ

«Пахтакор» метроси бекати ёнгинасида, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети қошида янги — «Шарқ» номли видеосалон очилди. Хўш, у шаҳримиздаги кооператив тарзда очилган видеосалонлардан нимаси билон фарқ қилади? Шу савол билан видеосалон раҳбари Равшан Убайдуллаевга мурожаат қилдик:

— «Шарқ» видеосалонида асосан ўзимизнинг миллий урф-одатлар ва анъаналаримизга бой фильмлар ҳамда таниқли қўшиқчи, раққоса санъаткорларимиз иштирокидаги видеолентралар намойиш этилади. Шунингдек, чет элларнинг ҳам ана шундай фильмлари томошабинларга тақдим этилади.

— Равшан ака, видеосалоннинг иш тартиби ва томошабинларга бериладиган имтиёзлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Видеосалон катта ва кичик заллардан иборат бўлиб, 66 томошабинга мўлжалланган. Ҳар бир зал совутиш ва иситиш ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда асосан 4 киши хизмат қилади — студия раҳбари, видеоинженер, ишчи, кассир.

Имтиёзларга келсак, аввало, бизнинг видеосалонга ташриф буюрган томошабин хоҳлаган қўшиқчи санъаткорининг фильм-концертини кўриши, шунингдек, ёздириб олиши мумкин. Шу билан бирга, ўзларининг тўй, байрам ва бошқа кечаларини ёздириб олишга буюртма бериш имконияти бор. Биз томошабинни хоҳлаган жойида, шаҳримизнинг чиройли, хушманзара, сўлим ерларида ҳам тасвирга тушириб беришимиз мумкин.

— Видеосалондан тушган даромад нима мақсадларга сарфланади?

— Тушган маблағлар Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети фондига ўтади. Бу фондлар эса, ўз навбатида телевидение ва радио равнақига сарфланади.

Биз видеосалоннинг репертуарини кўздан кечирар эканмиз, у «Шарқ» деган номга муносиб эканининг гувоҳи бўлдик. Бошқа шу каби санъат масканлари ўрнак олсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Ҳасанбой САТТОРОВ,
ТошДУ талабаси

ИҚТИДОР

Ҳурматли редакция!

Сўнгги йилларда радио тўлқинлари орқали, овоз ёзиш студияларида Рустам Умаров деган хонанда ашулаларини эшитаяпмиз. Унинг майин, ширали овози кўпчиликка манзур бўлаётир... Иложи бўлса, шу хонанда ҳақида газетада мақола берилса, деб илтимос қиламиз.

Алишер ДУСТОВ,
Тошкент Трактор заводининг ишчиси

Чиндан ҳам кейинги йилларда қўшиқ шинавандалари Рустам Умаров деган хонанданинг номини, ашулаларини тез-тез тилга оладиган бўлишди. Магнитофонларда, овоз ёзиш студияларида, гоҳо радио тўлқинларида бу хонанданинг қўшиқлари янграмоқда. У куйлаётганда қўшиқни охиригача тингламай туриб кетиш қийин. Биттасини эшитгач, иккинчи ашуласини тинглагиси келади одамнинг.

Ҳозир ким кўп — хонанда кўп. Уларнинг ҳар бири ўзига хос услубга, репертуарга эга. Шундай бўлгач, тингловчини, қўшиқ мухлисини ром этиш бугунги кунда осон эмас. Бунга эришган хонанда — бахтли санъаткор. Рустам ҳам ана шундай шарафга муяссар бўлаётган хонандалардан.

Унинг қўшиқларида ҳам, куйлаш оҳангида ҳам самимият бор, тиниқлик, эзгу ният уфуриб турибди. Тингловчини дарҳол ўзига жалб этишининг, қўшиқ тугамагунча ушлаб тура олишининг боиси балки шудир. Бунга ундаги соддаликни, оддийликни қўшимча қилиш ўринли бўлур. Олифта, манман эмас. Юриш-туришида ҳам, муомаласида ҳам, куйлаш услубида ҳам шу қусур кўринмайди. Ижодкорнинг феъл-атвори унинг ижодига таъсир этмай иложи йўқ. Хонандалар ҳам шундай. Агар у кибор, оёғининг остини кўролмайдиган бўлса, бу одат қўшиқларида ҳам акс этади. Тор ушлашидан тортиб, саҳнага чиқиб келишигача, куйлашию томошабинлар олдида ўзини тутишигача сезилиб туради. Рустам Умаров бу тоифадан эмас.

Рустам асли самарқандлик, Хатирчи районида туғилган. У ўрта мактабни битириб, Тошкентга ўқишга бораман, деганида, очиғи, отаси ҳа деганда рози бўлавермади. Ахир, қайси ота-она ўз ўғлининг бағридан нари кетишини истайди? Қолаверса, рўзғор, оила, тирикчилик — ўғил вояга етгач, шу масалаларда отанинг ёнига кириши, унга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмакчи бўлмоғи лозим. Рустам бу гапларни тушунади, ҳаммасига ақли етади. Бироқ маълум бир доирада қолиб кетиш ҳам тўғри келмайди, ўғил бола мисоли қанотга кирган бургут боласи. Ҳаётда, демакки, жамиятда ўз ўрнини топиши, эл-юрт хизматига камарбаста бўлмоғи зарур. Отанинг ёнига кириш, унга ҳар жиҳатдан мадад бериш учун, албатта, унинг қаватида юриш шарт эмас. Рустам шу мулоҳазаларини айтганида отаси ўйга толди, охири ўғлининг раъйини қайтармади...

Ҳозир у Тошкент Давлат маданият институтида сиртдан таҳсил кўрмоқда. Айни чоқда Чилонзор район маданият бўлимига қарашли маданият уйида рубобчилар ансамблига раҳбарлик қилиб келмоқда. Йигирмага яқин болага соз чалиш сирларидан сабоқ бермоқда.

Қўшиқ айтиш иштиёқи унда ўқувчилик йилларидаёқ уйғонган эди. Ўша пайтларда ўзича ашулалар хиргойи қилиб юрарди. Институтга киргач, ашула айтиш билан астойдил шуғулланди. Энди унинг қўлидан шеърий китоблар тушмайди. Юрагини жазиллатадиган, қўшиқбоп шеърларни излайди. Шу изланишлар туфайли бирин-кетин қўшиқлар пайдо бўла бошлади. Бу қўшиқларни у дўстларига, устозларига куйлаб берди. Улар ютуқларини ҳам, камчиликларини ҳам очиқ, дангал айтишди. Бу борада Музаффар Мирмаҳмудов, Рустамжон Турсуновдан у беҳад миннатдор. Жамол Камол шеърлари билан айтиладиган «Билмаса билмас», «Дамлар ўтар», «Етишди» деган ашулалар, «Шайдоси бор» (Самад Вурғун шеъри), «Армонлар қолди» (Юсуф Шомансур шеъри), «Онаизор» (Муҳаммад Юсуф шеъри), «Ўйлатиб куйдинг яна» (Нилуфар шеъри) сингари қўшиқлар шу тарзда вужудга келди. Бу ашулаларнинг аксарияти тингловчиларга манзур бўлди. Улардаги миллий оҳангни, ички самимиятни алоҳида таъкидламоқ керак.

Тўғри, дастлабки пайтларда Рустам бироз «тоши енгилроқ» ашулалар айтди. Бундай қўшиқларнинг ҳам ўз тингловчилари, мухлислари бор, албатта. Лекин у каби ашулаларнинг умри узоқ бўлишига кафолат бериш қийин. Ижоднинг барча соҳасида бўлгани сингари хонандаликда ҳам то ўзининг муқим йўлини топиб олгунча турли оҳангларда куйлаши мумкин. Бундай ҳолат маълум даражада Рустамда ҳам рўй берди. Энди у ўз йўлини топиб олди. Енгил-елпи, олди-қочди қўшиқлар билан узоққа бориб бўлмаслигини яхши билади. Халқимизнинг маънавий мероси — классик ашулаларни, мусиқа маданиятимиз намуналарини қунт билан ўрганмоқда. Шунинг учун ҳам Фаттоҳхон Мамадалиев, Шерали Жўраев, Фахриддин Умаров каби халқимизнинг ардоқли ҳофизларини устоз, деб билади, уларга эргашади, улардан ижодий ўрганади. Агар Рустамнинг қўшиқларига эътибор берсангиз, одамни ўйга толдирувчи маъюслик ҳам, дилни ўйнатувчи қувноқлик ҳам борлигини сезасиз. Зотан, тингловчини лоқайд қолдирган қўшиқ қўшиқ эмас, ашула одамни ё ўйнатсин, ё йиғлатсин, лоақал ўйлашга, хаёл суришга мажбур этсин. Рустамнинг ашулаларини тинглаган одам лоқайд ўтиролмайди. Унинг қўшиқларидан кўплар баҳраманд бўлмоқда. Турли дам олиш уйларига, санаторияларга бориб, одамларга сидқидилдан хизмат қилмоқда. Ҳар бир ашуласини тингловчилар қарсаклар билан олқишлаб, хонанданинг майин, ширали, ёқимли овозига офаринлар айтишмоқда. Бу олқишлар хонандага куч, илҳом беради.

Рустам Умаров ҳали ёш, репертуари энди тўлиб, бойиб бораётир. Бошқача айтганда, истеъдод чашмасининг кўзи очилиб, суви тиниқлашиб келаётир. У кўплаб фараҳбахш, дилбар ашулалари билан минглаб, миллионлаб қўшиқ шинавандаларига руҳий озиқ беришига ишонамиз. Унинг меҳнаткашлиги, янги-янги қўшиқлар яратиш учун шеърлар қидириши, шоирлар билан ҳамкорликда ишлаши, ҳар бир янги ашулани маромига етказиш учун кунт ила сайқал бериши шундай дейишга асос беради. Фақат бир умид ва истагимиз борки, у ҳам бўлса шуҳрат, обрў-эътибор шоҳсупасига кўтарилганида ҳам юқорида алоҳида қайд қилинган оддийлик, самимийлик фазилатлари уни тарк этмасин.

Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов бир ғазалида «Кимда иқтидор йўқдир, илм ила ҳунар зое», дейди. Рустамнинг қўлидаги ҳунари ва олаётган илми зое кетмаслиги тайин. Чунки унда иқтидор бор.

М. БЕРДИЕВ

ҲУЖЖАТ ВА БАДИИЙЛИК

Абдуғафур РАСУЛОВ

ЭЪТИБОР БЕРСАНГИЗ, «роман», «қисса», «ҳикоя»ларнинг олди, ортидан қўйиладиган аниқловчи, тушунтирувчи сўзлар бот-бот учраяпти: роман-хроника, роман-монолог, хотира (автобиографик, ҳужжатли) повесть, эссе-қисса, воқеий ҳикоя... Бундай асарларда ҳаётий фактларнинг мўл-кўллиги, қаҳрамоннинг бизга замондош ёхуд сал олдинроқ яшаб ўтганлиги ҳақиқий бадиийлик эвазига берилган қўшимчадай қабул қилинарди.

Ҳозирги совет прозасида революциядан кейинги ҳаётни тасвирлаш, революция ишига ҳисса қўшган, етмиш йилдан ортиқроқ тарихимизда из қолдирган кишилар характерини яратиш тенденцияси кучаймоқда. Бошқача айтганда, ҳужжатлилик, тарихий шахслар образига диққатни жалб этиш прозамизнинг бош хусусиятига айланмоқда. Хўш, бундай асарларда бадиийлик меъёри, уни баҳолаш қандай бўлади? Аввало, ҳужжатли прозага бўлган муносабатимизни ўзгартиришимиз шарт. «Маданияти юксак юртларда адабиётни бизлардагидай, бадиий ва ҳужжатлига ажратмайдилар. Уларда асарлар фикшен ва нофикшенга — тўқилган (ўйлаб топилган) ва тўқилмаган (ўйлаб чиқарилмаган)—ажратилади». Бу гап Комил Икромовнинг «Отамнинг тергов иши» роман-хроникасидан («Знамя» журнали, 1989, 5—6-сонлар) олинди. Биз К. Икромов романи, Ҳабибулла Қодирийнинг «Қодирийнинг сўнгги кунлари» хотира қиссаси («Ёшлик» журнали, 1989, 4—7-сонлар), Ҳамид Ғуломнинг «Вафонинг узун йўли» хотиралари («Шарқ юлдузи» журнали, 1989, 4—5-сонлар) ҳақида фикр юритар эканмиз, ҳужжатлардан бадиий ҳақиқат яратиш масаласига урғу бермоқчимиз.

КОМИЛ ИКРОМОВНИНГ романи юзлаб ҳаётий фактлар, ашё-далиллар асосида ёзилган, унда бир неча мураккаб характер, ўнлаб образлар яратилган. Роман воқеалари 1937 йилдан 1980 йилларгача давом этади. Асарда Акмал Икромовнинг отаси, амакилари, ака-ука, опалари тўғрисида анча кенг маълумот берилади. Асар марказида Н. И. Бухарин, А. И. Риков, Н. Н. Крестинский, Х. Г. Раковский, А. Икромов, Ф. Хўжаев сингари йигирма битта большевик, В. И. Ленин сафдошлари устидан ўтказилган суд жараёни туради. «Айбланувчиларнинг» жавоблари, бош прокурор Вишинский сўроқлари, суд раиси Ульрих сўзлари худди пьесадагидай берилади. Романда Комил Икромовнинг қамоқларда ўтказилган ёшлиги, отасининг тергов ишини зарра-зарра ўрганиб бориши — Усмон Юсупов, Нуриддин Муҳиддинов, Шароф Рашидов ҳақидаги маълумотлар, кекса коммунистлар билан мулоқот, Акмал Икромовнинг котиблари, ҳаммаслаклари, таниш-билишлари билан суҳбатлар кенг тасвирланган. «Отамнинг тергов иши»да воқеалар, персонажлар, фактлар ниҳоятда кўп бўлса-да, роман ҳажман ихчам: нари борса ўн бир босма табоқ. Комил Икромов асар устида 30 йил ишлаганлигини айтади. Бошқача айтганда, ёзувчи ҳар бир воқеа, фактга катта маъно, мазмунни жо қила олган.

Романда фактлар «сочиб ташланган», воқеалар ўлда-жўлда, персонажларнинг бири тоғда, бири боғда. Масалан, Иосиф Сталиннинг набираси Ольга билан Охунбобоевнинг ўғли Каримбердини ёхуд Ботунинг ўғли Эркли Ҳодиев билан Комилнинг болаликдаги дўстлари Шурка Назаров, Серёжа Байковни қандай қилиб ўзаро «қовуштириш» мумкин? «Отамнинг тергов иши» романининг сири шундаки, «сочиб ташланган» фактлар аслида бир шоданинг доналари; тарқоқ воқеалар ички мантиқ билан уланган; турли касб, ёш, миллатдаги персонажлар қайсидир томони билан сталинизмнинг даҳшатли сиёсатига бориб уланади. Бошқача айтганда, юзлаб фактлар, ўнлаб увоқ персонажлар, характерлар, воқеалардан пайдо бўлган ихчам роман заминида пишиқ бадиий концепция яширинган. Уни лўнда қилиб «социализм узра сталинизмнинг қора кўланкаси», дейиш мумкин. Бугина эмас. Сталинизм кўланкаси ҳамон кезиб юрипти. Роман хотимасида Акмал Икромов набираси, Комил Икромов қизи — Аннанинг Иосиф Сталин набираси, Светлана Аллулиева қизи — Ольга билан бир мактаб, бир синфда ўқиганлиги айтилади. Икки ёш ўз аждоди ҳақида қандай ўйларкан? Ольга ўз бобосини оқлашга сўз топа олармикан? Анна характерида бобосининг қайси белгилари қайта жонланаркан? Романда келажакни сталинизм кўланкасидан сақлашга интилиш бор: «Китобхон! Фарзандларинг, набираларинг бўлса, бу китобни огоҳлантириш сифатида ўқигин. Фарзандларингнинг тақдири меникидай, бахтли якунланмаслиги мумкин».

Акмал Икромов билан илк учрашувларининг бирида Лев Захарович Зелькин (Комил Икромовнинг она томонидан бобоси — А. Р.): «Унутмангки, Акмал, мен фақат Октябргача большевикларга овоз берганман», дейди. Аввалига бу гапга ҳеч ким эътибор бермайди. Бора-бора ўша гап «жонлана боради». Хаёлингизга М. Горькийнинг «Бемавруд фикрлар»и, В. Короленконинг В. Луначарскийга йўллаган мактублари келади. Бу гапни бевосита романга татбиқ этсак, кекса коммунистларнинг НЕБОнинг (НЭП) Сталин томонидан нотўғри қўллаганлигини Комилга сўзлаб беришлари, асар муаллифининг инқилоб ва инқилобчиларнинг аянчли тақдирлари хусусидаги мушоҳадалари эсимизга тушади.

Бухарин, Риков, Бессонов, Хўжаев, Икромов, Крестинский сингари инқилоб бешигини тебратган, Ленин билан бир сафда туриб меҳнат қилганларнинг устидан ўтказилаётган суд спектаклининг ўзиёқ сталинизм сиёсатининг асл қиёфасини кўрсатади.

К. Икромов ўрни-ўрни билан судланувчилар ҳолатини, руҳий кечинмаларини акс эттирувчи тасвирларни, портретнинг кўз илғар-илғамас чизиқларини бериб боради. Шундай тасвирларнинг бирида Акмал Икромовнинг қора курсининг бир чеккасида ғарибона, хаёл денгизига ғарқ бўлиб ўтирганлиги кўрсатилади. Акмал Икромов шу топда нималарни ўйлаётган, қайси қилмишларини хотирлаётган бўлса? Эҳтимол, «рисқуловчилик», «иноғамовчилик» номини олган сиёсий кампаниялар илдизини қидираётгандир; миллий ўзига хослигини тиклашга жиндаккина ҳаракат қилгани учун миллатчиликда айбланган, қамалиб кетган дўсти Ботуга, Маннон Рамзга жони ачиётгандир; коллективлаштириш сиёсатининг аччиқ сабоғи — 1933 йилдаги қаҳатчилик даҳшатлари кўз ўнгида намоён бўлаётгандир.

К. Икромов бирон масала хусусида мушоҳада юритса, А. Икромов, Н. Бухарин сингари сиймолар фикрини давом эттираётгандай бўлади улар характеридан келиб чиққан ҳолда иш кўради. Масалан, Евгения Львовна Зелькина ўн бир ёшида Ленин ордени билан мукофотланган, тилларда достон бўлган пахтакор қиз — Мамлакат Наҳангова ҳақида эрига — А. Икромовга таажжубланиб сўзлайди. Наҳотки, она сути оғзидан кетмаган қизалоқ ҳар куни 100 килодан пахта терса, стахановчилик ҳаракатига янгича йўналиш берса?! Бўрттириш ҳам эви билан-да! Комил Икромов 70-йилларда авж олган қўшиб ёзишлар, сохта дабдабалар илдизини Мамлакат Наҳангова «қаҳрамонлиги» тарихидан излайди.

Романда икки тоифадаги раҳбарлар образи кўзга ташланади. Ф. Хўжаев, А. Икромов, Н. Бухарин. Н. Крестинский сингари раҳбарларда ленинча хислатлар — коллективизм, камтарлик, устиворлик, баҳс-тортишувга ўчлик сезиларди. А. Икромов Сталин билан неча бор баҳслашган, йиғилишларда ўз қарашларини баён қилган эди. Ф. Хўжаев ҳам мустақил равишда қарорлар қабул қилар, вазият тақозосига кўра иш юритарди. Сталинизм кадрлар етиштиришда алоҳида йўл тутди: 1937 йилдан кейин пайдо бўлган раҳбарлар юқорининг қош-кўзига, кайфиятига қараб иш юритар, кўпинча юқоридан бериладиган топшириқларни ҳаётга жорий қиларди. Раҳбар кадрларни фақат юқори тавсия этар, тасдиқларди. Бу масалада демократияга ўрин қолмади ҳисоби.

«Отамнинг тергов иши» романида муаллиф фақат ҳақиқатни ёзганлигини таъкидлайди. Ҳақиқатга содиқ қолиб отаси фаолиятидаги камчиликлар — Сталин сиёсатини кўр-кўрона қўллаганликларини танқид қилади. Лекин романда субъектив тасвир, муносабат гоҳ-гоҳида сезилиб қолади. Бошқача айтганда, Комил Икромов ҳақиқатгўй ёзувчи, айни вақтда А. Икромов фарзанди эканлиги сезилиб қолади. Ёзувчи-фарзандликнинг мақтовига молик томонлари ҳам талайгина: муаллиф А. Икромов оиласини, авлодларини, шажарисини эринмай аниқлайди. Акмал Икромовнинг «Чиғатой гурунги» аъзоси бўлганлиги, Элхон тахаллуси билан шеърлар битгани кўпчиликка маълум эмас эди. К. Икромов отаси билан Ф. Хўжаев ўртасида келишмовчилик бўлганлигини ёзади-да, Ф. Хўжаев образини чизишда қора бўёқни мўлроқ ишлатади. Усмон Юсупов образи деярли салбий йўналишда тасвирланади. Тўғри, У. Юсупов ўз даври, муҳитининг кишиси эди. Аммо уни маънавий бузуқ, яширин виночилик корхонасининг, махсус ферманинг хўжайини сифатида кўрсатиш, Ўзбекистондаги қатли омнинг бош ташкилотчиси қилиб тасвирлаш унчалик ўринли бўлмаса керак. Шароф Рашидовнинг фаолиятидаги камчиликлардан ташқари, унинг жангдан қочганлигини, отаси чор охранкасида ишлаганлигини исботсиз айтиб ўтишнинг ўзи кифоя эмасдай туюлади.

ҲАБИБУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ «Қодирийнинг сўнгги кунлари» хотира қиссаси ҳақида гап борар экан, фарзанд-ёзувчи масаласига яна тўхталиб ўтишга тўғри келади. Ҳабибулла Қодирий Комил Икромов сингари, отаси туфайли жабр-жафо кўрди: ўн йил қамоқхонада бўлди, «халқ душманининг боласи», деган ҳақоратлар жонини жаҳонини ўртади. На Ҳабибулла Қодирий, на Комил Икромов фарзандлик бурчига заррача хиёнат қилмадилар. «Отамнинг тергов иши», «Қодирийнинг сўнгги кунлари» асарлари фарзандларнинг мангу сўзи сифатида яшайверади. Комил Икромов ҳақиқат йўлидаги кураш эстафетаси фарзандлар қўлига ўтаётганини айтган бўлса, Ҳ. Қодирий ўз қиссасининг «Сўзбоши»сида «...муҳим ва машаққатталаб ҳужжатларни архивлардан излаб топишда менга ўғлим Хондамир... катта ёрдам берди», — деб ёзади.

Ҳабибулла Қодирий қиссасида Абдулла Қодирийни инсон, санъаткор сифатида улуғлаш аниқ сезилади. Лекин «Қодирийнинг сўнгги кунлари»да ҳақиқий санъат асарига хос концепция мавжуд. Комил Икромов романидаги ҳар бир факт, воқеа, персонаж, характер йўналиши бош концепцияга бориб уланади. Асар концепциясини уқиб олган китобхон факту воқеаларнинг ички мазмунини англаб боради. Санъатнинг нодир намуналарида (К. Икромов асари юксак санъат асариликка даъвогар эмас) бадиий концепция ва асарнинг ички тўқимасида чуқур алоқадорлик мавжуд бўлади.

Адабий танқид

Ҳабибулла Қодирий қиссасидаги воқеа-ҳодисалар, факту ашёлар заминини кўраман, улардаги ички боғлиқликни топаман, десангиз анча мушкул аҳволга тушиб қоласиз. Қисса шошиб ёзилганлиги воқеа-ҳодисаларда ички боғлиқликка етарли эътибор берилмаганлиги сезилади. Ҳ. Қодирий «Отам ҳақида» хотиралари устида қунт билан ишлади. Тўғрироғи, муаллиф хотиралар китоби устидаги меҳнатини узлуксиз давом эттирди: «Отам ҳақида»нинг иккинчи, тўлдирилган нашри фикримиз далилидир. «Қодирийнинг сўнгги кунлари»га «Отам ҳақида» хотирасига сиғмай қолган, янги топилган, ниҳоят, автобиографик характердаги материаллар киритилган. Шундай экан, қиссанинг номини «Қодирийнинг сўнгги кунлари» деб номланишиёқ ўзини оқламайди.

Ҳабибулла Қодирий қиссаси фикшен — тўқилган, эрмак учун ёзилган асармас: унда ҳақиқат акс этган. Лекин бу ҳақиқат бадиий жиҳатдан исботланганми? Бадиий асар изчил қонуниятларга, гўзаллик талабларига биноан яратилади. Бадиийлик — яхлитлик, мукаммаллик, изчил концепция. Концепция — санъаткорнинг борлиғи, замон шамоллари, сиёсат тазйиқига бўй бермайдиган асос. Етук бадиий асар ортиқча сўзни, номувофиқ тасвирни, «ишсиз» персонажни ҳазм қилолмаганидай, таркибидаги бironта сўзни ҳам чиқариб ташлай олмайди, мукаммалликка путур етказадиган ҳақиқатга қарши бош кўтаради. Бадиийликнинг мана шу талаби билан «Қодирийнинг сўнгги кунлари»га ёндашсак, ҳавас қилиб бўлмайдиган ҳолатнинг гувоҳи бўламиз: «михлаб қотириб ташланмаган», осонгина «кўчиб кетадиган» материаллар сероб. Қиссанинг мутаносиб шакл-шамойили йўқ. Наҳотки, бадиий асар бутун-бутун тақризу мажлис қарорларини ҳазм қилиб юбораверса?! Асарда ўйлаб топилган, сабаби бошқа ёкда бўлган воқеалар бор. Мар Бойжиев деган машҳур драматург бўлмаса, қиссага Тайшен Бойжиев ҳақидаги хотира киритилмасди.

Фактлар обдон ўрганилиб, мазмун ҳар томонлама «чақиб» кўрилгач, ҳужжатли-бадиий асарларга киритилиши керак. Хом материал, ғўра фактлар бадиий асарни «касал» қилиб қўяди. «Қодирийнинг сўнгги кунлари» қиссасида «Жосуслар союзи» боби қалтис кўринади, отилишга шай сопқонга (отилмай қолсачи?!) ўхшайди. Мазкур бобда ўз ҳамкасбини берилиб тергов қилаётган Абдулла Қаҳҳор; тергов саволларига содда, самимий жавоб бераётган Элбек; ҳазил-ҳузул йўсинида айтилаётган, аслида зил мазмунни ташувчи гапларнинг «эгаси» Ғафур Ғулом; Абдулла Қодирий ҳовлисига қисиниб-қимтиниб, сертавозеълик билан кириб бораётган Ҳамид Олимжон; совет ёзувчисининг бахти, замонага садоқат билан хизмат қилиш ҳақида тўлиб-тошиб гапираётган Яшин; халқ душманларини фош қилиб, сиёсий ҳушёрлик намунасини кўрсатган Ойдин; «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» рисоласи учун жавоб бераётган Ойбек ҳамда халқ душманларини фош қилиш ишида қатнашган Уйғун, З. Фатхуллин, Қ. Берегин, Т. Рустамов, А. Раҳмат, Ш. Сулаймон, Н. Охундий, М. Абдуллаев сингариларнинг ярқ этиб кўринган қиёфа, ҳолатларини кузатамиз. Номи элга танилган ижодкор борки, машъум сиёсий кампанияда қатнашган, биз билмайдиган (кошки эдики уларни шу алпозда кўрмасак) томонларини намоён этган. Ёзувчилар союзида рўй берган шармандали жараёнга СССР Ёзувчилар союзи Ўрта Осиё миллий секторининг инструктори А. Шаповалованинг Қ. Берегинга йўллаган қисқагина буйруқ-мактуби сабаб бўлади. Ўша мактуб Сталин репрессиясининг совуқ нафасини Ёзувчилар союзига олиб кирди, ададсиз фожиаларга туртки бўлди.

Мамлакатда бошланган сиёсий тўфондан ёзувчилар четда қолишлари мумкин эмас эди. Лекин улар тўфондан омон чиқишнинг бошқача йўлини топишлари мумкинмиди? Ўша шароит, ўша муҳит, ўша даврдаги тафаккур билан ўзгача йўлдан бориш мушкул эди. Агар бошқа йўл бўлса, мамлакатнинг энг ақлли, сиёсатдон кишилари — Бухарин, Риков, Хўжаев, Икромов уни топган бўлардилар. Ҳозир гап ўша муҳитда янги йўлни топиш ҳақидамас, қатли ом қиличи бошлар устида яланғочланиб турган шароитдаги кишиларга муносабат ҳақида бориши керак. Қоралаганлар ҳам, қораловчилар ҳам фожеий ҳолатнинг иштирокчилари эдилар.

Ҳабибулла Қодирий қиссаси 80-йилларда, янгича тафаккур нишоналари кўзга ташланиб, ошкоралик, демократия эпкини эса бошлаган бир пайтда ёзилди. Ҳаётимиздаги янгиликларни санъаткорлар биринчилардан бўлиб ҳис қилдилар, янги руҳдаги асарлар ёза бошладилар. «Қодирийнинг сўнгги кунлари» қиссасида даврнинг ошкоралик имкониятидан унумли фойдаланилган. Лекин унда ошкораликнинг эши — демократия, инсонни ардоқлаш, эъзозлаш сезилмайди. Қиссадаги «Жосуслар союзи» боби аринининг инига тиқилган таёқ вазифасини ўтаган. Гап ўзбек совет адабиётининг классиклари бўлиб қолган Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон сингарилар ҳаётидаги салбий томонлар кўрсатилганида ҳам эмас. Мен «баланд дорга осилинмасин» — ўзбек совет адабиётининг классиклари бўлиб келган ёзувчилар асарларидаги камчиликлар, эстетик принципларидаги хатоликлар айтилмасин, тарзидаги фикрларга зинҳор қўшилмайман. Ёзувчилар ижоди, ҳаёти ҳақидаги принципиал гап айтилиши керак. Лекин у ҳар томонлама исботланган фактлар асосида айтилиши, гуманистик концепцияга асосланиши зарур. Биз шундай гапиришимиз керакки, гапимиз адабиётимиз тараққиётига хизмат қилсин, хато қилганларни чуқур ўйга толдирсин, китобхонда қониқиш ҳосил қилсин. «Қодирийнинг сўнгги кунлари» қиссасининг муаллифи жабрланган отанинг ўғли сифатида куйиб-ёнади, туйғуларга эрк беради. Муҳими, Ҳ. Қодирий кўп ўринларда 30-йиллар кишиси сифатида фикр юритади. Ойдиннинг, масалан, миллионернинг қизи, букур аёл бўлганлиги, умуртқа сили билан оғриганлиги ўринсиз айтилади. «Х»нинг «З» га уйланиши воқеаси зинҳор бадиий асарнинг материали эмас. Ғафур Ғулом Абдулла Қодирийга (фақат унгагинамас) нисбатан ноҳақликлар қилган экан, уни ўринлатиб, ўзгаларга ҳам сабоқ бўладиган тарзда айтиш жоиз эди. Қиссада шундай майда гаплар айтиладики, улар Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Яшин, Зулфия, Уйғуннигинамас, Абдулла Қодирийни ҳам майдалаштириб қўяди. Мана ярим асрдирки, ўқувчи-китобхонлар қалбида ўзбек адабиётининг забардаст намояндаларига нисбатан меҳр уйғотдик, уларни гўзаллик яратувчилар сифатида тасдиқладик. «Қодирийнинг сўнгги кунлари» қиссасидаги ҳар томонлама ўрганилмаган фактлар, бошқа ёзувчиларга нисбатан ҳозирги пайтда айтилаётган фикрлар миллионлаб китобхонларни саросимага солиб, боши берк кўчага киритиб қўйяпти. Одам бир сўм пул йўқотса, ачиниб кетади. Унинг қалбидаги бойлик тортиб олинса, заррама-зарра пайдо бўлган эътиқод инқирозга учраса, қандай аҳволга тушиб қолишини тасаввур этиш қийинмас.

ҲАМИД ҒУЛОМНИНГ «Вафонинг узун йўли» хотираларида 30-йиллардаги Тошкент, унинг қиёфаси, руҳи ишонарли берилган. Асар «Машъал», «Мангулик»нинг ёзилишига туртки бўлган воқеалар, бу асарлардаги қаҳрамонлар прототиплари кўзга ярқ этиб ташланади.

Ҳ. Ғулом хотиралари «ўзини ўзи сургун қилиш», боши оққан томонга жўнаш аҳди билан уйидан чиққан йигитча саргузаштлари баёни билан бошланади. 1937 йилда тоғу тошларга қочиб кетиш, ўзини панароқ олиб юриш, кўккисдан «касал» бўлиб қолиш ҳоллари учраган. «Қодирийнинг сўнгги кунлари» қиссасида Маннон табиб бемор Ҳабибуллага қуйидагиларни тайинлайди: «...дадангга бориб секин айт, у албатта ўзини Тошкентдан четроққа олсин... Тожикистон томонларга бориб, тоғ-тош қишлоқларда соқол-муртини ўстириб, эшак арава миниб бир тирикчилик ўтказиб юрсин. Бир кун манови алғов-далғовлар босилиб, «омон-омон» бўлганда яна қайтиб келар. Бу сўзимни дадангга албатта айт, жон болам». Комил Икромовнинг романида худди шунга ўхшаш гап бор. Ишдан олинган Акмал Икромов хавф-хатардан дўстлари, яқинларини огоҳ қилишга шошилади.

Ҳамид Ғулом тобора катталашиб бораётган гап-сўздан ўзини четга олади: Душанба шаҳрига бориб қолади. У ерда соддадил, самимий Абдулҳай билан танишади, ишга жойлашгунича уникида яшайди. Шоир Ашурмат тавсияси билан «Қизил Тожикистон» газетаси редакциясига ишга жойлашади. Газета редактори ёш шоир, журналистдан ёрдамини аямайди. Хотираларда Ҳамид Ғулом Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг ходими Бобожон Ғафуров билан танишганини, бу одам унга кўп яхшиликлар қилганлигини алоҳида ҳурмат билан ёзади. Тошкентга қайтгач, Ҳ. Ғуломнинг шахсий ҳаёти йўлга тушиб кетади, ижодкор сифатида обрў қозонади. У ҳамиша партиянинг содиқ аъзоси сифатида иш юритди, раҳбарлар, машҳур кишилар ҳурматини қозонди.

Ҳамид Ғулом ўз хотираларида ҳаётининг мазмуни, барча ютуқларининг сабабини муҳаббатга, вафога келтириб улайди. Менимча, хотиранинг мана шу ўринларида ўйлаб топилганлик — фикшен сезилади. Ёзувчи ўз ҳаётидаги мураккабликлар ҳақида гапириб туради-да, кутилмаганда севги, вафо ҳақидаги чекинишга берилади. «Вафонинг узун йўли»ни Ҳ. Ғулом турмуш ўртоғи Манзурахонга бағишлайди. Севги дамларини эслайди. Тўй оқшоми, висол онларини хотирлайди. Буларнинг барчаси тўғри, ҳаётий факт. Лекин хотиралар моҳияти интим ҳаёт доирасига зинҳор жо бўлмайди.

Хотираларда Ҳ. Ғулом табаррук ёшдаги онаси ҳақида ҳурмат билан ёзади. Ёзувчи ўз онаси билан Содиқа амма хусусида гаплашади, Акмал Икромовга қариндош эканлигини билиб олганидан қувониб кетади. Хотираларнинг шу ўринлари ҳам кишини ишонтирмайди. Акмал Икромов қамалиши билан кўпчилик қариндошлар ундан юз ўгирган бўлишлари мантиққа тўғри келади.

Ҳ. Ғулом хотираларининг пировардида мардлик билан битилган бир жумла бор: «Аммо, неки бахтсизлик, кулфатлар бошимга тушган бўлса, жудоликлар, аламлар, ҳурматсизликлар кўрган бўлсам энг яқин кишимга берган сўзимга вафо қилмаганимдан, деб биламан». Бу жумла ҳақида анча фикр юритиш мумкин эди. Эҳтимол, Ҳ. Ғулом хотиралар ёзишни давом эттирар. Ажаб эмаски, ўшанда юқоридаги етим жумлани яратган воқеа-ҳодисалар ойдинлашар. Ҳар бир шахс, айниқса, ижодкор одам ҳаёти катта-кичик драмаларга, зиддиятларга бой бўлиши табиий. Ўша драма-зиддиятларни жасорат билан ёза олган одамгина китобхон кўз ўнгида мураккаб шахс сифатида гавдаланади.

КОМИЛ ИКРОМОВ, Ҳабибулла Қодирий, Ҳамид Ғулом асарлари яқин тарихимизнинг фожиавий дамлари ҳақида кенг маълумот беради. Бу асарлар бадиий жиҳатдан бир хил эмас. Ҳаётий фактлар мазмунини кенг ёритиш, бадиий концепция яратиш масаласи ушбу асарлар қиёфасини очиб бериш имконини беради. «Отамнинг тергов иши», «Қодирийнинг сўнгги кунлари», «Вафонинг узун йўли» китобхон қўлига эндигина етиб борган асарлар: улар ҳақида кўплаб танқидий асарлар ёзилади, деган умиддамиз.

Саидаҳмад Сиддиқий-Ажзийнинг 125 йилл

«ШИНЕЛЬ»НИНГ БИРИНЧИ УСТ

АЖЗИЙ КЕНГ ҚУЛАМЛИ истеъдод соҳиби эди. У ўз даврининг кўзга кўринган зуллисонайн шоири, публицисти, мутаржими ва педагоги сифатида Туркистонда асримиз ибтидосида туғилаётган янгича ижтимоий-бадиий тафаккурга салмоқли ҳисса қўша олди. Бинобарин, адиб юртимизда рўй берган инқилобий ўзгаришларни «Зулм кўрган кунларинг энди фаромуш ўлғуси», дея улусга хушният билдириб қаршилайди. Ажзий кексайган чоғида ҳам ҳароратли қаламини қўлдан қўймай, халқига хизмат қилиб кетди. Бироқ, афсуски, маданиятимизнинг бу йирик заҳматкаши қолдирган адабий-маданий мерос унинг ўзи суйган элига етказиб берилмагани устига ҳали тузукроқ тўплаб, тадқиқ этилмаган ҳам.

Ажзий маърифатчи эди. Унинг бутун ижодий ва ижтимоий фаолиятида элга илм, маърифат тарқатиб, унинг кўзини очиш ғояси марказий ўрин тутади. У уйғонган, зиёли халқ ўз саодат йўлини муқаррар топишига ишонади.

Шу боисдан у фақат шоирлик истеъдоди билан эмас, балки араб, форс ва рус тиллари ҳамда адабиёти соҳасидаги кенг филологик билими, шунингдек, техникавий малакаси (у яхши соатсоз ва тикувчи-машиначи ҳам бўлган) билан ҳам халқимиз маданий даражасини кўтаришга ҳаракат қилган. Мураббий адиб ўзи очган мактабларда ўзбекча, тожикча, арабча дарс ўтишдан ташқари рус тили ва адабиётидан ҳам сабоқ берган.

Ажзийнинг таржимонлиги кўп қиррали фаолиятига узвий боғланиб, унинг асосий мақсадига хизмат қилади. Биз ижодкорнинг мутаржим сифатидаги сиймосини бироз равшанлаштириш ниятида Н. В. Гоголнинг «Шинель» повести таржимаси хусусида мухтасар фикр билдирмоқчимиз.

«Ўзбек Совет Энциклопедияси»да Ажзийнинг бу қиссани 1908 — 1910- йиллари ўзбек ва тожик тилларига таржима қилгани ҳақида маълумот берилган. Бироқ бу таржималарнинг матни илмий жамоатчиликка маълум эмас.

Мазкур қиссанинг ўзбекча таржимаси биринчи марта «Маориф ва ўқитғувчи» журналининг 1926 йилдаги 1—3-сонларида «Ғарб адабиёти», рубрикаси остида босиб чиқарилган. Журналнинг ҳар бир сонида «Шинель» сарлавҳаси қўйилиб, «Гоголдан» дея муаллифи кўрсатилган. 1—2-сонларида таржимоннинг номи йўқ. 3-сонда эса сарлавҳа ва муаллиф номи остидан ҳам, таржима матни охирида ҳам «С. А. Сиддиқий» номи кўрсатилган. Мутаржим имзосидан сўнг «Самарқанд. 1924 йил, март» деган ёзув бор. Бу маълумотлар таржиманинг юзага келган вақти ва унда мутаржим қўллаган ижодий принципларга тегишли баъзи хулосалар чиқаришга имкон беради. Аввало, кўрсатилган муддат таржима тугалланган вақтига тегишли бўлса керак, иккинчидан, «Гоголдан» деган сўздан сўнг Сиддиқий номининг келтирилиши таржимада муайян ўзгаришларга йўл қўйилганлигига ишорадир.

Дарҳақиқат, таржима аслидагидан анча қисқартириб олинган. Лекин қисқартиришда ҳам қисқартириш бор. Аззий таржимасидаги тушириб қолдиришлар муайян мақсадни кўзлаб, атайлаб қилинганки, бу махсус мулоҳаза юритишга ундайди.

Маълумки, Н. В. Гоголнинг «Шинель» повести қабоҳат муҳитида хўрланган камтар, камсуқум, хоксор «кичик одам» фожиасини кўрсатиш билан рус адабиётида «натурал мактаб» деб номланган бутун бир адабий оқимни бошлаб берган асардир.

Адолатсизлик замонида «улуғлар» ва «кичиклар» ўртасидаги кескин тафовутни, бирининг ҳамма нарсага қодир соҳиби қудрат ва жобир, иккинчисининг ҳуқуқсиз, ҳам моддий, ҳам маънавий эзилган, таланган, жабрдийда ҳолатини тасвирлаш билан ёзувчи бир томондан ижтимоий ҳақсизликка кучли норозилик билдирса, иккинчи томондан, инсонпарварликка, мушфиқликка чақиради. Шуниси муҳимки, повестда Гоголнинг бош қаҳрамон Башмачкиннинг аянчли аҳволига муносабати, ачиниши, қайғуриши очиқ сезилмайди. Қиссадаги ровий, яъни қиссагўй билан ёзувчи бир киши эмас. Ровий қаҳрамоннинг турмуш тарзи, феъл-атвори, қиёфаси, хатти-ҳаракатларини киноявий оҳангда юмор билан ҳикоя қилади. Шунинг учун ҳам «Шинель»да қиссагўйнинг ўзига хос усулларидан ташқари, сўз ўйинлари, ҳатто товушлар, ҳарфлар воситасида кулги яратиш ҳоллари тўлиб-тошиб ётибди. Қиссагўй Башмачкин саргузаштларини баён эта туриб, кўпинча «лирик чекиниш»ларга берилади, бевосита қаҳрамоннинг ўзига тегишли бўлмаган «тафсилот»ларни айтишга ўтиб кетади. Буларнинг ҳаммаси Гоголь услубига хос воқеа ва ҳодисаларни киноявий оҳангда кўп қатламли тарзда тасвирлаш усулидир. Эзмаликка, «ўтлаб кетиш»га ўхшаб туюлган бундай тасвирда аслида ўзига хос система бор, «ортиқчалик» бўлиб кўринган нарсада зарурийлик мавжуд. Бу европача насрий анъаналар руҳида тарбияланган китобхон идроки илғаб олиши мумкин бўлган адабий усуллардир.

АЖЗИЙ «ШИНЕЛЬ»ни таржима қилган пайтда ўзбек китобхонларининг кўпчилиги бундай услубдаги асарни «ҳазм» этишга ҳозир эмас эди. Чунки ҳали адабиётимизда реалистик наср анъаналари эндигина қулоч ёзаётган бир давр бўлиб, Абдулла Қодирий ибораси билан айтганда, «аҳллари етишмаган» эди.

Бу ҳол, табиийки, таржимон олдига муайян қийинчиликларни кўндаланг қўяди, уни китобхон диди ва савияси билан ҳисоблашишга мажбур қилади. Бунинг устига мутаржимнинг ижодий тафаккур доираси ҳам адабий муҳитнинг даражасига боғлиқ. Бинобарин, таржимоннинг қалам суриш усулини, ижодий методини белгилашда булар муҳим аҳамият касб этади. Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ажзийнинг ижодий нияти Башмачкин фожиасини, шу фожиага олиб келган оғир турмуш ва ҳаётий муносабатларни кўрсатиш бўлган. Бундай режа, аввало, қиссада Башмачкинга бевосита тегишли бўлмаган тафсилотларни, аниқроғи, ўша тафсилотларсиз ҳам Башмачкиннинг ҳаётига боғлиқ воқеалар тушунарли бўладиган ўринларни қисқартиришга олиб келган. Натижада таржимада давлат маҳкамалари ҳақидаги кириш ҳам, Башмачкинга Акакий исмининг қўйилиши билан боғлиқ машмашалар ҳам, тикувчи Петрович хусусидаги тафсилот ҳам, Башмачкин вафотидан кейинги унинг арвоҳи ва генералга оид воқеалар ҳам тушириб қолдирилган.

Таржима ўқувчига тушунарли бўлиши учун аслият матни услубан соддалаштирилган, баён халқ оғзаки ижодига яқинлаштирилиб, «эди», «экан» каби тўлиқсиз феъл шаклларидан кенг фойдаланилган. Бундан ташқари, воқеаларнинг муайян босқичини сарлавҳа қўйиб ажратиш (масалан, «Янги шинель баёнида») ёхуд бевосита ўқувчига мурожаат қилиш (масалан, «...бунинг тафсили шундайдир») ҳадислари ҳам ана шу мақсадга қаратилгандир.

Аслиятдаги маънонинг англашинувини таъминлаш учун мутаржим яна қуйидаги тадбирларни оширган:

1. Баъзи
матн остида изо
Масалан, «Копот»
ларнинг узун кўйл
2. Ўзбек турму
бўлмаган сўзлар,
нинг русча кўрини
лан бирга ўзбекча
си ҳам берилган.
зан русчаси, баъ
часи қавсга олинг
лан, умрий му
(вечный титулярн
ник), чиновник (м
балик киши);
3. Айрим русча
матн ичида ўзбек
ловчи сўз билан қў
ган. Масалан **в де**
те — департаме
масида.
Кўрилган тадор
бек ўқувчиси ма
ни кўзлаб қилин
да, Гоголнинг ёзу
луби ҳақидаги
хиралаштириши
роқ, шуни таъки
ки, таржиманинг
ларида Ажзий ас
сўз танлаш маҳор
сата олган. Баш
разини жон
унинг нутқига хо
ларни акс эттири
ган ва асосан бун
ган ҳам. Масалан,
кин жиғига тегиб,
ладиган чиновни
рата «Ҳоли-жоним
лар, нечун мени
сиз?», дея зорлана
унинг бу илтижос
маъно касб этади
этих проникающих
нели другие слова
твой» — Бу
ларда бошқа оҳан
рар эди: **«Мен**
дошингизмен»,
раганда, «брат»
жумладаги энг я
били «биродар» сў
ди. Бироқ, эътибор
Башмачкиннинг ам
га зорланишида
нинг қариндо
деган маъно эма
«мен ҳам сизлар
одамман, инсон з
деган маъно бор
бўлади. Шундай
зий бу ботиний ма
лаб таржима
унинг Гоголь қис
қур ҳис эта ол
далолат беради.
Энди Башмачки
каю-ягона
даги ҳолат
«Он чувст
минуты,
новая ши
раз даже усмехну
внутреннего удов
— **«Ул ҳар дақиқ**
ҳар бир нафас т
нида янги шине
сезмакда ва
шиддатидан ку
эди».
Бунда аслият
жимани агар
биллик жиҳатид
сак жуда кам я
миз, лекин ҳолат
тасвири жиҳатид
моман ўхшашди
таржиманинг му
асли ўзи шу.
ТАРЖИМАД
сўз ва ибор
талқин этилган
учрайди. Бир м
кувчи эски шин
«Нет. нельзя
худой гардероб
Бу ерда «шине
у сақланадиган
сўзи билан ифо
бекча «этигинг
га ишлатилади
кий» қабилида)
эса чалкашиб
омбор деб ўги
ёмон бўлгон к
тиб бўлмайдур
ғон, ёмон кий
Бу тарздаги
ларнинг қал
мада бўлиши
назаридан о
ҳолдир. Аслия
ра бўйлашиб
жималар эса
иши эди.
Гоголнинг
ти тилими
лик 1931 й
орадан 20 йил
Аҳророва том
ма қилинди.
Достоевский Г
нинг рус адаби
ган бекиёс та
бериб, «Биз
голнинг «Шин
қанмиз», деган
мумкинки, Го
ўзбек тилидаг
малари ҳам
Саидаҳмад С
даставвал
«Шинель»дан

Абдусало

ЖУРНАЛХОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмасида РСФСР Ёзувчилар уюшмасининг органи «Наш современник» журнали редакцияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Олмалиқдаги кимё заводи ишчилари илтимосига биноан бадиий адабиётни тарғиб қилиш бюроси таклифига кўра жумҳуриятимизга келган журнал вакилларидан — бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Валентин Свининников, ёзувчи Александр Бойкушев, журнал фаолларидан, «Советская Россия» нашриётининг бош муҳаррири Сергей Журавлев, назм бўлимининг мудири Геннадий Касминин, РСФСР Ёзувчилар уюшмаси бадиий адабиётни тарғиб қилиш маркази директорининг ўринбосари, ёзувчи Анатолий Анисимов ва бошқалар қатнашдилар.

Учрашувни Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг биринчи котиби Одил Ёқубов кириш сўзи билан очди ва жумҳуриятимиздаги иқтисодий, ижтимоий, маънавий жабҳада юз бераётган ўзгаришлар билан меҳмонларни таништирди. В. Свининников журнал амалга ошираётган ишлар ва олдида турган вазифалар хусусида фикр юритди.

— Кейинги йилларда мамлакатимизда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам аллақачон ҳал қилиниши керак бўлган кўп масалалар йиғилиб қолганлиги маълум, — деди у. — Бу ўринда, биринчи навбатда, экология масаласини тилга олиб ўтишни истардим. Ўзбекистон замини ниҳоятда гўзал, ери унумдор, ҳавоси тоза, суви ширин ўлка эди. Эндиликда ўлканинг ана шу бойликлари топталди. Бунинг устига яна унинг ягона денгизи — Орол қуримоқда. Болалар ўлими кўпаймоқда. Шунинг учун ижодкорлар, айниқса матбуот органлари бир-бирлари билан адабий ҳамкорликларни кучайтиришлари керак.

Учрашувда миллий тилларни ривожлантириш, халқларнинг ўзига хос урф-одатларини сақлаб қолиш масалалари хусусида ошкора фикрлар алмашилди. Адиблардан Пиримқул Қодиров, Шукур Холмирзаев, Зоҳир Аълам, Мамадали Маҳмудов, Станислав Кулиш, Ҳаким Назир ва бошқалар ана шу масалалар хусусида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Ке-
йинги йилларда
менник» журна
адиблари ўрта
камайиб кетди
ларимизнинг
да кам нашр
рашув иштиро
нал РСФСР
органи, унда
салалари ва
тимоий турму
асосий ўрин
фикрлари ҳ
нинг ўрнини
Учрашувда
шу муаммола
қаратиши зар
ланди.
«Наш совре
ли ходимлари
лиқда кимё
саройида, Чирчиқда
тикувчилик фабрика
дустрия техникуми
бод шаҳар
учрашувлар

НАЗМ, НАСР

Жуманиёз ЖАББОРОВ

ЭЛ ҚАТОРИ

ремонт бошладик, ичида яшаб туриб,
деразасин олиб ташлаб баралла.
и ҳам очганмиз шифер — тахтасин суриб,
қиш деб турмадик, ишлаб кетди-да калла.

ом тупроқ-чанг қўзғолади шамолда,
ўзларимизга қараб уялар ойнак.
— егулик деган осиғлик турар толда,
кетган мошиндан ҳалиям йўқдир дарак.

ҳам омонат, бўёқ, цемент ҳарёқда,
шиддатидан, гоҳ жаладан еймиз панд.
ушакларда ётиш деган қаёқда,
з мих, уста, ёғочу лой билан банд.

деймиз гоҳида саломнинг ўрнига ҳам,
омас, болорни ўйлаймиз эру хотин,
топсак, бири йўқ, бири бўлса, бири кам,
штириб юбордик қарз берганларнинг отин.

маллаб топармиз фанер билан бордонни,
аги қувурга сувни улаймиз қайта.
итта хавотир: қуёш куйдирса жонни,
дим, борадиган бир парча соя қайда?

маллаб топармиз етмиш-саксон тункани,
ратив — қароқчини қолдиролсак ғафлатда.
кни-ку қуритди... қуритмоқда тинкани,
иниб қолди емакнинг ҳам саватда.

и бу ишнинг ҳали-бери адоғи,
йининг гаштини битмай суриб ётибмиз,
ун ўзин оқлагай қўлимизнинг қадоғи,
орк бизлар ҳам қайта қуриб ётибмиз.

●

ир хил жамиийки тилда,
л эрур кўз ёшлар таъми
ир тусда бор юрту элда,
л эрур тириклик ғами.
билинг, ҳар битта тақдир
нҳо, ўзича ҳақдир.

АЛДАМЧИ ХАЁЛ

Ман-ман деган шоирнинг қирққача ўтган бари,
Қирқдан кейин шеър эмас, афсоналар сўйлайсан.
Сени мафтун этолмас илҳом отлик шўх пари,
Бугунингдан кўра ҳам охиратинг ўйлайсан.

Илҳому иштиёқдан ололмадингми баҳра,
Бенашида бир жонсан, оддий гўшанишинсан.
Энди сенга бу дунё эмасдир жўшқин саҳна,
Энди залда ўтирган битта томошабинсан.

●

Сен Наврўзни олгандинг, энди ўз жойига қўй,
Уни ўз кунигаю ўзининг ойига қўй,
Табиатни ўз майли, хоҳиши-ройига қўй,
Ошини ошигаю чойини чойига қўй,
У сенга она эрур, бошингни пойига қўй.

БИР СУҲБАТИ ЗЕБО КЕРАК

Суҳбатимга бул кеча бир суҳбати зебо керак
Ҳам томошо қилмоғимга кўзлари шаҳло керак.
Боғ керакдир хилватий, кўм-кўк зилоллик бағрида
Иккимиз изҳори дил этмоққа ёр танҳо керак.
Пирпираб киприклари, лаб очсалар ҳолим сўраб,
Менга дунё илмидан қандоқ яна маъно керак?
Десаларки: «Ҳажрим ичра қийналурсанми ҳамон?»
Мен десам: «Остонангиздан менга бир маъво керак».

Десаларки: «Ишқ аро тоқат эрур олий мақом».
Мен десам: «Ҳар қандайин тоқатга истисно керак».
Десаларки: «Ишқ мавжидан ҳикоят айлагил».
Мен десам: «Ул мавжни тортмоққа буюк дарё керак».

Гоҳ табассум бирла кўнглимни этиб осмон қадар,
Гоҳ зулфин бўйидан маст ул барно керак.
Ул гапирса мен эшитсам, мен гапирсам тинглаб ул,
Дилдаги арзимни бир-бир этмоғим ижро керак.
Нуктадонким, сўзларинда қанча лутфу илтифот,
Мағзини ечмоқ учун минг оқилу доно керак.
Яхшиям дунёда орзу бор муҳаббат йўлида,
Йўқса дардинг олгали Луқмон керак, Сино керак.

ОНА ТИЛИМДА

Дунё иши шўх мавжланадир она тилимда,
Ҳар бир сўзи юз маъноли дурдона тилимда.
Изҳори кўнгил чоғи ипак товланадир ул,
Жанг лаҳзалари ғолибу мардона тилимда.
Дўстларнинг ширин даврасида ширу шакардир,
Ҳар жилваси бир гулхану гулхона тилимда.
Бор унда Навоий руҳию унда Бобур бор,
Ҳар шеваси бир қаср ила кошона тилимда.
Дунёдаги бор илму ҳунар унда жилобахш,
Сўнгсиз хазина, қомусу афсона тилимда.
Кенг бу жаҳон ичра турар ному нишонли,
Қўш дарё аро ўзбегу Фарғона тилимда.

Мирпўлат МИРЗАЕВ

ГУЛХАНИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Утди, оҳ, зулминг жонимдин, малҳами жон бер менга,
Олғали эркин нафаслар, зарра имкон бер менга,
Ён бериб келдим мудом мен, энди сен ён бер менга.
Ҳазратим очликдан ўлдим, егали нон бер менга,
Кофир ўлгайман агар десамки бахмон бер менга.
Кулбама тушсин ёруғлик, ёғдулар менга керак,
Турмушим хуррам этарга орзулар менга керак,
Манглайим янглиғ ерим шўр — ях сувлар менга керак,
Мошу буғдою гуруч бер, шулар менга керак,
Ҳеч айтмасман — ақиқу лаълу маржон бер менга.
Фикру ёдинг бунчалар банд меҳнати арзон билан,
Ҳеч бир одам ўтмагай, бил, бош эгиб армон билан,
Муомала қил менга, қилган каби инсон билан,
Эгнима ёпиқ бериб, қорнимни тўйғиз нон билан,
Сенга, биллоҳким, демасман — дину имон бер менга.
Во ажаб, кўнглинг мурувват раъйига интилмагай,
Бу феълингни гоҳида, афсус, элу юрт билмагай,
Ихтиёрингсиз сенинг субҳи сабо ҳам елмагай,
Навкаринг очликдан ўлса, нега ҳайфинг келмагай,
Эй табиби ҳозиқим, дорию дармон бер менга.

Илтижо қилдим сенга, деб бир замон эслар мени,
Худписандлик бирла сен хун айлама баттар мени,
Ҳимматингдан баҳраманд қилмоқчи бўлсанг гар мени,
Нону тўн бер, бенаволик дардидан қутқар мени,
Мен қачон айтдимки, Қорун ганжидек кон бер менга.
Эй рафиқ, ҳолим кўриб, кўзингни ҳеч беркитмагил,
Мирзо, гар шоир эрсанг, дардсиз сатрлар битмагил,
Ушбу кун на миллату, на кимсани ранжитмагил,
Гулханийни эр йигитлар тўпидан камситмагил,
Фўта бер, от бер, қилич бер, тўну чакмон бер менга.

МАШРАБ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Ғафлат элининг уфқида мен барқ уриб ўтдим.
Ҳақнинг йўлида жарчи бўлиб ҳайқириб ўтдим,
Аҳлиуламо бидъатидан юз буриб ўтдим,
Дунёга келиб ранжу балони кўриб ўтдим,
Юз ранжу бало шиддатидан ўргилиб ўтдим.
Нафсим ити гоҳ солди кўнгил мулкида яғмо,
Дунё ясаниб маъшуқадек қилди таманно,
Поклик назарим ҳеч бирига солмадим асло,
Дунёга кўнгил берган киши бўлғуси расво,
Бу фоний жаҳон мулкига шатто уриб ўтдим.
Девона юриб топди дилим ушбу маънини:
Ташлаб кетажак ҳар ким йиғиб-асраганини,
Таъма кўйида маҳв айласа кимки шаънини,
Билдим, мен ани душмани қотил эканини,
Мардона бўлиб селга этак қистириб ўтдим.
Ваҳдат сирини англа, дедим, бандаи ғофил,
Боқди ҳолима ҳайрон ўлиб жумлаи жоҳил,
Гумроҳ тошидан синди юрак кўзгуси чил-чил.
Жон олгувчи Азроил эмасдир ўзи, билгил,
Нечунки мен они билан улфат бўлиб ўтдим.
Туғён нафасим айш элининг қасрини бузди,
Садпора юрак ишқ шарарин наҳрида сузди,
Мирзо қалами дарди замон шарҳини тузди,
Машраб, сени деб, ушбу жаҳондин кўнгил узди,
Девона бўлиб андин эшоким уриб ўтдим.



Набижон ЖАЛОЛОВ

ЎЗБЕГОНА

Ўзбегона севаман сени —
Пахтамни севгандай,
Қўлда кетмон билан,
Белда нон билан.
Ялпизга суяниб, зовур бўйида
Мен сенга ишқимни айтаман:
— Оч қолсанг, кел! — дейман, —
Пахтазорга кел!
Менинг кетмоним бор,
Қаттиқ ноним бор.
Ялпизга суяниб, зовур сувига
Нонимни бўктириб,
Еяжакмиз, ер!..
Ўзбегона севаман сени...

●

Эслолмайман отамни унча,
Пахтакорми, ғаллакормиди?
Қадоқмиди қўллари ёки
Сиқим-сиқим пули бормиди?
Кўплар айтар: «Отанг айвонда
Қирқ ёшида қон қусиб ўлган...»
Шудгор ҳамон қарийб айвонда...
Демак, отам пахтакор бўлган.

ЕТМИШ ЙИЛДАН СЎНГ

(Инқилобни ўйлаб)

Етмиш йилдан сўнг,
мен кичик одам
торгина сандалга тиқилиб,
Суяниб лой сувоқ деворга,
Ленин китобига тикилиб,
Инқилоб ҳақида ўйламоқдаман.
Пахтазор бошланар уйим ичидан,
Шифтда сичқонларнинг зўр
«намойиши»,
устимда учгувчи аэропланнинг
Шовқин қўшиғига кетар
қоришиб...
Мен эса инқилобни ўйлайман
Етмиш йилдан сўнг кулбам
ичида.

ТУШЛИКДА

Кетмон аста эгатнинг
боши узра ёнбошлар,
Шийпонгача сўқмоқнинг
тупроқлари оҳ урар.
Лойқа сувнинг дастидан
оғирлашар соч-қошлар,
Яғирланган эски шолча
топиб эъзоз, шод кулар.
Лаби учган рангсиз коса
лаб излайди лаблардан,
Шабадада қўзғалишар
тол шохида ширалар.
Сийналарнинг учи қичир,
бир таскин бор қалбларда...
Кўкрак очиқ, энди муштлар
иякларга тиралар...

Эшқобил ШУКУР

ЭЛДОШЛАРИМГА МАКТУБ

ЭССЕ

ЛАРИМ! Ўн йил бўлибдики, ўз ота га меҳмондай бориб, меҳмондай қай- р гал сиз билан дийдор кўришганимда, сткулбангизга қўниб ўтганимда сиз- нгида ва машаққатлар ўтида куйган чеҳрангизга қараб кўнглим серадан заҳматкаш Ўзбекистонни

— ингизни ҳамма нарсадан мамнун, он, зурёддан бадавлат, дастур- давлати сари зиёда, пешонаси бахтиёр кўрсатишга уринасиз.

бахтиёр кўрмоқ истайман. Сиз ҳар бирида шукроналар айтаверасиз. она... Ҳукуматга шукрона... Партияга шукрона айтганлар инсофлидир- рлар, хокисордирлар. Лекин қиб- онани эшитиш учун яралмаган, ҳақ ўрнига ёлғон топганнинг мам- ндир. Қолаверса, фақат тирик- ш эмас. Сиз эса, ҳатто ўз таназ- насиба деб тушунасиз, фожиани н тўй, дейсиз-да, шукроналар ай- қўлингиздаги нонингизни тортиб жонимни тортиб олмади, деб Кимдир меҳнатингиз эвазига батда сизни ўғрига чиқарса, · ях- етмадим, деб эчкиси эгиз туқ- Марказдан бирор ҳомий бо- чилик ҳақида сўраса, сиз тўқчи- расиз. Яъни, қайсидир бир раҳ- кетмасин деб кўнгли бўшлик қи- қайсидир бир раҳбар сизнинг риб турган елкангизга қоқади- пиллаб чанг кўтарилади) «Ба- Эҳтимол, у «Барра калла!»

илки орангиздан кимдир «Сен лисан?» деб маломат қилаётган- радку эл, ўз дўстимга ҳам ақл бў- мни айтаман, холос. Ахир, мен одиман.

●

РХОНДАРЁГА борганимда, яхши- б кечирган, элнинг гапга етар- , ёши ўтиб қолган бир элдошим

и. Чошгоҳ. Биз ҳамроҳимнинг мқўрғон — Жарқўрғон йўлида икки чети ҳам бир текис тут- нг дала... Ва тер тўкаётган қиз-

б ҳамроҳим:

нима ёзасизлар? — деб сўради.

замиз, — жавоб бердим.

ларингди биламан. Нима ҳақда сўраяпман. Қизлар ҳақидами?

саволи менга жуда майда ту- бўлса экан, мазмунини айтиб

да ҳам... — деб қўйдим.

ларимиз ҳақида ёзмайсизларми? қизнинг кийимининг размерини маса гўргайди. Индамадим.

Уни, бизнинг қизларди?

ули»сини йўл четига буриб адан тушиб, далада ишлаётган бошлади.

ёшли бўйга етган қизлар ва б келган келинчаклар...

да тўкилган гўнгни фартуққа далага ташишар ва эгатларга гўнгни фартуққа солиб бера- нинг қошига бордик. Улар тор- бердилар-да, ишларини тўх-

ҳим қизларга:

киши ёзувчи акаларинг. Силарди бир тайин деб келди, — деди.

о устларидаги кийим-бошлардан уял- ир-бирларига қараб қўйишди.

билан гурунглашган бўлдик-да, гурунглашмадик. Мен уларни бирма-бир кузатарканман, шунда ўн олти ёшлардаги қорамағиз бир қизнинг оёқлари гўнгга булғанганини, шу гўнг пешонасига ҳам тегиб, унда аллақандай ҳашорат турганини кўриб қолдим. Ҳамроҳимга қарадим. У ҳам қизнинг бу аҳволини кўриб улгурган эди.

Уларни уялтирмайлик деб ортга қайтдик. Йўлда ҳамроҳим:

— Ҳа, эски гўнг. Унда ҳар хил қуртлар ҳам бўлади. Бу қизларда нима айб? Тирикчилик деб хор бўлишяпти, — дея нолиди.

Элдошларим, сиз тирикчилик деб маъсума қизларингизни энг оғир ишларга буюраверасиз. Эркаклар қилолмайдиган ишларни улар бажарадилар. Ҳа, уларнинг озурда елкаларида гўнг ташиб юришлари, тонготардан қоронғи тушгунча вужудини далага тўкиб меҳнат қилишлари фақат ўткинчи тирикчилик учун, лекин яшаш учун эмас.

Ушанда ҳамроҳим:

— Бу қизлар ҳақида ёзоласанми? — деб сўради.

— Ёзаман, — деб жавоб бердим.

— Йўқ, ёзолмайсан, — деди ҳамроҳим. — Бу сенга бир оқбилакнинг қошу кўзини мақташ эмас.

Шундай мулзам бўлганимга тўрт йилдан ошди. Афсус, ўша қизлар ҳақида ҳеч нарса ёзолмадим. Лекин улар ҳамиша кўнглимнинг бир бурчагидан мўлтираб қараб тураверадилар.

Ўша қизнинг пешонасида кўринган ҳашорат энди менинг юрагимда ўрмалаб юргандай бўлади.

Мен шоирми, сиз элми, элдошларим?

●

ЯҚИНДА СИЗНИНГ кўп яхши ўғлонингиз, журналист Нортожи Зиёев шундай воқеани айтиб берди: «Бир бригадир акамиз бор. Кўп ишгир одам. Бир куни шу киши билан учрашиб қолдик, бир чойлашайлик деб, мени қўярда қўймай уйига олиб борди. Эшикда бизни бригадирнинг ўн беш ёшлардаги қизи кутиб олди. Акамиз қизини кўриши билан:

— Карамга дори сепдингми? — деб сўради.

— Энди сепаман, — деди қиз ийманиб.

— Нимага шу пайтгача сепмадинг? Нима қилиб ўтирибсан? — ғазабланди бригадир.

— Ҳозир сепиб ташлайман, ота, китоб ўқиб қолибман.

— Ҳе, китоб сенинг бошингди есин, — дедида акамиз қизининг юзига тарсаки тортиб юборди. Қиз ерга йиқилди».

Ҳов, элдошим! Ҳов, бригадир бобо! Сизнинг эртага сулув бўлар, она бўлар қизингиз карамга дори сепиб заҳарланганидан кўра китоб ўқигани яхши эмасми? Китоб ҳеч қачон одамнинг бошини емайди, одамнинг бошини сиз зўрлаб септирадиган заҳарли дорилар ейди.

Ҳов, бригадир бобо! Ҳов, элдошим! Оқсоқол экансиз. Элнинг олди экансиз. Сизнинг кўплаб даврадошларингизга заҳарли дориларнинг ҳалокатли таъсир кўрсатиши ҳақида биз айтсак, ишонмагандай бўласизлар. Айтасизларки: умр бўйи шу дориларнинг ичида юрдик. Бизга ҳеч нарса бўлмади-ку? Йўқ, сизга кўп нарса бўлган. Агар ҳеч нарса бўлмаганда сиз заҳарли доринииг зарарли эканлигини англаган бўлардингиз!

Кўп бўлгани йўқ... Яқин бир қариндошимнинг уйига бордим. Ҳовлига бир уюм кулдори (аммофос) тўкиб қўйилган экан. Худди шу бир уюм дорининг устида беш яшар бола ўйнаб ўтирарди. Агар австрияликлар худди шундай тушни кўрганларида уни ёмонликка йўйган бўлардилар. Бизга эса бу ҳол ҳатто табиийдай туюлади. Чунки кейинги йигирма йил ичида пахта экиладиган жойларда ишлатилган химикатлар миқдорини ҳисоблаб чиқсангиз, миллионлаб тонналарни ташкил этади. Демак, биз тупроқ устида яшаяпмизми ё кимёвий дорилар устида яшаяпмизми, билиш қийин.

Мен қариндошларимга:

— Бу қандай гап? Болани дорининг яқинига йўлатиш мумкин эмас-ку, — дедим.

— Э, у ўрганиб кетган, ҳар куни шу дорининг устида ўйнайди. Кул дорининг зиёниям йўқ, — деган жавобни олдим.

Ҳа, биз ҳам, болаларимиз ҳам ўзгадан хўрланиш у ёқда турсин, ҳатто ўз-ўзимизни хўрлашга ҳам ўрганиб кетганмиз. Биз ўзимиз сезмаган ҳолда аста-секин ич-ичдан емирилиб бораверишга кўникиб қолдик, улғайишни эса, эсдан чиқардик.

●

БУНДАН УЧ йил муқаддам Ульянов номидаги совхознинг бош агрономи Абрамат Ҳасанов катта бир йиғинда сўзга чиқиб: «Агар магазиннинг олдига бир итни бойлаб қўйса, шу ит ойига 70 сўм маош олади. Лекин эрталабдан кечгача тер тўкиб далада ишлайдиган деҳқон шу итдан кўра кам ойлик олади», деган эди.

Доно фикр! Лекин А. Ҳасанов кўп ўтмай ишдан кетди.

Элдошларим, ахир Абрамат Ҳасанов сизнинг ҳақингизни ҳимоя қилиб, сизнинг турмуш шароитингизни яхшилаш учун ҳаракат қилиши мумкин бўлган раҳбарлардан бири эди-ку. Сиз нима учун бу одамнинг ишдан кетишига бепарво қарадингиз? Ахир, Абрамат Ҳасанов сизнинг ҳаққи-ҳуқуқингиз учун талашиб, раҳбарларга емон кўриниб қолган эмасмиди?

Деҳқон бир кунлик нормани бажариш учун, яъни бир кунда 3 сўму 60 тийин пул олиши учун 12 сотих ерни чопиқ қилиши керак экан. Деҳқон деганда биз кўпинча алпомишсифат, забардаст, тоғни талқон қиладиган ўз тасаввуримиздаги бобо-деҳқонни кўз олдимизга келтирамиз. Аслида эса, деҳқон дегани бу айни пайтда далаларда тер тўкаётган қизлар ва аёллардан бошқа ҳеч ким эмас. Бизнинг тасаввуримиздаги деҳқон эса, ўтмишда қолиб кетган. Мутахассислар фикрича, қизларимиз 12 сотих ерни чопиқ қилиш учун бир кунда 10 минг 500 марта ерга кетмон уриши керак экан. Кетмоннинг ўзининг оғирлиги энг камида 3 килограмм келади. Демак, қизлар фақат кетмоннинг ўзини кўтариб ерга уриб турган тақдирда ҳам 31 минг 500 килограммлик юкни бир кунда кўтариб туширган ҳисобига ўтади. Ҳолбуки, чопиқ вақтида кетмон оғирлигидан ташқари тупроқнинг оғирлиги ҳам бор; бир қиз бир кунда 10 тоннадан кўпроқ тупроқни ўрнидан қўзғар экан.

Демак, бир қиз чопиқдан ўз нормасини бажариб 108 сўм маош олиш учун ойига 1260 тоннага яқин юкни кўтариб тушириши керак экан. Ахир, бундай меҳнат «Ойбарчин келбатли» қизни ҳам эзиб ташлайди-ку. Қизларимиз шунча меҳнат қилиб, бир ойда биттагина кўйлак олишга лойиқ пул топиша олмайди.

Хўш, улар қачон меҳнатига яраша ҳақ оладилар? Қачон? Абрамат Ҳасанов айтган «магазиннинг олдига боғлаб қўйилган ит» бизнинг устимиздан кулмаяптимикин, элдошларим!

Сиз эса ҳамон лоқайдсиз. Ҳамон Абрамат Ҳасановга ўхшаган куюнчак, ҳалол одамларни ўз ўрнига қайтариш ҳақида ўйламайсиз.

●

МЕН ТОШКЕНТ — Душанба поездига, Душанба — Тошкент поездига чиқар чоғимда юрагим зирқиллаб туради. Юртга бораётганимда ҳам, юртдан қайтаётганимда ҳам сарсон-саргардон ота-оналарни, уларнинг этагидан тутган касалманд болаларни кўп кўраман. Кимдир нажот истаб фарзандини пойтахтга олиб келаётир...

Шу йилнинг 29 мартида Сурхондарёдан пахтакорлар қурултойига келаётган делегатлар билан қайтдим. Бизнинг вагонимизга етти ёшлардаги бир касалманд қизни олиб чиқишди. Қизча бир оз оқсоқланиб юрар, одамларнинг кўзидан қочишга урингандай туюлар, ўзининг «кам»лигини сезиб қийналарди. Унинг катта-катта кўзларига мунг чўка бошлаган эди. Отаси қизининг суяк сили билан оғриганлигини айтди. Юрагим зирқ этиб кетди. Ҳали бу норасида қизчага суяк силини ким қўйибди. Мен ўша қизгина билан Жарқўрғондан Тошкентгача бирга келдим. Лекин ўн беш соатлик йўлда унинг овоз чиқариб айтган бирорта ҳам сўзини эшитолмадим. Онаси қизидан ниманидир сўраса ҳам, у шивирлаб жавоб қайтарарди. Қизча ўзини олдинда ҳали кўп машаққатлар ва азоблар кутаётганлигини ботиний бир ҳис билан сезиб турарди, буни унинг қайғу соя ташлаган чиройли, маъсум кўзларидан илғаш мумкин эди. Нақадар одобли, нақадар қайғули эди бу қизгина.

Йўлда қизнинг отаси бир вақтлар тракторчи бўлганлигини ва кимёвий дорилар сепиш билан шуғулланганлигини, заҳарли Б — 58 дориси тўлдирилган фляга ёрилиб кетганда, уни кўтариб бориб бир чеккага кўмганлигини, бир ҳафтагача баданидан дорининг ҳиди кетмай турганлигини ҳикоя қилиб берди.

Бу одамнинг аёлининг кўксида қаҳрамон оналик нишони бор эди. Демак, уларнинг болалари ўндан ошиқ. Бу одам заҳарли химикатлар билан ишлаган тақдирда ҳам, ҳеч нарса қилмабди-ку, ахир унинг ўндан ошиқ фарзанди бор экан-ку, дея ўйларсиз. Мен бу одамнинг ниҳоятда соғлом бўлганлигига, унга табиат баркамол вужуд ато этганлигига шубҳам йўқ. Лекин унинг болалари ўсиш ва юксалишнинг қайсидир бир нуқтасига етганларида ўз оталарининг бир вақтлар тракторда заҳарли дорилар сепиш билан шуғулланганлиги касрига қолмайди, деб ким айта олади.

Вагоннинг бошқа бир бўлмасида яна бир эру хотин билан гурунглашиб қолдим. Уларнинг рўзғор кўрганларига тўрт-беш йил бўлгандиров...

— Томошага кетаяпсизларми? — деб сўрадим.

— Э-э, бизга томошани ким қўйибди. Мана шу боланинг дарди билан юрибмиз, — деди уч ёшлардаги ўғилчасини кўрсатиб отаси, — ҳеч тузалмаяпти. Улардан боласининг қандай касал билан оғриганлигини сўрашга ботинолмадим.

Биз 13-вагонда эдик. Поездда эса 23 вагон бор. Қолаверса, Тошкентга ҳар куни поезд юради.

Бир қатор қишлоқларимиздаги табобат пунктларининг аҳволига қараб, одамнинг юраги эзилиб кетади. Кўплаб касалхоналарда ҳам беморларни даволаш учун, уларнинг дардига дармон топиш учун турли замонавий тиббий жиҳозлар, дори-дармонлар, юқори малакали врачлар етишмайди. Мен бу ўринда мисол келтириб ўтирмай. Чунки ҳаммасини сиз ўз кўзингиз билан кўриб, ўз бошингиздан кечириб турибсиз. Ҳатто оддий пенициллинга ишингиз тушса ҳам, сарсон-саргардон бўласиз. Болаларингиз орасида ҳар жиҳатдан соғлом болани тополмайсиз. Ҳатто ўта хавфли сариқ касаллигига ўткинчи шамоллашга қарагандай қарайсиз.

Эртанги кун бор, элдошларим. Биз ўша кунга қатор-қатор касалманд одамларни эмас, баркамол инсонларни етказайлик.

●

ЭЛДОШЛАРИМ, сизга ёзадиган гапларим кўп эди. Айтар сўзларимни ҳали айтарман. Дунёда ЭРК деган, БАХТ деган, ҲАЁТ деган сўзлар бор. Бу ҳаётнинг, эркнинг, бахтнинг нечоғли улуғвор эканлигини илғаши мумкин бўлган сўнгги сезимларимиз ҳали тирик. Шу сезимларни ўлдирмайлик.

Элдошларим...

Бир кўркам ифорлар сочар йўлимга,
Бу иссиқ чеҳралар, ёруғ дийдорлар.
Аввал ўтиб борар менинг кўнглимдан
Сизга етиб борган қишлар, баҳорлар.

Сирлашув.

Т. РЎЗИЕВ суратга олган

САЗАГАН ФОЖИАСИ

1987 ЙИЛНИНГ 21 апрель куни кечаси Сулаймон Наримонов йўқолиб қолди. Бу гап бир зумда бутун Сазаганга ёйилди. Кимдир ошкора, кимдир пичирлаб, бу воқеа ҳақида сўзлай бошлади: «Наримон йўқолиб қолибди», «Кечаси уйида экан, фарзандлари тонгда туриб қарашса, жойида йўқ эмиш», «Кап-катта одам қаёққа кетади, бирор танишиникида юргандир» деганлар ҳам бўлди. Вақт ўтиб борарди. Оиладагилар бир кун кутишди... икки кун кутишди... Йўқ. Қариндош-уруғлариникини, дўст-биродарлариникини сўраб-суриштиришди. Йўқ. Район ички ишлар бўлимига хабар қилишди. Ўша куниёқ район милицияси оёққа турди. Самарқандга, қўшни районларга хабар берилди, сурати тарқатилди. Ҳамма жойдан бир хил жавоб олинди. Йўқ. Ҳеч ким бундай одамни кўрмаган, у ҳақда ҳеч қандай хабар эшитмаган. Оила тинчини йўқотди. Қишлоқда ҳар хил ваҳимали гаплар тарқалди. Бола-чақа кечаси кўчада юришга қўрқиб қолди.

Кунлар ўтарди. Сулаймон Наримоновнинг дараги топилмасди. Орадан бироз вақт ўтгач газетада унинг сурати босилиб чиқди. Сурат ёнида бедарак йўқолгани, ким кўрса ёки у ҳақда бирон гап эшитса, яқин орадаги милиция бўлимига хабар берсин, деган эълон илова қилинган эди. Аммо ҳеч ким уни учратмади, у ҳақда бирон хабар ҳам эшитмади. Изла-изла билан саксон кун ўтди. Саксон кун қишлоқ безовта, ваҳимада яшади. Район ички ишлар бўлими ходимлари қишлоқдаги ҳар бир хонадонга кириб бирма-бир излаб чиқишди. Ҳатто ҳожатхоналар ҳам текширилди. Йўқ.

Бедарак йўқолди.. Инсон учун энг мудҳиш хабар шу бўлса керак. Йўқолган одам топилса яхши, топилмаса бир умр ортингга қараб, умид билан яшайсан. Ҳар куни сен кутаётган инсон кириб келадигандек бўлаверади, уйқунг қочади, безовта бўласан, эзиласан. Яшаб яшагандек бўлмайсан. Фарзандлари Улуғ Ватан урушида бедарак йўқолган ота-оналарни эсланг. Уларнинг кўпи йўлга қарай-қарай оламдан кўз юмдилар. Кутиб яшаш оғир. Кутиб яшаш азоб. Айниқса шундай тинч замонда яқин кишинг йўқолиб қолса. Бир кечада йўқолса-ю, унинг қаерга кетганини ҳеч ким билмаса. Умуман, кейинги йилларда мамлакат бўйича бундай ҳодисалар кўпайиб бораяпти. Статистикага эътибор берадиган бўлсак, сўнгги 15 йилда 71347 киши йўқолган. Уларнинг 69835таси топилган, холос. 1512 киши эса дом-дараксиз, ҳамон қидирилмоқда. Демак, 1512 оила умид билан йўлга қараб яшаяпти. Аммо йўқолганлар тирикми? Тирик бўлса қаерда, нега уйига қайтмайди? Бу саволларга жавоб йўқ. Агар Дарғом каналига бир бола тушиб кетиб, суви қуритилмаганда, балки Наримон аканинг бола-чақаси ҳам бир умр йўл қараб яшармиди?..

Шундай қилиб, орадан саксон кун ўтгач, Дарғом каналидан Сулаймон Наримоновнинг жасади топилди. Канал Сазаган қишлоғидан анча узоқда. Бундан ташқари йўқолган куни кечаси С. Наримонов ўз уйида бўлган. Демак, ўзини-ўзни сувга ташлаши мумкин эмас. Кимдир жиноятга қўл урган, кимдир қотиллик қилган. Бирин-кетин шубҳали одамлар, ўша фожиа рўй берган куни у билан бирга бўлган кишилар текширила бошланди.

Советобод районининг Сазаган қишлоғи тоғ этагида жойлашган. Хушманзара, ҳавоси тоза. Сазаганда битта саккиз йиллик, битта ўрта мактаб бор. 10-ўрта мактабга анча йилдан буён Хурсанд Солиева директорлик қиларди. Мактаб райондаги яхши мактаблардан бири ҳисобланарди. Хурсанд Солиеванинг турмуш ўртоғи Аҳмад Мухторов Пастдарғом районида пахта пунктида ишлар эди. 1984—85 йиллардаги оммавий қамашлар (буни бошқача таърифлаб бўлмайди) Аҳмад Мухторовни ҳам ўз комига тортиб кетди. У суд ҳукми билан ўн йил озодликдан маҳрум этилди. Шундан сўнг оиланинг бутун оғирлиги Хурсанд Солиева зиммасида қолди. Бир томонда мактаб... У ҳам эркак, ҳам аёл бўлиб яшади. Албатта, айрим пайтлар ака-укалари қарашиб турди. Лекин уларнинг ўз оилалари, бола-чақалари бўлиб, ҳаммасининг ташвиши ўзига етарли эди. Х. Солиеванинг турмуш ўртоғи қамалгач, қишлоқда ҳар хил гаплар тарқалди. Айримлар уни енгилтакликда айблади. Албатта, бу қуруқ гаплар эди. Лекин шу қуруқ гаплар Сулаймон Наримоновни ёмон йўлга бошлаган бўлса ажаб эмас.

«Эрим қамалиб кеттач, Сулаймон Наримонов олдимга келди. Мен сени яхши кўрганим учун эрингга ёрдам бердим. Уни деб олти минг сўм пулим кетди. Ё пулни бер, ёки мен билан юр, деди. Сўнг бир неча марта уйимга келди. Мен сендан ёрдам ҳам, пул ҳам сўрамаганман, деб унинг айтганини қилмадим. Лекин халқ ичида шарманда бўлишдан қўрқиб, бу ҳақда ҳеч кимга айтмадим» (Х. Солиеванинг суддаги кўргазмасидан).

Юқоридаги кўргазма тўғри ёки нотўғри эканлигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Чунки бу суҳбат фақат икки киши ўртасида бўлиб ўтган. Уларнинг бири бугун йўқ. Лекин фожианинг қандай ҳолда содир бўлганига эътибор берсангиз, Х. Солиева кўргазмасида жон борга ўхшайди.

СУЛАЙМОН НАРИМОНОВ 20 апрель куни эрталаб Хурсанд Солиева ва унинг қизи билан бирга Самарқандга борган. Йўлда С. Наримонов «Хотинимни бошқа қишлоққа ташлаб келдим, бугун уйимга келасан ёки мен бораман», деган. Х. Солиева кўнмаган. Мактабга келиб бу суҳбатни мактаб хўжалик ишлари мудири Ҳайитмурот Юсупов ва укаси Абдуҳамид Солиевга айтган. Улар кечаси Сулаймонни ушлаб милицияга тутиб беришга қарор қилишган. Кечгача бундан Хурсанднинг отаси Соли Эшбоев, укаси Абдулла Эшбоев ҳам хабар топишган. Барчаси йиғилиб, Сулаймон Наримоновни кутиб ўтиришган. Кечаси соат бирларда у келган. Ўртада бўлиб ўтган гаплар тафсилотига тўхтаб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Тўрт киши биргалашиб С. Наримоновни бўғиб ўлдиришган. Сўнг ўзларининг қилмишидан қўрқиб кетишади. Қандай қилиб бўлса ҳам жиноятни яширишга ҳаракат қилишади. Мурдани машинага ортиб бориб Дарғом каналига чўктириб юборишади. Эртаси куни эса С. Наримонов йўқолгани ҳақидаги гап тарқалади.

Мурда топилгандан сўнг шубҳали одамлар текширилади. Ҳайитмурод Юсупов ҳам шубҳа остига олиниб, сўроқ қилинади. У шундай сўроқларнинг бирида С. Наримоновни ўлдиришда қатнашганини тан олиб, шерикларини ҳам айтади. Узоқ давом этган терговдан сўнг 1987 йилнинг 8—10 декабрь кунлари Нарпай район халқ судининг очиқ мажлисида бу жиноий иш кўриб чиқилади. Ҳайитмурод Юсупов саккиз йилга, Соли Эшбоев етти йилга, Абдуҳамид Солиев тўққиз йилга, Абдулла Эшбоев икки йилга озодликдан маҳрум этилади.

«Судланувчи Хурсанд Солиева Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 170-моддаси билан айбдор деб топилсин. У шу модда билан уч йилга озодликдан маҳрум қилинсин. Жазони қасддан жиноят содир этганлар учун манзил жой — колонияларда ўташлик белгилансин. Хурсанд Солиевага нисбатан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 44^{1}-моддасини қўллаб тайинланган жазони ўташ муддатини икки йилга кечиктирилсин ва унинг устидан назорат олиб боришлик Самарқанд область Советобод район Совети ижроия комитети ички ишлар бўлимига юклатилсин.» (Суд ҳукмидан кўчирма).

Шу ҳукм ўқилганига яна бир ҳафтадан сўнг икки йил бўлади. Нега икки йилдан сўнг биз шу фожиага қайтдик? Бунга ҳожат бормиди? Афсуски бор. Бундай ўйлаб қарасангиз, ҳамма нарсага суд нуқта қўйгандек. Ҳукмдан икки томон ҳам норози бўлмаган, касация шикоят ёзмаган. Аммо фожиа атрофидаги можаролар ҳамон Сазаганда садо бермоқда.

ЯҚИНДА РЕДАКЦИЯГА Сазагандаги 11-мактаб ўқитувчиси Зуҳра Шариповадан хат келди. Унда шундай сатрлар бор: **«...фожиадан сўнг Х. Солиева партиядан ўчирилди, лавозимидан четлатилди. Уни ўзи директорлик қилган 10-ўрта мактабдан ўқитувчи ва ўқувчилар ҳайдаб солишди. Шунинг учун 1988 йилнинг 21 март куни уни бизнинг 11-саккиз йиллик мактабимизга ишга жойлаштиришди. Ваҳоланки, мактабда иш йўқ эди. Бунга район халқ таълими бўлими бошқош бўлди. Мактабимиз педагогик коллективи, ўқитувчилар Х. Солиеванинг мактабга келишидан қатъий норози. Шунинг учун ота-оналар, ветеранлар, қишлоқ аҳолиси бир неча бор юқори ташкилотларга мурожаат қилишди. Аммо ҳеч ким бизнинг арзимизга қулоқ солмади. Натижада мактаб коллективи ўртасида катта жанжал бошланди. Ҳатто мактаб касаба союз комитети мажлис ўтказиб, кўпчилик овоз билан Х. Солиевани мактабдан ҳайдашга қарор чиқарди. Бу йиғилишда қатнашган область ва район халқ таълими бўлимлари вакиллари бизнинг қароримизни маъқуллашган ва Х. Солиевани бошқа мактабга ишга ўтказишга ваъда беришган эди. Аммо ҳамон ўз**

Давоми саккизинчи бетда

ЗАҲМАТКАШ АЛЛОМА

Ўзбек совет деҳқончилик илмининг фидойиси, етук алломамиз, ЎзФА академиги Мирзаали Валиевич Муҳаммаджонов 75 ёшга тўлдилар. Халқимизнинг энг жонкуяр олимларидан бири бўлиб етишган Мирзаали ака гўзал Фарғонанинг Конизар қишлоғида дунёга келган.

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг илк қалдирғочларидан бири сифатида у ўз меҳнат фаолиятини Шофиркон машина-трактор станциясида бош агрономликдан бошлаган эди. Шундан сўнг у кўп йиллик илмий ва ишлаб чиқариш соҳалари, раҳбарлик поғоналарида катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. 1948 йили жумҳурият Фанлар академияси ҳузурида ташкил топган Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги институти, ҳозирги Ўсимлик моддалари эксперементал биологияси институтининг биринчи директори бўлди. 1963—1966 йилларда яна шу институтни бошқарди. КПССнинг тарихий XX съездига делегат бўлди. Кўп йиллар жумҳуриятимиз Қишлоқ хўжалиги министри, Ўзбекистон Министрлар Совети Раисининг ўринбосари лавозимларида ишлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бу йиллар жумҳуриятимиз ҳаётидаги энг зиддиятли, ўта мураккаб даврлар эди. Шундай оғир йилларда Мирзаали ака ҳамиша халқ манфаатини ҳимоя қилди, тўғри йўлдан асло чекинмади. Раҳбарлик лавозимини бой берса ҳам халқига, илмига хиёнат қилмади. Мана шунинг учун ҳам кенг жамоатчилик, оддий меҳнаткаш халқ Мирзаали акани бениҳоя қадрлайди, фидойи инсон сифатида номини эъзоз билан тилга олади.

Академик Муҳаммаджоновнинг номи фақат унинг ўз юртида эмас, хорижий элларда ҳам машҳурдир. У кўп йиллар Афғонистон жумҳурияти ҳукуматида қишлоқ хўжалиги бўйича маслаҳатчи, шунингдек, СССРнинг Ҳиндистондаги элчихонасида ҳам деҳқончилик бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлади. Бу икки мамлакат билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда бебаҳо хизмат қилиб алоҳида эҳтиром топди.

Мирзаали ака анча йиллардан буён ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биосфера» программаси бўйича Ўзбекистон миллий комитетига раҳбарлик қилмоқда. Деҳқончиликни илмий асосда қуриш, пахта якказироатчилигига барҳам бериш, деҳқоннинг турмуш шароитларини яхшилаш бўйича қатор муаммоларни ўз вақтида катта жасорат билан илгари сурган олимлардан бири ҳам М. Муҳаммаджоновдир. У бугун келиб чиққан жуда кўп экологик муаммоларни бундан бир неча йиллар муқаддам ўз вақтида айта олган эди. Муҳаммаджонов республикамизда ҳукм сурган носоғлом муҳитни фош этиш, халққа юз тутиш учун жуда кўп жон куйдирди. Ўзининг қатор илмий мақолалари билан жумҳурият деҳқончилигини тараққий эттиришнинг янги йўлларини асослаб берди. Унинг бой илмий ва ижтимоий фаолияти иккита Ленин ордени, «Меҳнат Қизил Байроқ» ва «Ҳурмат белгиси» орденлари, кўплаб медаллар билан тақдирланган. М. Муҳаммаджонов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг ҳам фаол муаллифларидан биридир. Мирзаали ака табаррук ёшида ўзининг кўп сонли шогирдлари, минг-минглаб мухлислари даврасида қизғин илмий ижод, ижтимоий фаолиятни давом эттирмоқда. Биз кўпминг сонли муштарийларимиз номидан етук алломамиз, заҳматкаш олимимизни қутлуғ ёшлари билан муборакбод этамиз.

Қутлаймиз!



Суҳроб МУҲАМЕДОВ — 50 ёшда

Қадрли Суҳроб Юсупович!

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси ҳайъати Сизни эллик ёшга тўлишингиз муносабати билан қизғин қутлайди.

Сизнинг асарларингиз катта ҳаётий тажрибалар асосида ёзилгани билан алоҳида ажралиб туради. Сиз меҳнат фаолиятингизни радио техника усталигидан бошладингиз. Сўнгра катта спорт билан шуғулландингиз. Кейинроқ эса журналистикага кириб келдингиз. Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида директор вазифасида ишладингиз.

Сизнинг биринчи китобингиз бокс устаси Руфат Рисқиевга бағишланганди. Шундан кейин қатор ҳикоя ва қиссалар ёздингиз. Уларда жамиятнинг турли қатламларига оид қаҳрамонлар образларини яратишга интилдингиз. Кенг китобхонлар ўртасида шуҳрат қозонган «Менинг гулистоним», «Илтимос», «Танаффус эълон қилинг» ва кўпгина бошқа асарларингиз чуқур психологизм ва енгил лиризм билан суғорилган. Сизнинг бир қатор асарларингиз рус, қорақалпоқ, татар, яҳудий тилларига таржима қилиниб республика, иттифоқ нашриётларида нашр қилинган.

Қадрли Суҳроб Юсупович! Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси Сизга мустаҳкам соғлик ва ижодий муваффақиятлар тилайди.

**ЎЗБЕКИСТОН ССР
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
ҲАЙЪАТИ**

«ЮЛДУЗЛИ ТУНЛАР» ЧЕТ ТИЛЛАРДА

Сўнгги йилларда жаҳонда ўзбек адабиётига қизиқиш ортди. Бу албатта назмда ҳам, насрда ҳам яхши асарлар яратилаётганининг натижаси. Қатор ёзувчиларимизнинг асарлари бир неча хорижий тилларга таржима қилинди.

Яқинда Хитойдан хушхабар келди. Шанхайдаги «Миллатлар» нашриётида Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи уйғур тилида босилиб чиқди. Асарни Олимжон таржима қилган. Масъул муҳаррир Самат Дугойли.

«Юлдузли тунлар» шу кунгача жуда кўп Европа ва Осиё мамлакатлари тилларига ағдарилган. Бу ишда нафақат чет эл нашриётлари, балки Москвадаги «Радуга» нашриётининг Тошкент бўлими ҳам жонбозлик кўрсатаяпти. Нашриёт яқинда романни бенгал тилида чоп этди. Асар ҳинд китобхонларида катта қизиқиш уйғотди. Буни муаллиф ва нашриёт номига келаётган қатор миннатдорчилик хатлари ҳам исботлайди.

Қуйида биз Ҳиндистоннинг Жайпур шаҳрида жойлашган Раджастхана университетидан, доктор Шиям Сингх Ратнаватдан келган хатни эълон қилмоқдамиз.

●

Қадрли муҳаррир!

Мен Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» китобини ҳинд тилида ўқиб чиқдим. Ёзувчи ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган тарихий воқеаларни жуда ажойиб тасвирлаган. Китоб мени ўзига ром қилиб қўйди.

Ёзувчи тарихий ҳужжатлардан усталик билан фойдаланганки, бу фактлар ва воқеаларнинг ҳаққонийлигини таъминлаган. Муаллифнинг феодал муносабатлар, саройдаги фитналар, оддий халқ ҳаёти, меҳнаткашлар фаолияти, урушларнинг даҳшати ва босқинчиларнинг ваҳшийликларига бўлган муносабатини кўриб ҳайратланасан киши. Булар ҳаммаси ўқувчини сеҳрлаб қўяди ва гўё кишида муаллиф романда тасвирланган воқеаларнинг иштирокчиси, гувоҳи бўлган деган тасаввур уйғотади. Ёзувчи Бобурнинг тўла ва кўпқиррали (ҳукмрон, шоир, ёзувчи, инсонпарвар) портретини ярата олган. Бу муаллифнинг чуқур тадқиқот ишлари олиб борганлигидан дарак беради.

Ушбу тадқиқот тарих ва адабиёт учун бебаҳо бойликдир. Мен ёзувчига ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман. Шундай ажойиб китобни ҳинд ўқувчиларига етказишда иштирок этган таржимон ва ноширларнинг хизмати ҳам мақтовга лойиқ. Бундай китоблар бизга керак ва менинг бу истагимни келгусида ҳам ҳисобга олишларингизни сўрайман. Шуни яна бир бор таъкидлашни истардимки, ўқувчини бутунлай ром этган, уни воқеалар рўй берган замонга етаклай олган асаргина нодир китоб ёки адабиёт дурдонаси бўла олади. «Юлдузли тунлар» шундай асарларнинг биридир.

Раҳмат.

Сизнинг Шиям.

1989 йил, 3 февраль

«МЕНИНГ БИРИНЧИ КИТОБЧАМ» КОНКУРСИ

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, «Китобхон» жамияти яқинда ёш шоир ва ёзувчиларнинг «Менинг биринчи китобчам» республика кўрик-конкурсини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Кўрик-конкурс мактаб ўқувчилари ва болалар уйлари, мактаб-интернатлар, пионерлар саройлари ва уйлари ўртасида 1989 йилнинг 1 ноябридан 1990 йилнинг 1 мартигача ўтказилади.

Кўрик-конкурсдан кўзда тутилган мақсад ижодкор болаларни рағбатлантиришдан, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик ва байналмилал руҳда тарбиялашдан, ижодларини эндигина бошлаган ёш шоир ва ёзувчиларнинг асарларини матбуот, радио, телевидение орқали кенг ёритишдан иборатдир.

Кўрик-конкурсни ташкил этиш ва ўтказиш учун жойларда — вилоят, шаҳар, район ва мактаб комиссиялари тузилади. Комиссия ёш шоир ва ёзувчиларнинг энг яхши асарларини танлаб олади, конкурснинг навбатдаги босқичига тавсия қилади.

Ўқувчилар конкурсда бадиий ижоднинг барча жанрлари бўйича иштирок этишлари мумкин. Конкурсга тавсия этиладиган машқларда Ватанга, табиатга, халқлар дўстлигига муҳаббат мавзулари, болалар турмуши ва дунёси акс эттирилиши керак.

Ғолиблар юқорида номлари тилга олинган министрликлар ва ташкилотларнинг Фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Конкурс учун учта 150 сўмдан биринчи мукофот, олтита 100 сўмдан иккинчи мукофот, ўнта 75 сўмдан учинчи мукофот ва йигирмата 25 сўмдан рағбатлантирувчи мукофотлар ажратилган.

Биринчи ўринни олганлар Москвада ўтказиладиган ёш шоир ва ёзувчиларнинг Бутуниттифоқ кўрик-конкурсида қатнашадилар.

Кўрик-конкурснинг якунлари ҳақидаги ҳисоботларда ўқувчиларнинг исми-фамилияси, мактаби, синфи, асарларининг номи, сони аниқ кўрсатилиши керак. Ҳисоботга ғолибнинг асари ҳам илова қилинади.

Республика кўрик-конкурс комиссияси конкурс якунларини 1990 йилнинг 20 мартида чиқаради ва ғолибларни марказий кўрик комиссиясига тақдим этади.

Конкурс ғолибларининг энг яхши асарлари «Юлдузча» нашриётида китобча ҳолида чоп этилади.

Конкурсга марҳамат!

«СУРХОН» МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

«Шарқ юлдузи» журнали таҳрир ҳайъати Сурхондарё вилояти Жарқўрғон ноҳиясидаги «Сурхон» совхози меҳнаткашлари ташаббуси билан ташкил этилган «Сурхон» мукофотини 1989 йилда эълон қилинган қуйидаги асарларга беришга қарор қилди:

Бўривой Аҳмедов ва Ҳабибулла Кароматовга «Темур тузуклари»ни нашрга тайёрлагани учун (6-сон), **Абдулла Орипов**га «Ранжком» драматик достони учун (1-сон), **Ўктам Усмонов**га «Кишан» қиссаси учун (4-5-сон), **Саид Усмонов** ва **Маҳаматвали Муродов**га «Қўшиб ёзиш илдизлари» суҳбати учун (9-сон).

«Шарқ юлдузи»да босилган энг яхши асарлар сиртқи конкурсида қуйидаги асарлар ғолиб деб топилди:

Эркин Самандаровнинг «Дарёсини йўқотган қирғоқ» романи (1-3-сон), **Хайриддин Султонов**нинг «Кўнгил озодадур...» қиссаси (6-сон), **Айдар Осмон**нинг «Олишув» қиссаси (9-сон), **Хуршид Дўстмуҳаммад**нинг «Жажман» ҳикояси (8-сон), **Эшқобил Шукур**нинг «Сургун» (7-сон), **Зебо Раҳимова**нинг «Сенга нисор менинг гул умрим» (5-сон), **Садриддин Салимов**нинг «Ҳайрат уруғлари» (11-сон) шеърий туркумлари.

Долзарб мавзуларни ўз ичига олган **А. Эгамназаров**нинг «Орол бўлмаса, биз ҳам бўлмаймиз» суҳбати (3-сон), **Зайниддин Баҳриддинов**нинг «Учқора қадри» мақоласи (4-сон), **Абдуғафур Расулов**нинг «Романнинг машаққатли йўли» (7-сон), **Энвер Хуршут**нинг «Амир Умархоннинг канизи» (9-сон), **Муртазо Қаршибоев**нинг «Руҳнинг мангу қўнғироғи» (11-сон) мақоласи.

Ю. АБДУЛЛАЕВ

«ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИ»ДАН ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА



Ўзбек халқининг минг йиллик тарихи, нодир илмий ва адабий манбаларининг аксарияти араб имлосидаги эски ўзбек ёзувида битилганлиги ҳаммага маълум. Шунинг учун ҳам яқинда қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақидаги қонуннинг 16-моддасида «Араб алифбосига асосланган қадимий ўзбек ёзувини ўзбек умумий таълим мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида дарслар ўзбек тилида олиб бориладиган бўлимларда ўқув плани фанларидан бири сифатида ўқитиш таъминланади. Ўзбекистон ССРда бу ёзувни ўрганишни истайдиганларга ҳар томонлама имкониятлар яратилади. Бунинг учун тегишли илмий-педагогик кадрлар ва дарслик ҳамда методик ўқув қўлланмалари тайёрланади, қадимий ўзбек ёзувида адабий тарихий ёдгорликлар, китоблар ва журналлар нашр этилади», дейилган.

Яқинда «Фан» нашриёти чоп этган Раҳмат Бобоқуловнинг «Эски ўзбек ёзуви» китоби ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади. Муаллиф бу рисолани эски ўзбек ёзувини мустақил ўрганувчилар учун мўлжаллаб ёзган. Кенг китобхонлар оммасининг эҳтиёжлари ҳисобга олинган ушбу рисолада араб графикаси асосидаги эски ўзбек альфавити ва ундаги ҳарфлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари батафсил баён этилган. Ҳарфларни мустақил равишда осон ва тез ўрганиш имконияти берилган. Бундан ташқари, рисолада ҳарфлар асосида сўз қуриш усуллари, мураккаб ва содда кўринишли ҳарфлар ҳақида ҳам атрофлича маълумот қамраб олинган. Эски имлодаги қизиқарли ҳикоятларнинг танланганлиги ҳам ҳарфларнинг турли кўринишларини тез идрок этишга ёрдам беради.

Китобга филология фанлари доктори, профессор Алибек Рустамов масъул муҳаррирлик қилган.

ҚАРДОШ БОЛАЛАРГА

Шоир Пўлат Мўмин шеърлари, эртаклари республикамиздан ташқарида ҳам яхши маълум. Унинг китобларини ёш китобхонлар севиб ўқийдилар. Шу боис Пўлат Мўмин асарлари тез-тез қардош халқлар тилларига таржима қилиб турилади.

Москвадаги «Детская литература» нашриёти Пўлат Мўминнинг «Дороже всех даров» деган китобини чоп этди. Унга шоирнинг шеърлари, эртаклари, ривоятлари жамланган. Китобга Юрий Кушак «Уни уста дейишади» сарлавҳали сўзбоши ёзган. Унда Пўлат Мўмин ижоди ҳақида мухтасар фикр юритилган. Асарларни Ю. Кушак ва В. Шульжик таржима қилган. Рассом В. Нагаев чиройли безаклар ишлаган.

Минскдаги «Юнацтва» нашриёти ҳам Пўлат Мўминнинг шеърлар тўпламини белорус тилида босмадан чиқарди. Шеърларни Ольга Ипатова белорус тилига ағдарган. Рассом В. Стасевич безаклар ишлаган.

Пўлат Мўминнинг шеърий тўплами арман тилида ҳам нашрдан чиқди. Еревандаги «Аревик» нашриёти босмадан чиқарган шеърлар ва эртаклар тўпламида шоирнинг болаларга аталган энг сара асарлари жамланган.

МУЛОҚОТ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИГА

Редакциямиз почтасига ҳар куни жумҳуриятимизнинг турли томонларидан турли хил хатлар келади. Уларнинг кўп қисмини шикоятлар ташкил этади.

Жойларда йўл қўйилаётган камчиликлар, ноҳақлик, инсон тақдирига юзаки қараш, давлатнинг мулкини талон-тарож қилиш ва шу каби ҳолларга бугунги замондошимизнинг бефарқ қарай олмаслиги қайта қуриш ва ошкоралик шарофатидан бўлса ажабмас.

Учқўрғонлик Қосимжон Улуғбоев хатини ҳам бефарқ қолдириб бўлмади. Бир корхонада узоқ йиллар узлуксиз ҳалол меҳнат қилиб, сўнгги йилларда соғлиги ёмонлашгани, аниқроғи, икки марта операция бўлиб, охир оқибатда инвалид бўлиб қолгани, аммо инвалидлик нафақасини бир неча ойлар давомида ололмай сарсон юрганини бефарқ қолдириб бўладими?! Келинг, яхшиси унинг хатини ўқийлик:

Ўрта мактабни тугатгач, 1958 йилдан бошлаб, Учқўрғондаги 9-пахта тозалаш заводига ишга кириб, шу пайтгача ишладим. КПСС аъзосиман. Дастлаб пахта узатиб берувчи, кейин 25 йил давомида тола ажратиб берувчи бўлиб ишладим. Кунига 40—45 тонна, бир ойда 1000—1100 тонна тола ишлаб чиқариш плани берилади. Бу ишни уддалаш жуда қийин. Меҳнатга яраша шароит бўлса ҳам майли эди. Пахтани тозалаш жараёнида чиққан чанг-тўзон, смена давомида хоҳланг-хоҳламанг шу ҳаводан нафас олиш, оёқ ости цемент-бетон, цехлар қишда иситилмайди, тунги сменадаги уйқусизлик, машина механизмларининг шовқини— мана шулар киши саломатлигига таъсир қилмай қолмас экан. 1964 йилда ошқозоним операция қилингач, III-группа меҳнат инвалиди берилиб, пенсияга чиқдим. 30—31 сўмдан нафақа олиб турдим, беш фарзандим бор. Кейин яна ўз ишимга қайтдим. 1989 йил январь ойида иккинчи марта ўн икки бармоқли ичакдан операция қилиндим. Касалхонадан тузалиб чиққач, ҳужжатларимни Учқўрғон шаҳар ВТЭК комиссияси раисига топширсам, сизга инвалидлик бериб бўлмайди, ишга ярайсиз, деб рад этди. Қизиқ, ахир мен ишдан қочиб, айёрлик қилаётганим йўқку. Нега комиссия раиси клиника врачларининг кўрсатмасига ишонмайди?

— Йўқ, инвалидлик даражаси бериб бўлмайди,—деб шериги билан ташқарига чиқиб кетди. Хонада ҳеч нарсага тушунмаган ҳолда ўтириб қолдим. Бироздан кейин қайтиб кириб, — аслида инвалидлик группаси бериш мумкин эмасди-ку, майли, сизга III группа беришга қарор қилдик, — деди.

Нима учун ҳамкасби билан хонадан ташқарига чиқиб маслаҳатлашиб, кейин қарорини айтди. Мен ўша асаббузарликдан кейин III-группа инвалидлик пенсияси тайинланишига норози бўлдим. Икки марта оғир операция бўлганимни, сурункали бод, бел ва оёқларим тез-тез оғриб юргизмай қўйишини тушунтириб, II группа беришларини сўрадим. Улар кўнмади, агар шикоят қилсангиз, III группани ҳам бекор қилишимиз мумкин, деди. III группа инвалиди эканлигим ҳақидаги справка ва ҳужжатларни 1989 йил апрель ойида Учқўрғон шаҳар социал таъминот бўлими инспекторига топширдим. Орадан ярим йил вақт ўтса ҳам, ўша арзимас пенсиядан дарак йўқ. Кута-кута тинкам қуриди, кейин бориб суриштирсам, апрелдан бери ўтган ойларга пенсия тўланмайди, бошқа ҳужжатлар тайёрлаб келинг, дейишди. Ўзи бор-йўғи арзимаган пенсия пулни тайинлашса, уни ҳам ҳар хил баҳоналар билан олишнинг иложи бўлмаса.

Ҳурматли редакция, икки марта оғир операция бўлганим, соғлигим ёмонлашганини ҳисобга олиб, II группа инвалидлиги берилишида ёрдам беринг.

Қосимжон Улуғбоев хатида «Бир умр инвалид бўлиб уйда ўтириб қолмасман, даволаниб, тузалиб кетсам, яна меҳнат қучоғига қайтаман»,— деб ёзган.

Инсоннинг меҳнатга, ҳаётга бўлган ташналиги, интилишлари сўнмасин экан, одам ҳамиша ҳам меҳнат билан овунади, лекин бу ерда гап меҳнат ҳақидами, йўқ, инсон қадр-қиммати деган гаплар ҳам бор-ку, ҳа, инсон кўнгли нозик, зарра билан тоғдай, зарра билан ердай бўлади. Партия ва ҳукуматимизнинг инсон саломатлиги, бахт-саодати, ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қанчадан қанча қарору кўрсатмалари борлигини биламиз. Лекин жойларда бу ҳуқуқлар бузилаётгани, ҳали ҳам турғунлик йилларидагидек «аслида III группа ҳам берилмасди-ю, майли сизга III группа берамиз» каби тўраларча муомала қилаётган мутахассислар борлиги кишини ажаблантиради. Инсон омили юқори қўйилаётган, қайта қуриш нафаси ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бораётган ҳозирги кунда бундай «ҳотамтойлик» билан иш юритиш услубини қандай тушуниш керак? Шунинг учун ҳам биз **ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИ** мутасадди ходимларига мурожаат қиламиз. Икки марта оғир операция бўлган, ҳозирда меҳнатга лаёқатсиз деб топилган собиқ ишчи II группа инвалидлиги нафақасини олиш ҳуқуқига эга бўладими? Агар шундай бўлса, биз инсон оёққа туриб олишида унга ёрдам берайлик. Ушбу масаланинг ечимида сизларнинг адолатли фикрингизни кутамиз.

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси редакцияси коллективи редакция суратчи мухбири Содиқ Маҳкамовга онаси

Манзура МАҲКАМОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ОЛА ҚАРҒАНИНГ ҚИЗИЛ ҚАРҒАГА АЙЛАНИШИ ҲАҚИДА

ЗАМОНАВИЙ ЭРТАК

БИР БОР ЭКАН, бир йўқ экан, қадим-қадим замонда, Қураматоғ томонда бир Сахоба бўлган экан.

Кунлардан бир кун Сахоба тоғдан тушиб, ҳассасини дўқиллатиб кетаверибди-кетаверибди, чанқаб ҳолдан тойибди. Бир туп садақайрағоч тагига етганда ҳушидан кетиб йиқилибди.

Бир маҳал қулоғига «қарр-қарр» деган овоз кирибди. Ҳушига келиб кўзини очса, садақайрағоч шохига битта Ола қарға қўниб, нуқул қағиллаётганмиш.

— Худо хайрингни бергур, ақалли яратган эгамга омонатимни топшираётганда ўз ҳолимга қўйсанг-чи, — деб илтижо қилибди Сахоба.

Шунда Ола қарға тилга кирибди.

— Ҳасса билан қайрағоч тагини чуқуласанг, сув чиқади, — дебди. Сахоба ҳассасини уч марта ерга урган экан, булоқ очилиб, бир тегирмон сув чиқибди.

—Илоё дунё тургунча яша! — деб дуо қилибди Сахоба Ола қарғани.

Дуо ижобатга ўтибди. Ола қарға дунё тургунча яшайдиган бўпти. Садақайрағоч атрофида қишлоқ бунёд бўлиб, «Ола қарға» деб ном олибди.

Минг йил ўтибди, икки минг йил ўтибди. Ола қарға ўлмабдию, қариб-чуриб кучдан қолибди, кўзи хиралашибди. Аммо қулоғи бинойидек эшитаркан. Эртадан кечгача садақайрағоч шохида мудраб ўтирганча кўп воқеаларга гувоҳ бўпти.

Кунлардан бирида қишлоқда ола тасир отишма бошланиб кетибди.

Елкасига милтиқ осган одамлар «Ҳуррият! Ҳуррият!» деб ҳайқиришибди. Ҳамма хурсанд, ҳамма бахтиёр бўпти. Орадан ҳеч вақт ўтмай, «Йўқолсин золим бойлар!» деган гап чиқибди. Чиндан ҳам яқин-атрофда биттаям бой қолмабди. Қочгани қочиб қутулибди. Қолгани олис юртларга бадарға қилинибди... Битта от, битта ҳўкизи борлар ҳам совуқ жойларга ўрмон кесгани жўнатилибди. Ҳамма тенг бўпти: ҳамма бир хил кийинармиш, бир вақтда ётиб, бир вақтда турармиш, бир вақтда овқат ермиш... бир хил ўйлармиш...

Хўп ғаройиботлар бўпти. Мойсиз, пиликсиз чироқлар ёнибди, кўприклар қурилибди, йўллар очилибди.

Ёппасига саводсиз халқ қаторасига саводхон бўлибди. Шунақанги саводи чиқибдики, Шоир эртадан кечгача ўқиса адо бўлмайдиган қасида ёзибди. «Ким эдик ўтмишда биз, ақли йўқ ва нотовон, бобомиз Маймун эди, момомиз — Ҳамдунахон! Бизни одам айлаганлар омон бўлсин, замон бўлса, замонамдек замон бўлсин!»

Бир куни садақайрағоч соясига бир эмас, иккита машина, учта арава келиб тўхтабди. Ола қарғанинг кўзи хиралашиб қолгани учун қайси машина «ЭМКА», қайси арава извошлигини ажрата олмабди. Аммо кекса ақлини ишлатиб билибдики, булар жўн одамлар эмас, нақ Донолар кенгаши! Анави — ҳаммадан қаттиқ гапираётгани — кенгаш раиси — Зукко.

Одат шунақа экан: ҳамма нарсани Донолар кенгаши ҳал қиларкан. (Агар Донолар кенгаши қоғоз ёзиб бермаса, туғилган бола — туғилмаган, ўлган одам — ўлмаган бўларкан).

— Ҳамма саводхон бўлганидан кейин қишлоқнинг номини ёзиб қўйиш керак-да, — дебди Зукко. — «Ола қарға» дегани-ку яхши ном. Лекин «Қ» билан «Ғ»ни ҳаммаям тушунавермайди. Келинглар, ўйлашиб кўрайлик: нима қилсак «Ола қарға» ҳаммага тушунарли бўлиши мумкин?

Бир соат ўйлашибди, икки соат ўйлашибди, ҳеч кимдан садо чиқмасмиш. (Одат шунақа экан: одамлар ўйлаган гапини айтмас экан. Айтса, тилини кесиб олишаркан. Бир хилларга шафқат ҳам қилишаркан: тилини кесиб ўтирмай, калласини олиб қўя қолишаркан).

— Тушунарли, — дебди кенгаш раиси Зукко мажлисга якун ясаб. — Биласизлар, сиз билан биз кичкина одамлармиз. Бу масалани Катталар ҳал қилади. Биз учун Катталар ўйласин...

ИККИ ҲАФТАМИ, уч ҳафтами ўтгач, садақайрағоч соясида тумонат одам тўпланибди, куйлар чалинибди, мактаб болалар бўйнига бўйинбоғ тақиб, саф тортибди.

жийда гуллаган кезлари сел кебди-ю, «Ола қарға» деган ёзувни таг-туги билан қўпориб кетибди.

Уч кундан кейин садақайрағоч соясига бир эмас, тўртта машина келиб тўхтабди. (Кўзи баттар хиралашиб қолган Ола қарға пайқамабди: қайси бири «Чайка», қайси бири «Волга». Аммо ҳалиям қулоғи бинойидек эшитаркан. Тағин Донолар кенгаши тўпланганини тушунибди.)

— Кўчанинг чап томони-ку аниқ, — дебди Зукко. — «Алья карга» жойида турибди. Хўш, ўнг томонини нима деймиз?

Ҳамма ўз таклифини айтибди. Биров ундоқ дебди, биров бундоқ. (Одат шунақа экан: ҳамма гапираркану, ҳеч ким ҳеч нимани ўйламас экан).

—Яхши!—дебди Зукко мажлисга якун ясаб. — Бу масалада катталар билан маслаҳатлашамиз. Биласиз, бизлар кичкина одамлармиз.

Орадан бир ойми, икки ойми ўтиб садақайрағоч тагига тумонат одам тўпланибди. Далада жўхори қайираётган мактаб болалар бўйинбоғ тақиб, саф тортибди.

— Қишлоқнинг номи топилди, — дебди Зукко, — «Алья карга» дегани «Олия қарға» дегани экан. Йигирманчи йилларда Олияхон деган хотин ўтмиш сарқитларига қарши қўлида қурол билан жанг қилган экан. Ички душманлар аламига чидолмай, унга «қарға» деб лақаб қўйган экан. Биринчи бўлиб колхозга кирибди азамат! Гектаридан уч юз центнердан жўхори ҳосили олибди. Бугун биз унинг номини абадийлаштирамиз!

Бу сафар Шоир жўхорига бағишланган шеърини ўқибди. «Гўшт кабобни емангизлар, қаритади, жўхорининг кабоби дардингизни аритади. Далаларнинг маликаси омон бўлсин, замон бўлса, замонамдек замон бўлсин!»

Шундай қилиб, кўчанинг бир томони «Олия қарға», бир томони «Алья қарга» бўпти.

Ой ўтибди, йил ўтибди. Сув омборлари қурилибди, каналлар қазилибди. Ҳаммаёққа ёппасига пахта экиладиган бўпти. Саводсиз Сахоба ҳассасини чуқилаб, чиқарган булоқ аллақачон қуриб қолганини ҳеч ким ўйлаб ҳам ўтирмабди. Пахтанинг оти «оқ олтин», пахтакорнинг номи «олтин қўллар» бўлибди. Айтишларига қараганда, атлас кўйлак кийган қизлар олтин қўл билан пахта тераркан.

Қизлар пахта тераверибди-тераверибди, охири «оқ олтин»дан шунақанги хирмон уюшибдики, унинг олдида икки минг йилми, уч минг йилми аввал Сахоба тушиб келган Қураматоғ ҳаммомпишдек гап эмиш.

Мактаб болаларни айтмайсизми? Шунақанги чаққон эканки, отини ёзишдан кўра «олтин» теришни яхши биларкан. «Оқ олтин» ичида юраверибоюравериб ўзлари ҳам олтинга айланиб кетибди: ранги сап-сариқ эмиш.

«Оқ олтин»ни ҳашаротдан асрайдиган тилсим дорилар топилибди, дорини осмондан сепадиган «пўлат қушлар», «пўлат қуш»ни учирадиган «дала лочинлари» пайдо бўпти.

ФАЛОКАТ ҚОШ билан қовоқ ўртасида туради деганлари рост экан. Бир куни Зукко йўлнинг чап томонига ўз қўли билан қозиқ қоқиб, «Алья карга» деган ёзувни илиб қўйибди.

— Мана энди ҳаммаси тушунарли бўлди! — дебди тантана билан.

Саф тортган мактаб болалар бараварига «Бахтли болалигимиз учун халқлар отасига раҳмат!» деб бақиришибди. Шоир янги шеърини ўқиб берибди. «Агар сен бўлмасанг, баҳор келмасди. Агар сен бўлмасанг, шамол елмасди... Сен бўлмасанг, мен бахтиёр кулмасдим... Оломон ўртасида турган отасини кўриб қолибдию, уёғини минғиллаб ўқибди: «Сен бўлмасанг, умуман... туғилмасдим» Охирини тантана билан якунлабди: «Бахтимизга улуғ доҳий омон бўлсин, замон бўлса, замонамдек замон бўлсин!»

Шундай қилиб йўлнинг бир томони «Ола қарға» бўпти, бир томони — «Алья карга».

Орадан ой ўтибди, йил ўтибди... Қишлоқ яшнаб кетибди. Бир томон пахтазор, бир томон жўхоризор... Ўзиям шунақанги зўр жўхори унар эканки, поясидан тўсин ташлаб иморат қурсангиз, юз йил қилт этмай тураркан.

ФАЛОКАТ ҚОШ билан қовоқнинг ўртасида туради, деганлари рост экан. Айни чанқовдан қуриб қолган садақайрағоч шохида мудраб ўтирган Ола қарға туш кўрибди. Гуллаган боғ эмиш, кўм-кўк яйлов эмиш. Яйловда сурув-сурув қўйлар ўтлаб юрганмиш. Ола қарға қўй жунидан полопонларига ин ясаётганмиш. «Эсингни едингми? — деб ўйлабди Ола қарға уйғониб. — Полопонларга бало борми? Қариган чоғингда тухум босишни сенга ким қўйибди! Ана, қанчадан-қанча қарғанисалар тухумини олдириб ташлаяпти! Мабодо туғса ҳам инкубаторга топширяпти. Тўғри-да, тухум кўпайтиришдан нима фойда? Бу томонларда полопонлар кўпайиб кетаверса, қардош юртлардаги тухум қўймайдиган курк қарғахонимларнинг кўнгли ўксимайдими?»

Шу гап хаёлига келиши билан осмонда «тарр» этган товуш эшитилибди. Иссиқдан мудраб қолган «дала лочини» пахтазор қаерда тугаганию, қишлоқ қаердан бошланганини билолмай нақ садақайрағоч устидан «тилсим» дори сепиб ўтибди. «Пўлат қуш» «тарр» этибди. Ола қарға сўнгги марта «қарр» этибдию, попиллаб ерга қулабди. (Ўзиям бу дунёда яшайвериб чарчаб кетган экан шўрлик).

Эртасига десангиз яна бир фалокат рўй берибди: канал тошибди. Ўзиям шунақанги тошқин бўптики, «Алья карга» деган ёзувни қозиқ-позиғи билан қўпориб кетибди.

Қуриб қолган садақайрағоч тагида тўртта машина тўхтабди. Ола қарға ўлиб кетгани учун қанақа машина келганини ҳеч ким суриштириб ўтирмабди. Лекин Донолар кенгаши мажлисни бошлаб юбораверибди. Кенгаш роса икки ҳафта давом этибди. (Одат шунақа экан: ҳамма гапираркану, ҳеч ким ишламас экан).

— Катталар билан кенгашмасак бўлмайди... — дебди Зукко мажлис якунида. — Ҳар қалай сиз билан биз—кичкина одамлармиз.

Бир ойдан кейин қуриб-қақшаб кетган садақайрағоч тагида тумонат одам тўпланибди.

— Ўртоқлар! — дебди Зукко қоғозга қараб (одат шунақа экан. Одамлар қоғозга қарамаса, гапидан адашиб кетаркан. «Ўртоқлар» деган сўздан тортиб, «эътиборингиз учун раҳмат» деганигача қоғоздан ўқиб бериларкан.)

— Ўртоқлар! — дебди Зукко қоғоздан кўз узмай. Ҳаммамиз учун ҳурматли Катта айтдиларки, «Олия қарға» дегани «Алая карга» дегани экан. Эътиборингиз учун раҳмат! Қани бир қарсак бўлсин! — Қарсак чалинибди. Далада қатқалоқ юмшатаётган болалар югуриб келиб, «Алая карга» пойига гулдаста қўйибди.

Шоир янги шеърини ўқиб берибди. «Оқ олтин»ни олтин қўллар яратади, бизнинг олтин оламга нур таратади. Олтин қўлли пахтакорлар омон бўлсин, замон бўлса, замонамдек замон бўлсин!» Шундай қилиб, йўлнинг бир томони «Олия қарға» бўпти, бир томони «Алая карга».

ОЙ ЎТИБДИ, йил ўтибди... Бу сафар офат рўй бермабдию, авария бўпти. Тўйиб самогон ичиб олган ҳайдовчи (арақ тақиқланган экан) филдек «КамАЗ» машинасини учириб келиб «Олия қарға»ни чунонам урибдики, машина ғилдираги «бараңг» этиб ёрилиб кетмаганига ўзиям ҳайрон қолибди.

Энди Донолар кенгаши айниқса қизғин ўтибди. (Одат шунақа экан. Хоҳлаган одам хоҳлаган гапини айтаркан. Хоҳлаган одам хоҳлаганча ер тепиниши, ҳуштак чалиши, борингки нотиқни ёқасидан олиб, минбардан тушириб юбориши мумкин экан. Ким энг қаттиқ бақирса, ўша энг катта қаҳрамон бўларкан). Мункиллаб қолган Зукко шўрлик «ўртоқлар» деб гап бошлаши билан ҳуштакбозлик бўлиб кетибди. — Эҳтиросга берилишнинг ҳожати йўқ, ўртоқлар, — дебди Зукко вазминлик билан. — Тўғри, ҳозир «плурализм» замони. Ҳар ким ўз фикрини айтиши мумкин. Шунча йил ишни Катталарга юклаб келдик. Энди ўзимиз ҳам ўйлайлик. Мен ўйладим, кўп ўйладим... Ўйлаб-ўйлаб топдим: «Алая карга» дегани — «Қизил қарға» дегани экан. Шундай деб ёзиб қўямиз. Митинг-питингни кераги йўқ. Мактаб болаларни овора қилмай қўя қолайлик. Оила пудратида пахта ягана қилиб ота-онасига ёрдам беряпти, барака топкурлар. Демак, масала ҳал: «Қизил қарға»! Нима? Овозга қўямиз, дейсизми? Марҳамат!.. демак, бир овоздан!

Зуккодан баттар мункиллаб қолган шоир каловланиб ўртага чиқибди. Чўнтагидан тўрт букланган қоғоз чиқариб ҳижжалаб ўқибди: «Қизил Қарға, хўп ажойиб исминг бор, номгинангга монанд гўзал жисминг бор. Қарғагинам қанотларинг омон бўлсин, замон бўлса, замонамдек замон бўлсин».

Бу гал ҳеч ким қарсак чалмабди. Аммо йўлнинг бир томони «Қизил қарға», бир томони «Алая карга» бўлиб қолаверибди.

ШУНДОҚ ҚИЛИБ, Ола қарға Қизил қарғага айланибди. Ҳамма муроди мақсадига етибди. Эртакни эшитганлар ҳам мақсадига етсин! Энди жойларингизга ётиб, тинчгина ухланглар!

Ўткир ҲОШИМОВ

Рассом Ш. СУБҲОНОВ


— Кечирасиз, бизга «Қайта қурилсин» деган кўрсатма юқоридан жўнатилмаган...

Рассом И. ЖИЯНОВ

БИЛСА ҲАЗИЛ, БИЛМАСА ЧИН

НОТИҚ

Нотиқ маҳалла аҳли ўртасида атеистик мавзуда маъруза ўқиди.

Маъруза тугагач, оқсоқоллардан бири ўрнидан туриб, тўпланганларга мурожаат қилди:

— Халойиқ, яхши нутқ учун нотиқ ҳақига бир дуо қилиб юборинглар.

— Омин!

Нотиқ беихтиёр кўтарилиб кетган қўлларини шошилиб пастга туширди.

ХАТОНИ ТУЗАТИШ

Режиссёр маҳаллий муаллифни нохуш кутиб олди:

— Асарингиз чала, унда жанжал, кескинлик етишмайди. Қайта ишлаш керак.

— Бу камчиликларни тузатган эдим...

— Хуллас, чала деяпманку, қайта ишлаш керак...

Муаллиф бир ойча домдараксиз юргач, яна режиссёр ҳузурида пайдо бўлди.

— Тузатдингизми?

— Албатта.

Режиссёр қўлёзмани қўлга олиб варақлаб кўрди. Охирида муаллиф билан ёнма-ён ёзилган ўз исм-шарифини кўргач:

— Бу бошқа масала. Анча меҳнат қилибсиз, — деди.

Маҳмуд НОРХЎЖАЕВ
Андижон

САЗАГАН ФОЖИАСИ

Боши еттинчи бетда

ваъдаларининг устидан чиқишмаяпти...» Хат анчагина катта. Муаллиф шундай савол қўяди: жиноятчи аёлнинг болаларга таълим-тарбия беришга маънавий ҳаққи борми?

Хатни ўқигач, ўйланиб қоласиз. Маънавий ҳуқуқ нима ўзи? Х. Солиева жиноятчи. У уйида содир этилган жиноятни яширган. Бир неча кун халқнинг тинчи бузилишига сабабчи бўлган. Аммо жиноятнинг келиб чиқиш илдизига эътибор берайлик. Фожиа Х. Солиеванинг ёмон йўлга юрмагани учун содир бўлган. Демак, биз уни маънавий нопок дея олмаймиз ва касбидан маҳрум қилишга ҳам ҳаққимиз йўқ. Агар Х. Солиева С. Наримоновнинг гапига кириб, ёмон йўлга юрганда, фожиа содир бўлмасди. Аммо маънавий нопок инсон ўқувчиларга поклик ҳақида таълим берарди. Бундан ташқари суд ҳукмида ҳам Хурсанд Солиевани ўқитувчиликдан четлатиш тўғрисида бир сатр ҳам гап йўқ. Демак, унинг ўқитувчилик қилишга ҳуқуқий томондан ҳам ҳаққи бор.

Х. Солиева ҳозир мактабга келмай қўйган. Келса, жанжал бўлади. Ўқувчилар кўз ўнгида айрим ўқитувчилар ва Хурсанд Солиева ўртасида бир-бирини ҳақоратлаш бошланади. Тарбия ўчоғида тарбиясизлик томошаси кўрсатилади.

Мактабнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни барчамизга маълум. Ўқитувчи дунёдаги энг соф киши бўлиши керак. Ахир келажагимизнинг қандай бўлиши ўқитувчи берган билим ва тарбияга боғлиқ-ку. Ўқитувчики, ўқувчига намуна бўла олмадими, бундай мактабдан яхши кишилар етишиб чиқишига ишониб бўлмайди. Мен илгари Пахтаобод, Чироқчи, Денов районларидаги мактабларда ўқитувчилар ўртасидаги можароларни ўрганиб чиққанман. Кейинги пайтларда ўқитувчилар ўртасида бир-бирининг устидан ёзиш шунчалик кўпайиб кетдики, бу кишини беихтиёр ўйга толдиради. Биз қаёққа қараб кетаяпмиз? Мактаб ислоҳоти, янгича таълим системаси деган иборалар нега фақат оғизда? Нега мактабларни ғийбатхонага айлантириб қўйдик?

Ўқитувчиларнинг гапига қараганда, Х. Солиева мактабга келса, ўқувчилар дарсни ташлаб чиқиб кетар эмиш. Барчаси бир овоздан «қотил! қотил!» деб бақирармиш. Ахир, шунинг ўзи ҳам бир фожиа-ку. Хўш, ким ўқувчиларни бу одатга ўргатди? Ташаббус ўқувчиларнинг ўзларидан чиқмаганига мен юз фоиз кафолат бера оламан. Ким уларни бу можарога тортди? Ким уларни бу можарога аралаштирди? Азиз ўқитувчилар, ўқувчиларни тинч қўйинг, ахир. Улар дарсларини тайёрлашсин, билим олишсин.

Ахир, бу оқибати ёмон фожиа. Сазагандаги биринчи фожиадан бир киши ҳаётдан кўз юмган бўлса, буниси ундан ҳам ёмон оқибатга олиб келиши мумкин. Биз болалар қалбига нафрат эмас, меҳр уруғини экайлик. Уларни инсонни севишга ўргатайлик. Шусиз ҳам, одамлар ўртасида оқибат кўтарилиб бораяпти. Ота фарзанди, аёл турмуш ўртоғи устидан шикоят ёзаяпти. Баъзан арзимаган нарса учун опа-сингил юз кўрмас бўлиб кетаяпти. Яхшироқ ўйлаб қарасак, буларнинг илдизи тарбияга, мактабга бориб тақалади. Бир вақтлар ўқитувчимиз «капиталистик жамиятда одам-одамга бўри» деган иборани кўп қайтарарди. Буни қанчалик ҳақиқат эканлигини билмайману, аммо ўзимиз шундай кунларга яқинлашиб келаётганга ўхшаймиз.

САЗАГАНДАГИ 11-мактабнинг аҳволига киши ачинади. Деворлари нураб ётибди. Залда пол йўқ. Бинони кўриб мактаб эканлигига ишонгинг келмайди. Мен бир нарсани жуда-жуда истардим. Қани энди редакциямизга мактабнинг шундай ночор аҳволдалигидан куюнган ўқитувчилар шикоят йўллашса. Дарсликларнинг етишмаслигидан арз-дод қилишса. Биз уларнинг истагини тегишли ташкилотларга етказсак. Керак бўлса, бу камчиликларни бартараф этилишини ўз назоратимизга олсак. Мен ўқитувчилар ўзларининг кучларини, билимларини шикоятбозликка эмас, шундай хайрли ишларга сарфлашларини хоҳлардим.

Сулаймон Наримоновни қишлоқдошлари меҳнатсевар инсон сифатида эслашади. Унинг яхши фазилатлари ҳақида менга кўпчилик гапириб берди. У қўли гул уста бўлган экан. Қишлоқ қабристонини обод қилган, атрофини панжара билан ўраган. Булоқларнинг кўзини очиб, қишлоққа келадиган сувни кўпайтиришга бошқош бўлган. Бундай одамлар халқ меҳрини қозониши табиий. Шундай бўлиши керак. Балки шунинг учун кўпчилик ўша фожиали воқеадан сўнг Х. Солиевани ёмон кўриб қолгандир. Уни мактабга йўлатмаслик тўғрисида турли идораларга шикоят йўллаётгандир.

Сазаганда бўлганимда, мактаб ёнида йиғилиб турган уч-тўрт киши билан суҳбатлашиб қолдим. Нима масалада келганимни эшитган бир чол қошларини чимириб истеҳзоли кулди:

— Солиеванинг пули сизга ҳам етиб борибди-да, ўғлим.

ИНСОН, АХЛОҚ ВА ҚОНУН

Йўқ, ота. Мени Солиева сотиб ололмайди. Мен ҳамиша ҳақиқат томонда бўлганман. Солиева айбдор. Солиева жиноятни яширган. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Судда бу тўла ўз тасдиғини топган. Аммо сиз ҳам бир бор ўйлаб, ўзингизни ўша аёл ўрнига қўйиб кўринг. Сизни ҳамиша бир киши таъқиб қилса, ҳақорат қилса, хиёнатга ундаса, нима қилган бўлардингиз? Бизда ўлганларни ёмонламайдилар. Шунинг учун Сулаймон Наримонов руҳи олдида кечирим сўрайман. Унинг оиласи ва фарзандларига ҳамдардлик билдираман. Лекин ўлганлар ўлиб, тириклар қийноқда яшамаслиги керак. Шуни унутмайлик.

Яна бир киши тўғридан-тўғри «Х. Солиева шу мактабда ишлайдиган бўлса, фарзандларимни ўқишга юбормайман», деди. Нима бу? Демократия берган эркми? Лекин демократия чегарадан чиқса, меъёридан ошса, анархияга айланади. Фарзандини қайси мактабда ўқитиш ота-она учун ихтиёрий, лекин фарзанд учун билим олиш мажбурий. Билим олишдан бош тортиш қонунда қораланади. Қани эди, ўша киши қишлоқдаги ижтимоий муаммолар ҳақида ҳам шундай куюниб гапирса. Боғчалар етишмаслигини, ёшларнинг анча қисми ишсиз эканлигини, шунинг учун қўшни районларга, Самарқандга қатнаб ишлашга мажбур бўлаётганини айтса. Сазаганлик айрим кишилар учун шундайгина қўшни вилоят — Бухородан чиққан газнинг ўз қишлоқларига келмай, Урал қишлоқларида ёнаётганидан кўра Х. Солиеванинг қайси мактабда ишлаши муҳим бўлиб қолгани кишини ачинтиради.

Юқорида таъкидлаганимдек, мана бир неча ойки, Хурсанд Солиева ишга бора олмайди. Унинг мактабга келишига кўпчилик қарши. Ўқитувчилар билан гаплашганимда, бу қаршиликнинг асосий сабабларидан бири сифатида марҳум Сулаймон Наримоновнинг фарзандлари шу мактабда ўқишини кўрсатишди. Қонун бўйича бу уни ишдан ҳайдашга асос бўла олмайди. Балки инсонийлик нуқтаи назаридан, ёзилмаган қонунлар нуқтаи назаридан асос бўла олар. Агар шундай бўлса, уни бошқа мактабга ўтказиш масаласини ҳал этиш лозим. Ахир унинг ҳам еймаң, ичаман деб турган фарзандлари борку.

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ, район Советининг ижроия комитети, район халқ таълими бўлими бу масалага ўз муносабатларини билдириши лозим. Мактабдаги можароларга чек қўйилмас экан, таълим ва тарбия ишини яхшилаб бўлмайди.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг махсус мухбири

ЮТУҚ

АРБ ҲАЕТИДАН РОМАН

Париждаги истироҳат боғ-
аридан бирида икки йигит
ахслашиб ўтирарди. Шу
айт уларнинг ёнидан чирой-
и, қадди-қомати келишган
онон ўтиб қолди.

— Хоним, бир минутга
умкинми? — йигитлардан
ри қизга чаққонлик билан
иб олиб суюлганча муро-
ат қилди.

— Шилқим! — деди қиз
кета бошлади.

— Ғоят миннатдорман сиз-
н. Мен ютдим, мен ҳақ
либ чиқдим! — дея йигит
га сидқидилдан эҳтиром
лдираркан, қиз аввалига
абланди, сўнгра қизиқси-
б орқасидаги нотаниш ки-
ига ўгирилди:

— Хўш, нега сиз ҳақ бў-
б чиқаркансиз?

— Биз ўртоғим билан
ҳслашиб қолдик, — бего-
йигит унга эргашаркан
шунтира кетди. — У: «Па-
жнинг ҳамма жононлари
нт хушмуомала ва мада-
тли» деди. Мен эса: «Йўқ.
рижнинг барча чиройли

қизлари қўпол ва терс, улар илтифотни билмайдилар» дедим. Натижада 50 франкдан баҳслашдик. Ўзингиз гувоҳ — мен ютиб чиқдим!

Қиз ҳижолат бўлганча нозли табассум билан йигитга юзланди:

— Маъзур тутасиз, нимани сўрамоқчи эдингиз?

— Йўқ-йўқ, менга бундай майин гапирманг. Акс ҳолда дўстим ҳақ бўлиб чиқади, — деди йигит ўтиниб.

— Кечирасиз, мен Париж қизларининг шаънини ҳимоя қилишим керак. Қолаверса, сиз мени яхши билмайсиз...

Улар ярим соатлар шу атрофда сайр қилиб юришди. Қиз имкони борича Париж қизларининг обрўсини сақлашга ҳаракат қиларди. Йигит ундан иш жойи ва уйининг адресини сўраган эди, озор етказиб қўймай, деб дарров бера қолди. Учрашувга таклиф қилганида ноз қилмасдан рози бўлди. «Нима бўлганда ҳам Париж қизларининг обрўсига путур етмасин», дерди у.

— Ижозатингиз билан сизни бир ўпиб олсам? — деди йигит хайрлашар экан қизнинг билакларидан ушлаганча.

— Ахир гаровда ютқазиб қўясиз-ку? — айёрона кулди қиз.

— Қўяверинг,—деб йигит ундан оҳиста бўса олди ва: — ана энди мен дўстимдан 200 франк ютиб олдим! — деди мағрурланиб.

— Эйи, ҳозиргина 50 франк дегандингиз, шекилли?

— Ҳа, олдин мен «Париж қизлари қўпол» дедим, у ишонмади. Биз 50 франкдан гаров ўйнадик. Мен яна «Лекин улар билан тезда тиллашиб кетса бўлади», дедим. У яна ишонмади ва 200 франкдан баҳс бойлашдик. Мана, камина 250 франк ютиб олди. Учинчи марта яна...

— Хўш, учинчи гал ҳам ютиб чиқдингизми? — қиз қизиқиб сўради.

—.. Кейинроқ батафсил айтиб берарман... Бунинг тарихи узун...

...Йўқ, тарихи қисқа экан, орадан бир ҳафта ўтиб уларнинг никоҳ тўйи бўлди. Меҳмонлар тарқалишгач хобхонада йигит хотинининг қулоғига мағрур шивирлади:

— Мана энди, мен сенга айтсам, ўша дўстимдан 1000 франк ютиб олдим!

Тоҳир ДОЛИЕВ

Асад АСИЛОВ

БЎСТОНЛИҚ

Қалби тош кимсалар тинчингни олмиш,
Не-не кулфатларни бошингга солмиш,
Азалги рафторинг қайларда қолмиш...
Дардларинг битолмай қўлларим толди,
Бўстонлиқ, тақдиринг кимларда қолди!!
Талон-тарожликлар қилгандек озлик,
Қаён боқсак нуқул муросасозлик,
Ортида дабдаба, ҳам ваъдабозлик.
Дардларинг битолмай қўлларим толди,
Бўстонлиқ, тақдиринг кимларга қолди!!
Зилол булоғингда ичкийим чайган,
Иркитин оқизиб тошда ялпайган,
Сувин булғаб ётар неча ифлос тан!..
Дардларинг битолмай қўлларим толди,
Бўстонлиқ, тақдиринг кимларга қолди!!
Осмондан ёғармиш ажал ёмғири,
Уни кислота дер — заводлар кири,
Фалокатнинг энди очилмиш сири...
Дардларинг битолмай қўлларим толди,
Бўстонлиқ, тақдиринг кимларга қолди!!
Чирчиқнинг ўрнида қолмиш кичик жар,
Ярми ҳам етмасмиш манзилга қадар,
Кўзи тўрт кутармиш Орол саросар...
Дардларинг битолмай қўлларим толди,
Бўстонлиқ, тақдиринг кимларга қолди!!
Эмиш энди сенинг бахтинг барқарор,
Ахир, олдимизда ошкоралик бор!
Балки ҳожат йўқдир айтишга такрор:
«Дардларинг битолмай қўлларим толди,
Бўстонлиқ, тақдиринг кимларга қолди!!»

ҚАТРА ХАНДАЛАР

Нонушта пайти тонгги газеталарни сатрма-сатр кўздан кечираётган жаноб Краузега хотини танбеҳ берди:

— Отто, бугун идорага бормайсанми?

— Э, каллаварам, — ирғиб ўрнидан турди, — мен аллақачон иш жойимда ўтирибман деб ўйлабман-а!

●

—Қирқ беш минутдан бери эшик олдида ким билан гаплашдинг? — деб сўради жаноб Мартин хотинидан.

— Дюбуа хоним билан.

— Нима учун ичкарига кирмади?

— Чунки у жуда шошаётган эди.

●

Трамвайда кетаётган йўловчи ёнидаги жувонга гап қўшди:

— Оилангиз борми, хоним?

— Ҳа, ўғлим бор.

— Яхши. У чекадими?

— Йўқ. У сигаретни қўлига ҳам ушлаб кўрмаган.

— Тўғри қилади, тамаки — заҳар. Балки у ичкилик истеъмол қилар?

— Йўғ-ей. Татиб ҳам кўргани йўқ.

— Баракалла сизга! У кечаси кечикиб келадими?

— Ҳеч қачон. У доим кечки овқатдан сўнг ухлайди.

— Ўғлингиз одобли йигит экан, хоним. Ёши нечада?

— Бугун тўрт ойлик бўлди, сэр.

●

Паскал дўсти Донимикни кўргани келди. Кетишидан олдин уйи узоқда бўлганлиги учун йўлда чекиши учун дўстидан икки дона сигарет сўради. Донимик унга сигарет бераётиб, киноя қилди:

— Эҳ, дўстим Паскал, сенинг узоқдан келганинг менга жуда қимматга тушди-ку!

Мирзараҳмат ТОШБОЕВ
таржимаси

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
БАҲОСИ 10 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
здается на узбекском языке

Орган Союза писателей Узбекской ССР и Министерства культуры Узбекской ССР

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.
Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЁҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул котиб)

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; секретариат — 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; поэзия ва проза — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; сатира ва юмор — 32-54-71.

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар авторларига қайтарилмайди. Ҳикоялар уч интервалда 14 бет, очерк ва мақолалар 12 бетдан ошмаслиги керак.

Р — 04438. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Б. — 3160. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12